

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

АРХИТЕКТУРА ВА  
ШАҲАРСОЗЛИККА ОИД  
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ  
ҲУЖЖАТЛАР  
ТЎПЛАМИ



СБОРНИК  
НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ  
АКТОВ ПО АРХИТЕКТУРЕ И  
ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВУ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**АРХИТЕКТУРА ВА  
ШАҲАРСОЗЛИККА  
ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ  
ҲУЖЖАТЛАР  
ТЎПЛАМИ**

**Тошкент  
«Адолат»  
2007**

67.404.2(5У)

А 81

**Архитектура ва шаҳарсозликка оид норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами:** Т.: Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги, 2007 й., 584 бет.

ББК 67.404.2(5У)



Ю  $\frac{1203070000 - 031}{(04) - 2007}$  - 2007

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
«Адолат» нашриёти, 2007 йил.

ISBN 978-9943-332-32-4

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ\***

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
2002 йил, 4-5-сон, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 287-модда; 2006 йил,  
27-сон, 245-модда, 41-сон, 405-модда)*

---

\* Кодекс алоҳида чоп этилади.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЮРИДИК ШАҲСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 21-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 287-модда; 2005 йил, 49-50-сон, 366-модда; 2006 йил, 41-сон, 405-модда)*

## **1-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

## **2-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ту- шунчаси**

Юридик шахслар томонидан аҳоли пунктларини, бинолар ва иншоотларни режалаш ва қуриш бош режаларининг, лойиҳаларининг бузилиши, давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларига, лойиҳалаш ва қурилиш, шунингдек бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиги, мустаҳкамлиги, пухталиги, ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларининг чидамлилик параметрлари пасайиши ва йўқотилишига сабаб бўлган тарзда риюя этилмаслиги, шунингдек объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузадиган хатти-ҳаракат қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

## **3-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқарувчи, қурилишда буюртмачи ҳисобланувчи ёки бир йўла буюртмачи ва пудратчи

---

\* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 15 декабрдаги 174-II-сонли қарори билан 2000 йил 27 декабрдан кучга киритилган.

вазифаларини бажарувчи юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган тартибда жарима солинади.

Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши уни ўзи йўл қўйган қоидабузарликларни бартараф этиш ва зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан, шунингдек айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

#### **4-модда. Режалаш ва қуришнинг бош режаларини, лойиҳаларини бузиш**

Аҳоли пунктларини режалаш ва қуришнинг бош режаларини, лойиҳаларини, тарихий иморатлар жойлашган даҳаларни қайта қуриш режаларини, турар жой даҳалари, кичик даҳалар ва шаҳарларнинг саноат зоналари, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг меъморчилик ечимларини бузиш —

энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **5-модда. Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бузиш**

Лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш чоғида қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бузиш:

агар бу ҳол бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиқ ёки мустаҳкамлик параметрлари йўқотилишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда;

агар бу ҳол бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиқ ёки мустаҳкамлик параметрлари пасайишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорда;

агар бу ҳол бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг пухталиги пасайишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**6-модда. Бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларининг талабларини бузиш**

Бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларининг талабларини бузиш — реализация қилинган маҳсулот қийматининг эллик фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**7-модда. Объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузиш**

Объектларни давлат экспертизаси томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари, жумладан иш ҳужжатлари хусусида берилган ижобий ҳулосасиз, шунингдек давлат архитектура-қурилиш назорати органлари рўйхатидан ўтказмасдан ва уларнинг рухсатномасиз қуриш —

энг кам иш ҳақининг етмиш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Қурилишда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, лекин сертификатланмаган материаллар, буюмлар ва конструкцияларни қўллаш —

энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш қоидаларини бузиш —

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат архитектура-қурилиш назорати органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик —

энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**8-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи мансабдор шахслар**

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғри-

сидаги кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва жарима солиш ҳуқуқига:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари;

архитектура ва қурилиш ҳудудий бош бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эгадирлар.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига жарима солиш суд томонидан, улар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жарималарни ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда эса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади.

### **9-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш**

Қурилиш соҳасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсдан жарима ундириш учун ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарори асос бўлади.

Юридик шахс жаримани жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай тўлаши керак.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади

### **10-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш**

Юридик шахс ўзига нисбатан чиқарилган жарима солиш тўғрисидаги қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиши мумкин. Бунда жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг амал қилиши шикоятни кўриб чиқиш муддатига тўхтатиб турилади.

### **11-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги**

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар-



ни кўриб чиқишда давлат архитектура-қурилиш назорати органлари мансабдор шахсларининг юридик шахслар зарар кўришига сабаб бўлган вайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан юридик шахслар судга белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 15 декабрь,  
173-П-сон

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## **КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\***

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
1997 йил, 9-сон, 279-модда)*

Капитал қурилишни ташкил этишни тартибга солиш, тузилма хусусияти ва аҳамиятига эга бўлган йирик объектлар қурилиши бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда зарур тартиб ўрнатиш, валюта маблағларидан самарали фойдаланиш, шунингдек хорижий ҳамкорлар олдида олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб:

молиявий таъминот манбаларидан қатъи назар, қиймати 25 миллион сўм ва ундан ортиқ бўлган (1991 йил нархида) объектлар;

ҳар йили давлат бюджети билан биргаликда тасдиқланадиган республика инвестицион дастурига киритилган объектлар;

лойиҳа қийматидан қатъи назар, ҳукумат кафиллигида хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилган ҳолда барпо этилаётган объектлар бўйича қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Қабул қилинган халқаро битимларда техник-иқтисодий асосларни тасдиқлашнинг бошқача тартиби кўзда тутилган бўлса, ана шу битимларда белгиланган тартиблар қўлланилади.

Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ва лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаганига қадар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши лозим.

Корхоналарнинг, жойлардаги давлат органларининг ўз маблағи, тижорат банклари кредитлари ҳамда бевосита хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётган бошқа инвестицион лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асослар кўрсатилган органлар, корхоналар ёки уларнинг юқори ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

---

\* 1997 йил 28 октябрдан кучга кирган.

2. Белгилаб қўйилсинки, қурилиш материаллари ва конструкциялар, бутловчи маҳсулотлар ҳамда бажарилган пудрат ишлари учун эркин муомаладаги валюта сарф қилинган ҳолда барпо этилаётган қурилишларнинг манзил рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси) билан келишган ҳолда тузилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари объектлар қурилишини молиявий жиҳатдан таъминлашда мазкур Фармонда белгиланган инвестицион лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосларини тасдиқлаш ва келишиш тартибларига қатъий амал қилсинлар.

4. Инвестицион лойиҳаларни барпо этиш ва амалга оширишнинг белгиланган тартибларига риоя қилиш бўйича шахсий жавобгарлик буюртмачи вазифасини бажараётган вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимининг капитал қурилиш бўйича ўринбосарлари, тижорат банклари бошқарувлари раислари зиммасига юклатилсин.

5. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда вилоятлар ва буюртмачилар мисолида тугалланмаган қурилиш бўйича ярим йиллик статистик ҳисоботни ишлаб чиқиб, 1998 йил 1 январидан жорий этсин.

Республика, соҳа ва ҳудудий миқёсларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт яқунларини кўриб чиқишда асосий эътибор тугалланмаган қурилишлар таҳлили ҳамда уларни камайтириш чораларига қаратилсин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1997 йил 28 октябрь,  
ПФ-1875-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИТЕКТУРА ВА ШАҲАР ҚУРИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\***

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
2000 йил, 4-сон, 120-модда)*

Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, архитектура, лойihalаш ва қурилиш фаолияти даражаси ҳамда сифатини ошириш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг шаҳар қурилишини замонавий талабларга ҳамда миллий анъаналарга мос келадиган тарзда комплекс ривожлантиришни таъминлаш, архитектура-шаҳар қурилиши соҳасидаги қимматли меросни сақлаш ва авайлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Республика архитектура-шаҳар қурилиши кенгаши ташкил қилинсин.

Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

замонавий талабларни, миллий ва меъморий-маданий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда шаҳар қурилиши ва архитектурани янада ривожлантириш концепцияси ҳамда дастурларини шакллантириш, кўриб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишларни ташкил қилиш, шаҳарлар ва туманларнинг марказларини, архитектура комплексларини режалаштириш ва барпо этиш лойиҳалари бўйича танловлар ўтказиш;

архитектура ва лойиҳа фаолиятида бозор муҳитини тобора шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, архитектура ва шаҳар қурилиши соҳасида шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

шаҳарларнинг бош режаларини кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш, уларнинг амалга оширилишини, архитектура-режалаштириш ҳужжатларига, гоят муҳим шаҳар қурилиши меъёрлари ва стандартларига риоя этилишини назорат қилиш.

Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш ўзининг ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлар мулкчилик шаклидан қатъи назар,

---

\* 2000 йил 26 апрелдан кучга кирган.

жисмоний ва юридик шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш»)нинг вазифалари аниқланиб, унинг зиммасига қуйидагилар юклансин:

қурилиш, архитектура, шаҳар қурилиши ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш масалалари бўйича амалдаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш;

капитал қурилишни ва инвестиция фаолиятини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

шаҳарларнинг, туман марказлари ҳамда шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда аҳоли пунктларининг ривожлантирилишини таъминлаш;

архитектура, қурилиш ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни ўтказиш;

қурилишда нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш, пудрат ишлари бозорини ва тегишли бозор инфратузилмасини шакллантириш бўйича ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, қурилишга ва қурилиш индустриясига бошқарув ва менежментни ташкил этишнинг илғор тизимларини, замонавий қурилиш технологияларини жорий қилиш;

қурилиш, архитектура, шаҳар қурилиши ва лойиҳалаш фаолияти соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, давлат меъёрлари ва стандартларини ишлаб чиқиш, давлат шаҳар қурилиши кадастрини юритиш;

лойиҳалаш, қурилиш ва бинокорлик материаллари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқариш чоғида меъёрлар ва стандартларга риоя этилиши устидан, қурилиш фаолиятининг амалга оширилиши, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш, шаҳар қурилишига оид ҳужжатларнинг ҳамда қурилиш маҳсулотлари, бинокорлик материаллари, буюмлар ва конструкцияларнинг идорадан ташқари экспертизасини ўтказиш;

хорижий архитектура ва қурилиш тузилмалари, халқаро ташкилотлар билан иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ша-

ҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан ҳамда Республика архитектура-шаҳар қурилиши Кенгаши билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарорига асосан лавозимга тайинланадилар ва озод қилинадилар;

туман ва шаҳар архитекторлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг ҳокимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадилар ва озод қилинадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архитектура ва Қурилиш бош бошқармаларининг бошлиқлари лавозимига кўра Республика архитектура-шаҳар қурилиши кенгашининг аъзолари ҳисобланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Архитекторлар уюшмасига қуйидагилар тавсия этилсин:

шаҳарлар марказлари ва туманларнинг марказларини, архитектура комплексларини режалаштириш ҳамда барпо этиш лойиҳаларига танловлар ўтказиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, жамоатчиликни ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда шу лойиҳаларнинг кенг муҳокама этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» билан биргаликда икки ой муддатда архитекторларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид таклифларни тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Архитекторлар уюшмасининг раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

6. Бош режалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган республика шаҳарларининг рўйхати тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимликлари билан биргаликда 2000—2002 йилларда шаҳарлар, туман марказлари ҳамда шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва ўзгартишлар киритиш

жадвалини тузиб, уни 2000 йилнинг 1 июнига қадар тасдиқлаш учун Республика архитектура-шаҳар қурилиши кенгашига киритсин.

Шаҳарлар, туман марказлари ҳамда шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида қуйидагилар устувор йўналишлар деб белгилаб қўйилсин:

туташ қишлоқ ҳудудлари билан шаҳарларнинг архитектура-режалаштириш тузилмаси уйғун ривожлантирилишини, шаҳар ҳудудларидан тежамли фойдаланишни, аҳоли истиқомат жойларининг табиий муҳитига эҳтиёткорона муносабатда бўлишни таъминлаш;

замонавий шаҳар марказларини, янги архитектура комплексларини шакллантириш, шаҳарларнинг тарихий-меъморий меросини сақлаб қолиб, уни ривожлантирган ҳолда, қадимдан таркиб топган ҳудудларини реконструкциялаш;

транспорт йўллари схемаларини, муҳандислик-техникавий тизимларини, ўқув-таълим муассасалари тармоқларини, спорт-соғломлаштириш комплексларини ҳамда ижтимоий соҳанинг бошқа объектларини мақбул тарзга келтириб, яшаш муҳитининг қулайлигини оширган ҳолда шаҳарларнинг инфратузилмаларини комплекс янгилаш.

Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар посёлкалари бош режаларга қатъий мувофиқ равишда барпо этилишини таъминлаш ҳамда аҳоли пунктлари бош режаларининг лойиҳаларини ҳамда лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасидаги ишларнинг молияланиши учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг ҳокимлари зиммасига юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 26 апрель,  
ПФ-2595-сон

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## **КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА\***

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
2003 йил, 5-сон, 68-модда)*

Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материалларининг ривожланган бозорларини шакллантириш, қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш, лойиҳаларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва самарадорлиги учун инвестиция жараёни барча қатнашчиларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

2003-2004 йилларда лойиҳа ва пудрат қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини тўлиқ тугаллаш, уларнинг негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш, лойиҳа ва қурилиш ишлари бозорида рақобат муҳитини яратиш;

капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажаришга буюртмалар жойлаштиришда танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш даражасини ошириш;

қурилишни ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида иншоотларни тўлиқ қуриб битказишга ўтиш, ишларни юқори сифатли бажариш ҳамда иншоотларнинг тўлиқ қуриб битказилиб топширилишини таъминлайдиган инжиниринг компаниялари ва лойиҳа-қурилиш ташкилотларини тузиш;

қурилиш материаллари бозорини кенгайтириш, уларнинг илғор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарида замонавий технологияларни тадбик этиш.

---

\* 2003 йил 6 майдан кучга кирган.



2. Белгилансинки, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан, шунингдек Ҳукумат кафолати билан жалб этиладиган инвестициялар ҳисобидан янги корхоналар қуриш, уларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш фақат танлов (тендер) савдолари асосида контракт тузган ҳолда ишларни тўлиқ бажариш шарти билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда иншоотларни тўлиқ қуриб битказишни ташкил этиш тўғрисидаги янги Низомни ва Иншоотларни тўлиқ қуриб битказишнинг намунавий пудрат шартномасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

Мазкур ҳужжатларда қуйидагилар аниқ белгилаб қўйилсин:

буюртмачи ишлар (хизматлар) бажарилишини лойиҳа қийматининг 30 фоизига қадар миқдорда аванс билан таъминлаши, келишилган жадвал бўйича авансни ҳисобга олган ҳолда 50 фоизга қадар миқдорда жорий молиялашни амалга ошириши ҳамда иншоот қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилгандан кейин узил-кесил ҳисоб-китоб қилиши шарт;

пудратчи иншоотнинг буюртмачига тасдиқланган лойиҳа ва контрактда шарт қилиб қўйилган талабларга мувофиқ топширилишини таъминлайди ҳамда инвестиция жараёнининг барча босқичларида жами ишларни амалга ошириш бўйича контрактнинг бажарилиши учун, қурилиш сифати ва иншоотнинг ўз вақтида топширилиши учун буюртмачи олдида иқтисодий жиҳатдан жавобгар бўлади;

пудратчи иншоотни тўлиқ қуриб битказиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш учун тижорат банкларининг кредитларини жалб этиши мумкин;

қурилишнинг пировард молиявий натижалари ва контрактда белгиланган шартномавий нархга риоя этилиши учун масъулият пудратчи зиммасига юкланади, унинг амалий қийматини пасайтириш натижасида тежаб қолинган маблағ эса унинг ихтиёрида қолади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, тижорат банклари билан бирга бир ой муддатда пудрат ташкилотларининг айланма маблағларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифларни ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда қурилишни бошқариш тизимидаги бўғинларни қисқартириш кўзда тутсин ва ундан бўшайдиган активлар пуд-

рат ташкилотларининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

пудрат ишларига буюртмаларни жойлаштириш фақат танлов савдоларини ўтказиш шартлари асосида амалга оширилади;

танлов савдолари (тендерлар)да иштирок этишга фақат ишлар (хизматлар) қийматининг камида 20 фоизи миқдорда айланма маблағларига ёки мазкур маблағларни бериш учун банк кафиллигига эга бўлган пудрат ташкилотларигина қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишдаги танлов савдолари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар ва бунда танлов савдолари (тендерлар) ўтказиш борасида белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш чораларини кўзда тутсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, буюртмачи билан бош пудратчи ўртасидаги, бош пудратчи, субпудратчи, лойиҳа ташкилотлари ҳамда қурилиш материаллари ва конструкциялари етказиб берувчилар ўртасидаги барча муносабатлар оралиқ бўғинларининг иштирокисиз фақат шартнома муносабатлари асосида контракт тузган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан бирга бир ой муддатда қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисидаги низомни тубдан қайта ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар. Бунда буюртмачи ва пудратчининг жавобгарлик чоралари аниқ белгиланиб, қўйидагилар кўзда тутилсин:

буюртмачи ерларнинг ўз вақтида ажратилиши, буюртмачининг формати берилиши, тендер ҳужжатлари тайёрланиши, пудрат ишларига танлов савдоси (тендер) ни ташкил этиш ва ўтказиш, тузилган контракт (шартнома)га мувофиқ келишилган график бўйича ўз вақтида молиялаш учун жавобгар бўлади;

пудратчи лойиҳанинг иш ҳужжатлари тайёрланиши ва экспертизадан ўтказилиши, ишларнинг контрактда келишиб олинган графикка қатъий мувофиқ равишда бажарилиши ва иншоотнинг ўз вақтида фойдаланишга топшириши учун, белгиланган

қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя этилиши учун жавобгар бўлади;

иншоотни фойдаланишга қабул қилиб олиш буюртмачи томонидан Давархитектқурилишназорат иштирокида белгиланган сифат стандартларини ҳисобга олган ҳолда таъминланади, нуқсонлар мавжуд бўлган тақдирда эса архитектура-қурилиш назоратини амалга оширишга вакил қилинган органларнинг хулосаси бўйича сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати миқдоридаги ишларнинг ҳажми чиқариб ташланади ёки нуқсонлар айбдор томоннинг маблағлари ҳисобидан бартараф этилади;

контракт шартларини бузиш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ва қўрилган зарарлар айбдор томон — буюртмачи ёки пудратчи маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда бош пудратчилар ва субпудратчилар, пудрат ташкилотлари ҳамда қурилиш материаллари ва конструкциялари етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ягона намунавий тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар. Бунда қурилиш материаллари ва ишларнинг қиймати сунъий равишда қимматлашувини бартараф этиш мақсадида муносабатлар тизимидаги оралиқ бўғинлари ҳамда воситачи ташкилотлар тугатилиши кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан бирга икки ой муддатда давлат маблағлари ҳисобидан қурилиш ишларини амалга оширувчи буюртмачиларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан иншоотлар қурилишининг бориши устидан техник назоратни кучайтириш, уларнинг таъминот, савдо-воситачи ташкилотларини ҳамда буюртмачи номидан иш қўрувчи оралиқ тузилмаларини тугатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. 2004 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, бунда:

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури ҳар йили лойиҳа қидирув ишларидан бошлаб иншоотни фойдаланишга топширгунга қадар циклни ҳисобга олиб, иншоотни молиялаш манбалари билан боғлаган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади;

Инвестиция дастурига, қоида тарихида, марказлаштирилган манбалар ва Ҳукумат қарорлари бўйича хорижий кредитлар ҳисобидан, шунингдек туғридан-туғри жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳисобидан тулиқ қуриб битказиладиган иншоотлар қилилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришнинг янги Тартибини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қурилишни молиялаш ва кредитлаш Тартибини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

9. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чоғида капитал қурилишда жорий шартномавий нархларга ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Белгилансинки:

танлов савдолари (тендерлар) натижаларига кўра янги қуриладиган иншоотларга доир тузиладиган шартномалар (контрактлар) бўйича жорий нархларга ўтиш шартнома (контракт) тузилган пайтдан бошлаб, ўтувчи иншоотлар бўйича эса — 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади;

давлат капитал қўйилмалари ҳисобига молиялаштириладиган қурилиш иншоотлари бўйича танлов савдоси (тендер) роилиблари билан қурилишнинг биринчи йилида ўзгартирилмайдиган ва кейинги йилларда моддий-техника ҳамда бошқа ресурсларга нархлар даражаси ҳисобга олинган ҳолда аниқлаштириладиган шартномавий нарх бўйича тегишли контрактлар (пудрат шартномалари) тузилади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жорий нархларга ўтиш туғрисида қарор қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг вазифалари ҳамда функцияларини қайта кўриб чиқишга доир таклифлар киритсинлар.

Таклифларни тайёрлашда:

бажарилган лойиҳа ва қурилиш ишларининг сифати, меъморий безаш, қурилиш меъёрлари, қоида ва стандартларига риоя этилиши учун Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг жавобгарлигини ошириш ҳамда мазкур қўмитанинг пудрат таш-

килотлари белгиланган қурилиш муддатларига риоя этишлари устидан назоратини кучайтириш кўзда тутилсин;

қурилиш қийматини пасайтириш мақсадида лойиҳа ташкилотларини рағбатлантириш тартиб ва шакллари ишлаб чиқилсин;

лойиҳалаш бўйича сифат ҳамда белгиланган талабларни бузганлик учун лойиҳа ташкилотларига жарима солиш ва бошқа жазо чоралари кўриш, ҳатто лойиҳа фаолиятини амалга ошириш лицензияларининг амал қилишини тўхтатишгача бўлган чораларни кўриш бўйича Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилсин;

лойиҳа ишлари ва қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жазо чоралари кўриш тартиби тўғрисида янги Низом ишлаб чиқилсин.

11. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 январига қадар уларни ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар ва уларнинг бутловчи буюмларини олиб келиш чоғида божхона тўловларини тўлашдан озод қилинсинлар (божхона расмийлаштириши учун йиғимлар бундан мустасно).

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритсинлар. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

лизинг шартлари асосида фойдаланиладиган янги юқори унумли қурилиш машиналари, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари сотиб олишни молиялаш манбалари тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

тугатилаётган иқтисодий ночор корхоналарнинг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситаларини уларнинг бюджет олдидagi қарзларини қоплаш ҳисобига лизинг компанияларининг устав сармоясига ўтказиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тулаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 6 май,  
ПФ-3240-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **ШАҲАРЛАРДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШINI ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\***

Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва бошқа бир қанча вилоятларнинг ҳокимликлари шаҳарларни реконструкция қилиш ва ободонлаштириш, архитектура ва тарихий-маданий ёдгорликларни қайта тиклаш, транспорт магистраллари қуриш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш бўйича ишларни шаҳар қурилиши талабларини қўпол равишда бузган ҳолда, шаҳарларнинг истиқболли бош режаларини аниқ-пухта ишлаб чиқмасдан, аҳоли пунктларини зарур лойиҳа-режалаштириш ҳужжатлари билан таъминламасдан амалга ошираётганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган фактлар деб ҳисоблансин.

Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республиканинг шаҳар қурилишига оид қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2595-сонли Фармонига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қатъий риоя этишлари устидан тегишли назоратни амалга оширмаяпти.

Шаҳар қурилишида тегишли тартиб ўрнатиш ва уларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган комплекс реконструкция қилинишини таъминлаш, шаҳар марказлари ва архитектура комплекслари қурилиши бош режаларида шаҳарларнинг транспорт магистраллари ва кўча-йўл тармоқларини комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган лойиҳалар сифатини ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси талабларига, шаҳар қурилишининг тасдиқланган норма ва қоидаларига риоя этилиши учун масъулиятни кучайтириш мақсадида:

1. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг истиқболли қурилишида кўплаб магистрал йўллар ва кўчаларда, ҳатто чорраҳаларда энг аввало узокни ўйламасдан, вақтинчалик манфаатларни кўзлаб бешинам умумий овқатланиш нуқталари ва турли хил газакхона-

---

\* 2005 йил 26 апрелдан кучга кирган.

лар шаҳар қурилиши ва архитектура нормалари, коммуникация, транспорт ва санитария талаблари, истиқболли қурилиш режалари билан асло боғланмаган ҳолда қуриб ташланиши мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган амалиёт деб ҳисоблансин.

2. Белгилансинки, транспорт магистраллари ва тизимларининг чизмалари мақбуллаштирилган ҳолда шаҳарларнинг транспорт инфратузилмаси янги қурилиши, уни реконструкция қилиш ва янгилаш фақат шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режалари асосида ва Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

3. Қўйидагилар транспорт магистраллари ва тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачилар этиб тайинлансин:

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида, Тошкент вилоятида — «ТошкентбошпланЛИТИ» лойиҳа институти;

вилоят марказлари ва шаҳар аҳоли пунктларида — «ЎзшархозозликЛИТИ» ОАЖ лойиҳа институти;

қишлоқ аҳоли пунктларида — «Ўзқишлоқлойиҳа» МЧЖ лойиҳа институти.

4. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

уч ой муддатда «ТошкентбошпланЛИТИ» институти билан биргаликда Тошкент шаҳрининг транспорт инфратузилмасини мақбуллаштириш ва янгилаш бўйича лойиҳаларга тузатишлар киритсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

бир ой муддатда иловага\* мувофиқ республика шаҳарларида транспорт инфратузилмасини ишлаб чиқиш ва янгилаш жадвали бўйича таклифлар тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган жадвалга биноан иловада кўрсатилган шаҳарларда транспорт инфратузилмасини мақбуллаштириш ва янгилаш бўйича лойиҳаларга тузатишлар киритсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.



Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юк-  
латилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 26 апрель,  
ПҚ-62-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ, ҚУРИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\***

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2006 йил, 43-44-сон, 427-модда, 51-52-сон, 507-модда; 2007 йил,  
3-сон, 22-модда, 11-сон, 95-модда)*

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек Республика йўл фонди ҳисобидан йўл тармоғининг эксплуатация қилиш ва пудратчи ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришни мақбуллаштириш мақсадида:

#### **1. Қўйидагилар:**

Умумий фойдаланиладиган йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондининг янгиланган низоми 2-иловага\*\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фонди даромадлари шаклланиши ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги янгиланган низом 3-иловага\*\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фонди «Ўзавтойўл» ДАК, Давархитектқурилиш ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматлари билан биргаликда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилишнинг белгиланган тартибига қатъий амал қилинишини, кўрсатилган мақсадларга ажратилган маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика йўл

---

\* 2006 йил 25 октябрдан кучга кирган.

\*\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

\*\*\* 2-3-иловалар берилмайди.

фондининг автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилишга ажратилган маблағларидан мақсадли ва оқилон сарфланиш устидан катъий назорат урнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сонли қарорининг 7-бандидаги 2, 3 ва 5-хатбошилари ҳамда мазкур қарорнинг 5, 6 ва 8-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 октябрь,  
ПҚ-499-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## КОРХОНАЛАР, БИНОЛАР ВА ИНШОТЛАР ҚУРИЛИШИ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИДОРАДАН ТАШҚАРИ ЭКСПЕРТИЗА ОРГАНЛАРИ- НИНГ РОЛИ ВА МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА\*

Лойиҳалаш сифатини ошириш, инвестиция фаолиятида идоравий ёндашишни бартараф этиш, бу муҳим ишда давлат идорадан ташқари экспертизадан ўтказиш органларининг роли ва масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши давлат қурилиш бошқармаси, вилоятлар ҳокимликлари (Тошкент шаҳридан ташқари) ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги давлат идорадан ташқари экспертиза органлари Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармасининг бевосита тасарруфига берилсин ва бундан буён бу органлар Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги давлат идорадан ташқари экспертиза органлари деб аталсин.

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси 2 ой муддатда фаолиятнинг ушбу турига илгари берилган лицензияларни қайта қўриб чиқсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Қиймати 2 млн. сўмгача бўлган (1991 йилдаги базавий нархларда) объектлар қурилиши (реконструкция қилиниши) лойиҳалари «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги давлат идорадан ташқари экспертиза органлари, шунингдек Тошкент шаҳар идорадан ташқари экспертиза бошқармаси томонидан, қиймати 2 млн. сўмдан ортиқ бўлган, шу жумладан, қийматидан қатъи назар, хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилад;

---

\* 1996 йил 31 декабрдан кучга кирган.

Идоравий экспертиза органлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлган объектлар қурилиши қиймати Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан бериладиган лицензия билан белгиланади.

3. Маблағ билан таъминловчи банклар ижобий эксперт хулосасига эга бўлмаган лойиҳалар бўйича объектлар қурилишини маблағ билан таъминлашга йўл қўймасинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармаси эксперт органларига, уларнинг идоравий бўйсунушидан қатъи назар, услубий раҳбарликни таъминласин.

5. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1987 йил 10 сентябрдаги 373-сон қарори бандининг тўртинчи хат боши ва 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
1996 йил 31 декабрь,  
472-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## ОБЪЕКТ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ Фойдаланишга топширилганлиги ва шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни буюртмачи томонидан мукофотлаш тартиби тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишни бошқариш ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 28 ноябрдаги 500-сон қарорининг 9-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги ва шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни буюртмачи томонидан мукофотлаш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат ташкилотларини мукофотлашнинг кўрсатиб ўтилган тартибини амалий фаолиятда фойдаланиш учун республика қурилиш бўлинмаларига ва инвестиция жараёнининг бошқа қатнашчиларига етказсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Исаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1999 йил 26 март,  
135-сон

---

\* 1999 йил 26 мартдан кучга кирган.

**Объект муддатидан илгари фойдаланишга  
топширилганлиги ва шартнома қийматига нисбатан  
маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни  
бўйртмачи томонидан мукофотлаш  
ТАРТИБИ**

**1. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Тартиб маблағлар тежалган ва объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилган тақдирда қурилиш қатнашчиларини мукофотлаш шартлари ва тартибини белгилаб беради, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуриш (реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш)ни ва ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ишлари бажарилишини қамраб олади.

1.2. Илмий-техник ишланмаларни, энг янги технологияларни жорий этиш, қурилиш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш йўли билан ўз вақтида сифатли пировард натижага эришиш учун қурилиш қатнашчиларини рағбатлантириш шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги ва объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги учун қурилиш қатнашчиларини мукофотлашнинг мақсади ҳисобланади.

1.3. Мазкур Тартиб пудрат шартномаси бўйича қурилишда қатнашаётган барча юридик ва жисмоний шахслар (илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари, бош пудратчи, субпудрат ташкилотлари ва бошқалар)га татбиқ этилади ҳамда шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалишига, объект муддатидан олдин фойдаланишга топширилишига қўмаклашади.

1.4. Шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалиши тендер савдолар асосида белгиланган шартнома нархи билан амалдаги харажатлар ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади. Ушбу маблағлар мукофот сифатида пудрат ташкилот ихтиёрида қолади.

**1.5. Қуйидагилар:**

фан ва техника ютуқларини жорий этиш, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ишлари ва бошқа ишларнинг илғор технологиялари қўлланилиши;

қурилишни объект сифатини пасайтирмайдиган унчалик қим-

мат бўлмаган зарур бинокорлик материаллари, ярим тайёр маҳсулотлар, буюмлар ва конструкциялар билан таъминлаш;

асбоб-ускуналар, қурилиш машиналари ва механизмларини ишлатиш харажатларини камайтириш, шунингдек ўзи тайёрланган саноат маҳсулотини қўллаш;

устама харажатлар миқдорини қайта қўриб чиқиш ва қисқартириш ҳамда ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;

тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа чора-тадбирлар ҳисобига қурилиш қиймати пасайтирилишига эришиш шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалиши ҳисобланади.

1.6. Буюртмачи объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилишидан манфаатдор бўлганда пудрат шартномасида амалда фойдаланишга топшириш санасидан бошлаб пудрат шартномасида назарда тутилган фойдаланишга топшириш санасигача маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинadиган фойда ёки буюртмачи томонидан алоҳида ажратилadиган маблағлар ҳисобига қўшимча мукофотлаш шартлари қайд этилади.

1.7. Қурилиш муддатининг пудрат шартномасида кўрсатилганга нисбатан қисқариши объектни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш ҳисобланади.

## **2. Қурилиш қатнашчилари ўртасида мукофот пулини тақсимлаш тартиби**

2.1. Буюртмачи ва бош пудратчи бажарилadиган ишлар хусусиятидан, меҳнат сарфидан ва қурилиш қатнашчиларининг пировард натижага қўшадиган мўлжалланган улушига боғлиқ равишда объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги учун мукофотлаш шартларини қурилиш бошланишидан олдин ёки қурилиш давомида белгилаб оладилар.

2.2. Шартнома қийматига нисбатан тежалган маблағлар ҳар бир қурилиш қатнашчисининг амалда қўшган улушидан келиб чиққан ҳолда мазкур Тартибнинг 1.5-бандига мувофиқ тақсимланади.

2.3. Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилган тақдирда, буюртмачи манфаатдор бўлган ҳолда, қурилиш қатнашчиларини мукофотлаш уларнинг ҳар бирининг амалда қўшган улушига қараб мазкур Тартибнинг 1.6-бандига мувофиқ амалга оширилади.

2.4. Шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги



ва объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги учун такдирлаш пули қурилиш қатнашчиларининг солиқ солинадиган базасига киритилмайди.

2.5. Қабул қилиш комиссиясининг объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлигини белгиланган тартибда тасдиқловчи далолатномаси объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги учун мукофотлашга маблағ ўтказиш учун асос ҳисобланади.

2.6. Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги учун ишларни бажарувчиларга мукофотлаш маблағларини ўтказиш пудрат шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

2.7. Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги учун буюртмачи томонидан маблағ билан таъминловчи банкка тақдим этиш учун расмийлаштириладиган тўлов топширигида маблағнинг мукофотлашга мақсадли йўналтирилиши кўрсатилади.

2.8. Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги учун қурилиш қатнашчиларига ўтказилган мукофотлаш маблағларининг 10 фоизидан 35 фоизигача миқдорини ходимларни мукофотлаш учун, қолган қисмини тармоқнинг ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ҳамда айланма маблағлар ва моддий ресурсларни тўлдириш учун фойдаланиш тавсия этилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА БАРПО ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАК- КАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА\*

*(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами,  
1999 йил, 12-сон, 70-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 22-сон, 180-модда; 2003 йил,  
11-сон, 88-модда)*

Ривожланаётган бозор муносабатлари шароитларида қури-  
лиш пудрати шартномаси бўйича томонларнинг манфаатларини  
химоя қилиш, суғурта ходисалари оқибатида пайдо бўладиган  
қурилиш таваккалчиликлари қопланишини ва зарарлар тўлани-  
шини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қила-  
ди:**

#### 1. Қуйидагилар:

Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати ости-  
даги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчилик-  
ларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Низом иловага  
мувофиқ;

Низомда назарда тутилган таваккалчиликларни мажбурий  
суғурта қилиш бўйича чекланган тарифлар суғурта пулининг 0,4  
фоизи миқдориди тасдиқлансин.

#### 2. Белгилансинки, 2000 йил 1 январдан бошлаб:

мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи  
субъектлар — пудратчилар давлат бюджети маблағлари ва Ҳуку-  
мат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъ-  
минланаётган объектларни қуриш учун пудрат шартномаларини  
тузишда Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати  
остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккал-  
чиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Низомга  
мувофиқ таваккалчиликларни мажбурий суғурта қиладилар;

қурилиш пудрати шартномалари бўйича маблағ билан таъ-  
минлаш фақат шартномалар суғурта полислари мавжуд бўлган  
тақдирда бошланади. Суғурта полиси суғурталовчи томонидан

---

\* 1999 йил 20 декабрдан кучга кирган.

суғурта қилдирувчига суғурта шартномасида белгиланган суғурта мукофоти тўлангандан кейин тақим этилади.

3. Вазирликлар ва идоралар идоравий меъёрий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.С. Ҳамидов ва А.Н. Исаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
1999 йил 20 декабрь,  
532-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
1999 йил 20 декабрдаги 532-сон қарорига  
ИЛОВА

**Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат  
кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо  
этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий  
суғурта қилиш тўғрисида  
НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Фуқаролик кодексининг 669-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 3 сентябрдаги 375-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда давлат бюджети маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган қурилиш объектлари бўйича таваккалчиликларни мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда «суғурта қилиш» деб аталади) тартиби ва шартларини белгилайди.

Давлат бюджети маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган қурилиш объектлари бўйича таваккалчиликларни суғурта қилиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, шунингдек мазкур Низомга биноан амалга оширилади.

2. Суғурта ташкилоти (кейинги ўринларда «суғурталовчи» деб

**аталади)** пудратчи ва ёки суғурталашдан манфаатдор бошқа шахсларнинг (кейинги ўринларда «суғурталанувчи» деб аталади) мулкӣ манфаатларини, шунингдек қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилганлиги учун суғурталанувчининг жавобгарлигини суғурта қилади.

3. Суғурта қилиш суғурта шартномасида белгиланган суғурталанувчи ва ёки бошқа шахс фойдасига амалга оширилади. Суғурталанувчига ва бундай шахсга суғурта қилинган мол-мулк нобуд бўлиши ёки шикастланишидан етказилган зарар тўланиши мумкин.

4. Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда суғурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифодалайдиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилганлиги учун суғурталанувчининг жавобгарлиги суғурта қилиш объектлари ҳисобланади.

5. Мазкур Низом бўйича суғурта қилиш таваккалчиликларнинг қуйидаги гуруҳлари қопланишини таъминлайди:

ёнғин, чакмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўзидан ёниш;

ўғирлик ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари;

сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши; бўрон, довул;

зилзила, сел, кўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш; қисқа туташув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари;

машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши;

нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан қўрилган зарар;

қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

6. Полиснинг ёки таваккалчиликларни суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги келишувга кўра қурилиш пудрати шартномасининг муддатига мувофиқ белгиланади. Объектни фойдаланишга топшириш муддати узайтирилган тақдирда, полис томонларнинг

қўшимча келишувига кўра белгиланадиган қўшимча суғурта тўлови тўланиши шарт билан амал қилишда давом этади.

6<sup>1</sup>. Объектларни давлат капитал қўйилмалари ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш харажатларини объект қурилишининг умумий қийматига киритган ҳолда амалга оширилади.

## **II. Суғурталовчининг жавобгарлиги чегараси**

7. Суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта пули билан чекланади. Қурилаётган объект тўлиқ қийматининг 80 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми ёки илгари бажарилган ишлар ҳажми, шу жумладан материаллар қиймати ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилаётган йилда барпо этилаётган объект қийматининг бир қисми томонларнинг келишувига кўра суғурта пули бўлиши мумкин.

Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарар учун суғурталовчининг жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича суғурта товони суғурталовчининг бутун муддати учун суғурта шартномасида белгиланган жавобгарлик лимитлари доирасида белгиланади.

Суғурталовчи учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказилиши билан боғлиқ харажатларни суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс етказилган зарар учун албатта жавоб берган тақдирдагина тўлайди.

Агар суғурта шартномасида бир ҳодиса бўйича жавобгарлик лимити белгиланган бўлса, айна бир суғурта ҳодисаси туфайли келиб чиққан барча зарарлар бўйича товон пули, шу жумладан зарарнинг олдини олиш ёки уни қисқартириш бўйича харажатлар ушбу лимитдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Суғурталовчи шунингдек суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш билан боғлиқ оқилона харажатларни ҳам тўлайди, бироқ у суғурта пулининг 2 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тиклаш ишларини олиб бориш учун яроқли ҳолга келтириш учун амалга оширилиши керак бўлган харажатлар тозалаш бўйича харажатлар деб ҳисобланади.

8. Суғурталовчининг жавобгарлиги суғурталовчан мол-мулк қурилиш майдонига туширилган пайтдан бошланади, бироқ суғурталовчи томонидан суғурта учун суғурта тўлови амалда

**тўланган** санадан ва суғурта шартномасида қайд этилган санадан олдин бошланмайди. Суғурталовчининг жавобгарлиги қурилиш, монтаж қилиш, асбоб-ускуналарни бўш ва иш ҳолатида синашнинг бутун даври мобайнида давом этади ҳамда объектни фойдаланишга топшириш пайтида, бироқ суғурта шартномасида кўрсатилган санадан кечикмай тамом бўлади.

### **III. Умумий истиснолар**

9. Мазкур Низомга мувофиқ тузилган суғурта шартномалари бўйича қуйидагилар натижасида бевосита ёки билвосита пайдо бўладиган зарарлар қопланмайди:

хар хил ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларнинг оқибатлари, миналар, бомбалар, бошқа уруш қуролларининг таъсири, халқ ғалаёнлари ва иш ташлашлар, терроризм, мусодара қилиш, реквизиция, мол-мулкни хатлаб қўйиш, ҳарбий ёки фуқаро маъмурлари ва бирор бир сиёсий ташкилотларнинг фармойишига кўра мол-мулкнинг йўқ қилиниши ёки шикастлантирилиши;

ядро портлаши, радиация ва радиоактив захарланиш;

суғурталанувчининг, фойдасига суғурта тузилган шахснинг ёки уларнинг вакиллариинг қасддан қилган ҳаракати ёки қўпол эҳтиётсизлиги;

суғурталанувчига, фойдасига суғурта тузилган шахсларга ёки уларнинг вакилларига суғурта ҳодисаси бошлангунгача маълум бўлган хатолар, камчиликлар ёки нуқсонлар;

лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтатилиши;

айрим буюмларнинг коррозияга учраши, чириши, табиий эскириши, ўзидан-ўзи ёниши ёки бошқа табиий хоссалари, бунда ушбу ҳодисалар келтириб чиқарган бахтсиз ҳодисалар натижасида бошқа суғурта қилинган буюмлар шикастланишидан қурилган зарарнинг ўрни қопланиши шарт;

лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган тажриба ёки тадқиқот ишлари;

қурилиш техникаси ва транспорт воситалари ички томонининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда синиши натижасида шикастланиши.

10. Суғурталовчи шунингдек объектлар қурилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмлари алмаштирилиши, тузатилиши ёки созланиши қийматини, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қийматини ҳам

тўламайди. Ушбу истисно дахл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб қолади, аммо материаллар ёки ишлардаги бундай нуқсонлар натижасида тўғри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланишини истисно қилмайди.

11. Ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материаллар, суғурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (суғурталанган таваккалчиликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), қимматбаҳо металллар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва қимматли қоғозларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фақат хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир билвосита зарар суғурта билан қопланмайди.

#### **IV. Суғурта шартномасини тузиш**

12. Суғурта шартномаси суғурталанувчининг ёзма ариза-анкетаси асосида тузилади, унда таваккалчилик даражаси тўғрисида бир фикрга келиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлади ва суғурталовчи томонидан имзоладиган суғурта полиси билан расмийлаштирилади.

Суғурталанувчи ариза-анкета билан бир вақтда таваккалчилик даражасини баҳолаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим этади.

Шартнома тузилгандан кейин унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар имзолаган, суғурта шартномаси ва суғурта полисининг узвий қисми бўлиб қоладиган қўшимча битимлар билан расмийлаштирилади.

13. Суғурталанувчи суғурталовчига суғурта учун суғурта тўловини тўлашга мажбур. Суғурта тўловини тўлаш бошлангунгача суғурта шартномасининг суғурталовчининг мажбуриятларига оид қисми кучга қирмайди. Суғурта тўлови фоиздаги тўлов ставкасини жами суғурта суммасига кўпайтирган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Суғурта тўлови миқдори суғурталаш муддатларининг давомийлигига ва томонларнинг аҳдлашуви бўйича суғурта тўловининг умумий миқдorigа боғлиқ ҳолда табақалаштирилади.

14. Суғурталанувчи суғурталовчини суғурта суммаси ўзгарганлиги, шунингдек томонлар суғурта тўғрисидаги шартномани имзолангандан кейин таваккалчиликда бўлган ўзгаришлар тўғри-

сида хабардор қилиши шарт. Объект қийматини 10 фоиздан зиёд қўпайтирувчи ўзгартиришлар суғурталовчига шартнома шартларини қайта кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

15. Суғурталовчи суғурта ҳодисаларининг олдини олишни таъминловчи шарт-шароитларни яратишга қаратилган олдини олиш тадбирларини қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш учун тушадиган маблағларнинг икки фоизи доирасида маблағ билан таъминлаши мумкин.

16. Агар суғурталанувчига ва суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишлар уч ойдан ортиқ бўлмаган даврга тўхтатиб турилса, суғурта шартномасининг амал қилиши томонлар ўртасидаги қўшимча битимга мувофиқ кўрсатиб ўтилган даврга тўхтатиб турилиши мумкин ва у суғурталанувчининг ёзма шаклдаги билдиришномасидан кейин ишлар қайта тикланганда, суғурта даврини ишлар тўхтатиб турилган даврга қўпайтирган ҳолда, қўшимча суғурта тўловисиз янгидан кучга киради.

Қурилиш объекти суғурталанувчига ва суғурталаш унинг фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинганда суғурта шартномаси бўйича қолган давр учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилган суғурта тўловининг бир қисми суғурталовчи томонидан қайтарилади.

Бошқа барча ҳолларда суғурта даври фақат томонларнинг аҳдлашуви бўйича, миқдори томонлар ўртасидаги келишувга кўра белгиланадиган қўшимча суғурта тўлови тўланган ҳолда узайтирилиши мумкин.

Агар ишларни жадаллаштириш натижасида қурилишнинг белгиланган муддати суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта муддати тугашидан илгари тугаса суғурта тўлови қайтарилмайди.

## **V. Суғурта ҳодисаси бошланганда томонларнинг ўзаро муносабатлари**

17. Суғурта ҳодисаси бошланганда суғурталанувчи ёки суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс, суғурталовчининг сўровномаларини ёки талабларини кутиб ўтирмасдан, қурилиши мумкин бўлган зарарларни камайитиришнинг имкони бўлган барча чораларини кўриши ва 7 календарь кундан кечикмай суғурталовчини содир бўлган ҳодисадан ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Суғурталовчи хабарни олгандан кейин 3 кун мобайнида объектни кўздан кечириб чиқишга мажбур.



18. Суғурталанувчи мазкур мол-мулк бўйича бошқа суғурта ташкилотлари билан тузилган барча суғурта шартномалари тўғрисида суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Суғурталанувчи барча режалар, спецификациялар, топшириқномалар, дубликатлар ёки нусхаларни ҳамда суғурта ходисаси бошланиши ҳолатлари ва сабаблари тўғрисида хулоса чиқариш имконини берувчи бошқа зарур ҳужжатларни суғурталовчига тақдим этиши керак.

19. Суғурталанувчининг ёзма аризаси олингандан ва суғурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркибига суғурталанувчининг ва суғурталовчининг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, манфаатдор шахс ҳисобига ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

20. Суғурталовчининг вакиллари вазиятни, зарар характери ва миқдорини аниқлаш учун суғурта ходисаси содир бўлган жойга эркин кира олиши ҳамда суғурталанувчи ва суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахснинг тегишли ҳужжатларидан бемалол фойдалана олиши керак.

Суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида вазиятлар, зарарнинг характери ва миқдори бўйича келишмовчиликлар бўлган тақдирда масала эксперт комиссияси томонидан ҳал қилинади.

Ҳар қайси томон ўз экспертини тайинлайди ва бу тўғрида иккинчи томонни хабардор қилади ҳамда ўз эксперти хизматига ҳақ тўлайди.

Ушбу қоида томонларнинг келишмовчиликларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳал этиш бўйича ҳуқуқларини чекламайди.

21. Суғурталанувчи шикастланган мол-мулк ва ходиса рўй берган жой суғурталовчининг вакиллари томонидан кўздан кечирилгач ҳамда суғурта ходисаси оқибатларини бартараф этиш бўйича хатти-ҳаракатлар суғурталовчи билан ёзма равишда келишиб олингандан кейин, имкониятга қараб суғурта ходисаси оқибатларини бартараф этишга (алмаштиришга, тузатишга) киришиши мумкин.

22. Суғурталовчи ёки унинг вакили суғурталанган мол-мулкни қутқаришда ва сақлаб қолишда, бунинг учун зарур чораларни кўрган ёки кўрсатган ҳолда, қатнашиш ҳуқуқига эга. Суғурталовчининг ёки унинг вакилларининг ушбу хатти-ҳаракатлари суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлаш мажбуриятини эътироф этиш ҳисобланмайди.

23. Суғурта товони суғурта ҳодисаси эътироф этилгандан ва кўрилган зарар миқдорини ҳамда тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасини аниқловчи далолатнома комиссия томонидан имзолангандан кейин беш банк куни мобайнида тўланиши керак.

24. Нобуд бўлган мол-мулк учун товон суммаси уни тиклаш ёки суғурта ҳодисаси вақтидаги алмаштиришлар қиймати билан, ушбу суммалардан қайси бири камроқлигидан келиб чиққан ҳолда, чекланади.

Шикастланган мол-мулкни тузатиш харажатлари унинг ҳақиқий қийматидан ёки суғурта ҳодисаси вақтидаги алмаштириш қийматидан ортиб кетган тақдирда у нобуд бўлган деб ҳисобланади.

25. Мол-мулк шикастланган тақдирда уни бевосита суғурта ҳодисаси бошланишидан олдинги ҳолатига келтириш учун зарур тузатиш харажатлари тўланади.

26. Суғурталовчи зарарни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида қилинган харажатларни, агар ушбу зарар суғурта шартларига қўра тўланиши керак бўлса, тўлайди.

27. Агар айнан бир суғурта ҳодисаси суғурта шартномаси улар фойдасига тузилган бир нечта шахсларга зарар етказган бўлса, умумий товон суммаси ушбу шахслар ўртасида ҳар қайси шахс кўрган зарарнинг умумий зарар суммасидаги миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади.

28. Агар суғурта ҳодисаси бошланган вақтда суғурталовчи томонидан суғурталанган мол-мулкка нисбатан бошқа суғурта шартномалари амал қилаётган бўлса, зарар товони ҳар қайси суғурталовчи томонидан мол-мулк суғурталанган суғурта суммаларига мутаносиб равишда тақсимланади ва суғурталовчи зарар товонининг фақат ўз улушига тушган қисминигина тўлайди.

29. Суғурталовчи суғурта товонини тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатини ўтказиб юборганлик учун суғурталанувчига тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун, тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасининг 0,15 фоизи миқдорда, лекин тўланиши керак бўлган сумманинг кўпи билан 10 фоизи миқдорда неустойка тўлайди.

30. Агар зарар суммаси зарар етказишда айбдор бўлган шахс томонидан тўлиқ тўланган бўлса, суғурталанувчи суғурта товонига бўлган ҳуқуқини йўқотади.

Агар зарар қисман ёки тўланадиган суғурта товонидан камроқ миқдорда ундирилган бўлса, бу ҳолда у суғурталанувчи ет-

казилган зарар учун жавобгар шахсдан олган суммани ҳисобга олган ҳолда тўланади.

31. Суғурта товони тўлангандан кейин суғурталанувчи ёки суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан зарарни тўлатишни талаб қилиш ҳуқуқи, тўланган сумма доирасида, суғурталовчига ўтади. Суғурталанувчи барча ҳужжатларни суғурталовчига беришга ва айбдор шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча хатти-ҳаракатларни қилишга мажбур.

32. Агар суғурта ҳолати:

суғурталанувчининг ёки суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахснинг атайлаб қилингани исботланган, суғурта ҳодисаси бошланишига йўналтирилган хатти-ҳаракатлар содир этганлиги, уларнинг ўз фуқаролик бурчини бажариши ёки суғурталанувчининг ёки учинчи шахсларнинг ҳаётини, саломатлигини, шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар бундан мустасно;

суғурталаш объекти, таваккалчилик даражаси, суғурта ҳодисаси ва унинг оқибатлари тўғрисида суғурталовчига сохта маълумотларни касдан хабар қилганлик;

суғурталовчини таваккалчиликдаги жиддий ўзгаришлар, шунингдек суғурталанувчига суғурта шартномаси уларнинг фойдасига тузилган шахсларга маълум бўлган хатолар, камчиликлар ва нуқсонлар тўғрисида хабардор қилмаганлик ҳамда суғурталовчининг ёки унинг вакилининг вазиятни, зарарнинг характерини ва миқдорини аниқлашда қатнашишига тўсқинлик қилганлик;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар оқибатида содир бўлганда суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақлидир.

Суғурталовчи суғурталанувчи ёки суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс томонидан зарарни бартараф этиш ва қисқартиришга доир оқилона чора-тадбирлар кўрилмаганлиги туфайли етказилган зарар даражасида суғурта товони тўлашни рад этишга ҳам ҳақлидир.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Архитекторлар уюшмаси томонидан архитектура-шаҳар қурилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш, аҳоли пунктларини лойиҳа-режалаштириш ҳужжатлари билан таъминлаш ва уларни амалга ошириш масалаларига зарур эътибор берилмаяпти.

Кўпчилик шаҳарларда шаҳар марказлари, архитектура комплексларини шакллантириш, тарихий-маданий меросни реконструкция қилиш шаҳар қурилиши талаблари бузилган ҳолда транспорт магистраллари, муҳандислик-коммуникация тизимлари, ижтимоий ва маиший инфратузилма комплекс ривожлантирилмасдан режасиз амалга оширилмоқда.

Лойиҳа-қидирув институтлари ва ташкилотларининг фаолияти суст ташкил этилган, шаҳар қурилиши истиқболларини белгилашда ҳамда республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда уларнинг роли етарли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 26 апрелдаги ПФ-2595-сон Фармониға мувофиқ ҳамда шаҳарлар, туман марказлари ва аҳоли пунктлари шаҳарсозлик жиҳатидан комплекс ривожлантирилишини таъминлаш, лойиҳа-қидирув ишлари ташкил этилишини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг эътибори бир қанча шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари марказларини барпо этишда йўл қўйилган архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қўпол равишда бузилиши ҳолларига қаратилсин.

---

\* 2000 йил 27 апрелдан кучга кирган.

Кўрсатиб ўтилган раҳбарлар йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ривожлантиришнинг бош режалари лойиҳалари ва уларнинг марказларини шакллантиришнинг батафсил режалаштирилиши лойиҳалари билан таъминлаш, уларни замонавий шарт-шароитлар ва талабларга мувофиқлаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлар кўрсинлар.

Шаҳарлар ва туман марказларида тегишли шаҳарсозлик ҳужжатларисиз объектлар қуриш тақиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарлар ва аҳоли пунктларини барпо этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтирсин, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий ва жазо жарималарини қўллаган ҳолда ушбу ҳужжатларни бузиш ҳолларини ўз вақтида бартараф этсин.

3. «Ўзшаҳарсозлик ЛИТТИ» акциядорлик жамияти институти шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош ташкилот этиб белгилансин ва унга қўйидагилар юклансин:

шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар посёлкаларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш;

лойиҳа-режалаштириш ҳужжатлари доимий равишда янгилашни мониторингини юритиш, унинг амалга оширилишини назорат қилиш;

режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан норматив-услубий раҳбарлик қилиш, ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси институтнинг тузилмаси ва уставини белгиланган тартибда қайта қўриб чиқсин, вилоятларда унинг минтақавий филиалларини ташкил этсин, институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари «Ўзшаҳарсозлик ЛИТТИ» акциядорлик жамияти институти филиалларини тегишли жойлар, инвентарь ва техникавий воситалар билан таъминласинлар.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош ташкилот функцияси Тошкент қурилиш бош режаси илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтида сақлаб қолинсин.

4. Капитал қурилишда лойиҳадан олдинги ҳужжатлар ва лойиҳа ҳужжатлари сифатини ошириш мақсадида бош лойиҳа-

қидирув институтларининг тармоқ тизими шакллантирилсин, илмий ва техникавий сиёсатни ўтказиш, тегишли тармоқлар бўйича лойиҳалаштириш меъёрлари ва қондаларини ишлаб чиқиш, услубий раҳбарликни амалга ошириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги, тегишли лойиҳа ҳужжатларини келишиш уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

Бош илмий-тадқиқот, лойиҳа ва қидирув ташкилотлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. *ўз кучини йўқотган.*

6. *ўз кучини йўқотган.*

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 ноябрдаги 492-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши, 2-банди, 5-бандининг учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси таклиф киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Исаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**

**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 27 апрель,  
165-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2000 йил 27 апрелдаги 165-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Бош илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва қидирув  
ташкилотлари рўйхати**

Т/р	Ташкилотларнинг номи	Бош ташкилотлар функцияларини амалга ошириш йўналишлари
1.	«Ўзшахарсозлик ЛИТИ» очиқ акциядорлик жамияти	Шаҳарлар, туманлар, туман марказлари ва шаҳар қўринишидаги посёлкаларнинг лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни доимий янгилаш мониторингини юритиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш.

Т/р	Ташкилотларнинг номи	Бош ташкилотлар функцияларини амалга ошириш йўналишлари
2.	«ЎзЛИТТИ» очиқ акциядорлик жамияти	Илмий-тадқиқот, эксперименталь, лойиҳалаш ишлари, илғор ҳажмли-режалаштириш ва конструктив ечимларни, янги қурилиш материалларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, лойиҳалаш ечимларини бирхиллаштириш, турар жой ва жамоат биноларининг техник ҳолатини баҳолаш.
3.	«Ўзпулатқурилмалойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти	Қурилиш металл конструкциялари ва ностандарт ускуналарни лойиҳалаштириш, фойдаланиш даврида уларнинг ҳолатини текшириш.
4.	«Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти» давлат унитар корхонаси	Лойиҳалаштириш ва қурилишда муҳандислик-техник қидирувлар, геоахборот тизимларини жорий этиш.
5.	«ЗПЛИТИ» институти	Пойдеворсозлик, асосларни, ер ости иншоотларини қуришда ва монолит қуришда тадқиқотчилик, эксперименталь ва лойиҳалаш ишлари.
6.	«Иқтисодиёт ва қурилишни ташкил этиш, янги технологиялар илмий-тадқиқот» институти	Иқтисодиёт ва қурилишни ташкил этиш, қурилишга янги ва илғор технологияларни, бошқарув усулларини жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги.
7.	«Ўзогирсаноатлойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти	Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида корхоналар ва саноат узелларини лойиҳалаштириш, жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш.
8.	Тошкент қурилиш бош режаси илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни доимий янгилаш мониторингини юритиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш.
9.	«Ўзбеккоммуналлойиҳа» лойиҳалаш институти	Уй-жой-коммунал хўжалигининг (газ таъминоти хўжалиги бундан мустасно) муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришни лойиҳалаштириш, ушбу объектларни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш.
10.	«Ўзэнгсанлойиҳа» жамоа хўжалиги	Енгил саноат ва пахтани қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш, ушбу тармоқлардаги корхоналарни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш.
11.	«Ўзмеvasабзавотузум-саноатлойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти	Мева-сабзавот ва озиқ-овқат саноати объектларини лойиҳалаштириш, ушбу тармоқлардаги корхоналарни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш.
12.	«Ўзқишлоқлойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти	Қишлоқ аҳоли яшаш жойлари учун ишлаб чиқариш ва турар жой ҳамда жамоат объектларини лойиҳалаштириш, хўжаликлар ҳудудлари ва схемаларини режали ташкил этишни ишлаб чиқиш.

Т/р	Ташкилотларнинг номи	Бош ташкилотлар функцияларини амалга ошириш йўналишлари
13.	«Тошқурилишматериаллари ЛИТИ» очик акциядорлик жамияти	Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаштириш, тармоқ корхоналарини жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш.
14.	«Ўзгазлойиҳа» лойиҳалаш институти	Ер ости-муҳандислик коммуникациялари ва иншоотларининг газ таъминоти ва газлаштириш, электр-кимёвий ҳимоялаш тизимларини лойиҳалаштириш, газ таъминоти ва газлаштириш тизимларини ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш.
15.	«Ўзйўллойиҳа» лойиҳалаш институти	Автомобиль-йўл ҳужалиги объектларини лойиҳалаштириш, автомобиль йўллари, кўприклар, кўприк йўллар схемаларини лойиҳалаштириш, йўл бўйидаги иншоотларни жойлаштириш.
16.	«Ўзбекнефтгаз» ЛИТИ» очик акциядорлик жамияти	Нефть ва газ саноати объектларини лойиҳалаштириш, корхоналарни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш.
17.	«Ўздавтиблойиҳа» лойиҳалаш институти	Соғлиқни сақлаш объектларини лойиҳалаштириш ва уларни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш.
18.	«ТрансДЛИ» жамоа корхонаси	Темир йўлларни ва тегишли инфрагузилмаларни лойиҳалаштириш.
19.	«Ўзмелиорациясувҳужалик ДЛИ» лойиҳалаш институти	Мирзачўл, Жиззах ва Қарши чўллари ва Қорақалпоғистон Республикаси сув ҳужалиги ва мелиорация объектларини лойиҳалаштириш.
20.	«Ўзсувҳужалиги ДЛИ» лойиҳалаш институти	Бошқа минтақалардаги сув ҳужалиги ва мелиорация объектларини лойиҳалаштириш.
21.	«Ўзэнерготармоқлойиҳа» очик акциядорлик жамияти	Электр таъминоти объектларини ва уларни жойлаштириш схемаларини лойиҳалаштириш.
22.	«Гидролойиҳа» очик акциядорлик жамияти	Гидроэлектр станцияларни лойиҳалаштириш.
23.	«Ўзсаноаттехнология ЛИТИ»	Кон-қазиб чиқариш саноати объектларини лойиҳалаштириш.
24.	«Ҳарбийлойиҳа» лойиҳалаш институти	Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш.
25.	«Ўзрангметлойиҳа» очик акциядорлик жамияти	Рангли металлургия объектларини лойиҳалаштириш.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚУШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\*

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, капитал қурилишни бошқаришни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш юзасидан қурилаётган чора-тадбирларга қарамасдан Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар ва капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳудудий комиссияларининг фаолияти белгиланган талабларга жавоб бермайди.

Кўпчилик минтакаларда тармоқни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш дастури мавжуд эмас. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари расмиятчилик билан амалга оширилган, давлат қурилиш ташкилотлари сони кўплигича қолмоқда. Хусусий корхоналар пудрат ишлари бозорида ўз муносиб ўрнини ҳозиргача топмади. Кам қувватли ва паст рентабелли қурилиш ташкилотлари секинлик билан тугатилмоқда. Буюртмаларни жойлаштиришнинг тендер механизми сушт жорий этилмоқда, пудрат шартномаларини бажариш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда. Суистеъмол қилиш ва молиявий қонунни бузиш, қурилиш ишлари ва материаллар қийматини асоссиз равишда ошириб юбориш ҳоллари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси (А.Н. Исаев), тегишли Республика ва ҳудудий комиссиялар томонидан капитал қурилишни бошқаришни ислоҳ қилиш ва унинг таркибини ўзгартириш бўйича Ҳукумат қарорлари сўзсиз бажарилиши устидан зарур ташкилотчилик ишлари ва назорат таъминланмаган.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни таъминлаш, инвестиция жараёни қатнашчиларининг роли ва жавобгарлигини кучайтириш, қурилишда бозор механизмларини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят-

---

\* 2000 йил 5 августдан кучга кирган.

лар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг капитал қурилишни бошқаришни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш юзасидан олиб бораётган ишлари қоникарсиз деб эътироф этилсин.

Самарқанд (Э.М. Рўзиев), Тошкент (У.М. Мирзақулов), Қашқадарё (Б.С. Ҳамидов) вилоятлари ҳокимлари капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда раҳбарликни сусайтириб юборганлиги ва йўл қўйилган камчиликлар учун Самарқанд (С. Иброҳимов) ва Тошкент (Р. Мўминов) вилоятлари ҳокимлари ўринбосарларининг, Чирчиқ (Д. Азизхўжаев), Бекобод (Ж. Насриддинов), Оҳангарон (А. Расулов) шаҳарлари ҳокимларининг ва Китоб тумани ҳокимининг (У. Хидиров) эгаллаб турган лавозимларида бундан буён қолиши масаласини кўриб чиқсинлар.

Махсус комиссиянинг иши давомида капитал қурилишни ислоҳ қилишдаги камчиликлар учун қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг 17 раҳбари лавозимидан озод этилганлиги ва 25 раҳбарига ҳайфсан эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси (А.Н. Исаев) махсус комиссиянинг материаллари ва хулосаларини танқидий ўрганиб чиқсин, Комплекс фаолиятининг шакллари ва усулларини қайта кўриб чиқсин, капитал қурилишда иқтисодий қайта ўзгартиришлар амалга оширилиши устидан тизимли мониторингни ташкил этсин, тармокни ислоҳ қилиш бўйича Ҳукумат қарорлари ўз вақтида бажарилиши қаттиқ назорат қилинишини таъминласин.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш тадбирлари 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

капитал қурилишни ислоҳ қилишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсинлар, бир ой муддатда вилоят бўғинининг тегишли раҳбарлари, қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарларининг жавобгарлиги даражасини кўриб чиқсин;

хусусийлаштирилган қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг мавжуд қувватлари белгиланган тартибда хатловдан ўтказилишини ташкил этсинлар, кейинчалик уларни хусусий мулк қилиб сотсинлар, шунингдек, уларга

---

\* 1-илова берилмайди.

берилган ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрғаниб чиқсинлар, ортиқча ер майдонларини олиб қўйсинлар;

Зарар кўриб ишлаётган ва кам қувватли қурилиш ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари бўйича республика комиссияси ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда жорий йилнинг охиригача паст рентабелли ва кам қувватли ташкилотларни тугатишни давом эттириш, уларни хусусийлаштиришни тугаллаш чора-тадбирларини кўрсинлар, бунда маҳаллий қурилиш ташкилотларини бошқаришнинг бир бўғинли тизимига ўтишга алоҳида эътиборни қаратсинлар. Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2001 йил 10 январгача ахборот берилсин.

4. Давлат бюджети маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига 2001 йилги ва кейинги йиллар республика инвестиция дастурига киритиладиган янгидан бошланаётган қурилиш объектлари бўйича пудрат шартномалари (контрактлар) ни фақат пудрат савдолари натижалари бўйича қурилиш суғурта таваккалчиликлари суғурталанган тақдирда тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Белгилансинки, шу йил 1 сентябрдан бошлаб давлат бюджети ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига республика инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун қурилиш материалларини харид қилиш, воситачилар сонидан қатъи назар, транспорт харажатлари ҳисобга олинган ва уларга нисбатан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда чекланган тайёрлов-омбор ва воситачилик устамалари қўлланган ҳолда тайёрловчи корхонанинг улгуржи-сотиш нархлари (ёки импорт маҳсулотнинг харид қиймати) бўйича амалга оширилади.

Мазкур банд биринчи хатбошининг амал қилиши улар бўйича шартномалар (контрактлар) танлов савдолари (тендерлар) натижаларига кўра тузилган қурилиш объектларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳамда буюртмачилар ва пудрат ташкилотларига давлат бюджети ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминладиган объектлар қурилишига етказиб бериладиган асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари, конструкцияларнинг чекланган нархларини белгилаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низом 2-иловага\* мувофиқ;

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини келишиб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага\* мувофиқ;

Объектлар қурилишини лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айна бир вақтда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлашқуриш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳалаш-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда кичик корхоналар ягона солиқ тўловини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқади.

8. Қурилиш ва қурилиш-монтаж ташкилотлари импорт қилинаётган қурилиш асбоб-ускуналари, машина-механизмлар учун қўшилган қиймат солиғидан ҳамда божхона божларидан, шунингдек, сотиб олинган юк ва махсус автомобиллар қийматидан Республика йўл жамғармасига йиғимлардан, кўрсатиб ўтилган техника ўз моддий-техника базасини мустақкамлаш учун фойдаланилган тақдирда, уч йил муддатга озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига 5-иловага\*\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Адлия вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Исаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 5 август,  
305-сон

---

\* 2-3-иловалар ўз кучини йўқотган.

\*\* 5-илова берилмайди.

**Объектлар қурилишини лойиҳалаш ҳужжатларини  
ишлаб чиқиш билан айна бир вақтда амалга  
ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом объектларни лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айна бир вақтда қуришда (объектларни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуришда) инвестиция жараёни қатнашчиларининг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

2. Объектларни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуриш фақат мамлакат Мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирлар, табиий ва экологик офатлар оқибатларини бартараф этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларни бажариши ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган давлат эҳтиёжларини ҳал этиш билан боғлиқ истисно ҳолларда, маблағ билан таъминлаш манбалари мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

3. Объектларни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуриш заруриятини асослаш Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда инвестор (буюртмачи) томонидан Вазирлар Маҳкамасига қарор қабул қилиш учун киритилади ва унга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси;

объект қурилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида шаҳарсозлик кенгашининг қарори;

объект қурилишининг белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иктисодий асослари (техник-иктисодий ҳисоб-китоб);

қонунчилик ҳужжатга мувофиқ қурилишга техник-иктисодий асослаш (техник-иктисодий ҳисоб-китоб) ишлаб чиқилиши мажбурий бўлмаган объектлар бўйича — қурилиш қиймати ҳисобланган лойиҳалашдан олдинги ҳужжат.

Объект қурилишини техник-иктисодий асослаш (техник-иктисодий ҳисоб-китоб) мавжуд бўлмаганда:

қурилиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарор;

объектни муҳандислик коммуникацияларига улаш учун техник шартлар;

объект қурилиши учун архитектура-режалаштириш топшириги;

муҳандислик-қидирув ишлари натижалари ёки улар тугалланганлиги тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

Асослашда, қондага кўра, параллел лойиҳалаштирган ҳолда объектларни қуриш даври, унга риоя қилмаслик белгиланган тартибда тегишли санкциялар қўлланилишига олиб келиши назарда тутилади.

4. Объектни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуриш даври объектлар қурилишини лойиҳалашнинг норматив муддати доирасида белгиланади, бироқ шунга ўхшаш объектларни лойиҳалаш муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак, бу муддат Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққан кундан бошланади (объектни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуришнинг рухсат этилган даври), бу муддат кейинчалик қайта қуриб чиқилмайди.

5. Объектни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуриш тўғрисидаги асосларни тайёрлашда капитал қурилиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш ҳисобга олиниши керак.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг объектни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуриш тўғрисидаги қарорига асосан буюртмачи билан лойиҳалаш ташкилоти ўртасида лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқиш, шу жумладан, лойиҳа ечимларини ва объектни параллел ҳолда лойиҳалаштирган ҳолда қуришнинг рухсат этилган даври мобайнида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари бўйича маҳаллий сметаларни босқичма-босқич бериш жадвалини тузиш учун шартнома тузилади.

Айни пайтда буюртмачи томонидан тегишли идорадан ташқари экспертиза органи билан лойиҳа ечимларини ва Маҳаллий сметаларни босқичма-босқич бериш жадвалига мувофиқ эксперт кузатуви ҳажмларини кўрсатган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш учун шартнома тузилади.

7. Лойиҳа ечимларини ва маҳаллий ёки объект сметаларини бериш жадвали қуйидаги ишлар изчиллиги (қурилиш босқичлари) асосида ишлаб чиқилади:

бош режа ва ободонлаштириш объектлари;

бинолар ва иншоотлар асослари ва пойдеворлари ҳисоб-китоблари;

бинолар ва иншоотлар бўйича лойиҳа ечимлари;

асосий конструкциялар ҳисоб-китоблари;

том, тўсиқ конструкциялар, ички муҳандислик асбоб-ускуналари, ташқи тармоқлар бўйича иш ҳужжатлари;

бинолар ва иншоотларни пардозлаш ишлари бўйича иш ҳужжатлари;

ишлаб чиқариш жараёнларини технологик жиҳозлаш, механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича иш ҳужжатлари;

лойиҳа таркибига қирувчи бошқа ҳужжатлар;

объект қийматининг йиғма смета ҳисоб-китоби.

8. Объектларни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Параллел лойиҳалаштириш даврида қурилиш субъектининг мураккаблиги, ноёблиги ва технологик асбоб-ускуна билан жиҳозланганлиги даражасига қараб экспертларнинг кўчма ишчи гуруҳи ташкил этилиши мумкин.

Ҳар бир босқич бўйича қурилиш-монтаж ишлари фақат маҳаллий ёки объект сметалари экспертизадан ўтказилгандан сўнг бошлаб юборилиши мумкин.

9. Объектни молиялаштириш ҳажми ва унинг параллел лойиҳалаштириш рухсат этилган давридаги шартномавий қиймати тасдиқланган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб) бўйича унинг қийматидан келиб чиқиб, қурилишга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб)ни ишлаб чиқиш шарт бўлмаган объектлар бўйича эса — 1991 йилги нархлар даражасидаги йириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича шунга ўхшаш объектларни таҳлил қилиш усули билан лойиҳа ташкилоти томонидан тuzиладиган объект қурилиши қийматини олдиндан ҳисоб-китоб қилиш негизида, қурилиш қийматини ошириш тармоқ прогноз индексларини қўллаган ҳолда, лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқлангандан кейин эса — объект қийматининг тасдиқланган йиғма смета ҳисоб-китоби бўйича белгиланади.

Қурилишни параллел лойиҳалаштириш рухсат этилган давр мобайнида бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг ҳақиқий қиймати бўйича буюртмачи томонидан тасдиқланган (келишилган) маҳаллий ва объект сметалари асосида ваколатли банк томонидан амалга оширилади.

10. Қурилишни молиялашни бошлаш учун буюртмачи томонидан маблағ билан таъминловчи банкка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

объектлар қурилишини лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айти бир вақтда амалга ошириш тўғрисида (параллел лойиҳалаштириш тўғрисида) Вазирлар Маҳкамасининг қарори;

белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб) ёки техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб) бўлмаганда объект қурилиши қийматининг ҳисоб-китоби;

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан белгиланган тартибда келишилган қурилишнинг аниқ рўйхати;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш, экспертизадан ўтказиш ва пудрат ишларини бажариш юзасидан шартномалар.

11. Буюртмачи томонидан ўз вақтида бош пудратчи билан объектни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуриш учун шартнома тузилади, унда объектларни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуриш вақтининг рухсат этилган даврида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари мажбурий тартибда кўрсатилади.

Пудрат ишлари шартномасига ички қурилиш титул рўйхати ва объектларни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуриш вақтининг рухсат этилган даври мобайнида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари бўйича лойиҳа ечимлари ва маҳаллий сметаларни босқичма-босқич бериш жадвали илова қилинади.

12. Технология асбоб-ускуналарини сотиб олиш, шу жумладан, импорт бўйича сотиб олиш белгиланган тартибда буюртмачи томонидан амалга оширилади.

13. «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси («Бошдавархитектқурилишназорат») ёки унинг минтақавий бўлинмалари томонидан параллел лойиҳалаштирилаётган қурилиш объекти белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади ва бериладиган лойиҳа ечимларига мувофиқ бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сифати устидан зарур назорат ўрнатилади.

14. Мазкур Низом талаблари бузилиши аниқланганда «Бошдавархитектқурилишназорат» органлари томонидан тегишли далолатномалар тузилади ёки белгиланган тартибда молиявий санкцияларни қўллаган ҳолда ёзма кўрсатмалар берилади.

Қабул қилинган қарор тўғрисида «Бошдавархитектқурилишназорат» органи параллел лойиҳалаштирилаётган объектлар қурилишини молиялаштирувчи банкни белгиланган тартибда хабардор қилади.

15. *Ўз кучини йўқотган.*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ШАҲАРЛАР, ТУМАН МАРКАЗЛАРИ ВА ШАҲАР ТИПИДАГИ ПОСЁЛКАЛАРНИНГ БОШ РЕЖАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ ҚУРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги ишларни ташкил этишни такомиллаштириш, шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар типидagi посёлкаларнинг бош режалари ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва қурилиши сифат даражаси оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидagi посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, лойиҳалаш ташкилотлари Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидagi посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги низомга қатъий риоя қилинишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Исаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 14 август,  
320-сон

---

\* 2000 йил 14 августдан кучга кирган.

## **Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1.1. Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги мазкур низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 26 апрелдаги ПФ-2595-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 27 апрелдаги 165-сон қарори талаблари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

1.2. Низом шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг (кейинги ўринларда аҳоли яшайдиган жойлар деб юритилади) бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуришнинг ягона тартибини белгилаб беради ҳамда, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, шаҳар қурилиши фаолиятининг барча субъектлари учун мажбурий ҳисобланади.

1.3. Аҳоли яшаш жойининг бош режаси узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий дастурлар, республикани ва унинг минтақаларини ривожлантириш прогнозлари, туманни режалаштириш схемалари ёки лойиҳалари асосида ишлаб чиқилади, аҳоли яшаш жойларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва чегараларини, улар ҳудудининг функционал вазифасини ва қурилишни зоналаштиришни, муҳандислик, транспорт ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантиришни, ҳудудларни ўзлаштиришнинг навбатма-навбатлигини, тарихий-маданий мерос объектларини сақлашга, экологик ва санитария ҳолатига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Аҳоли яшаш жойининг бош режаси аҳоли яшаш жойлари архитектура-режалаштириш тузилмасининг туташиб кетган қишлоқ ҳудудлари билан биргаликда уйғун ривожлантирилишини,

аҳоли яшаш жойларидан оқилона фойдаланишни, табиий муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, аҳоли яшайдиган замонавий марказларни, янги архитектура комплексларини шакллантиришни, эскидан шаклланган шаҳар туманларини реконструкция қилишни, саноат объектлари, транспорт магистраллари, муҳандислик-техник тизимларини жойлаштириш схемасини яшаш муҳитининг қулайлигини оширган ҳолда мақбуллаштиришни назарда тутати.

1.4. Шаҳарларнинг бош режалари 15—20 йил муддатга ва шаҳар типигаги посёлкаларнинг бош режалари 10—15 йилга ишлаб чиқилади. Бош режа батафсил режалаштириш лойиҳаларини, иморат қуриш лойиҳаларини ва ривожлантиришнинг тармоқ схемасини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

1.5. Батафсил режалаштириш лойиҳаси иморатлар қуришнинг ҳажм-макон ва архитектура-бадиий ечимини, биноларнинг неча қават бўлиши ва турларини, тарих ва маданият ёдгорликларининг қўриқлаш зоналаридан фойдаланиш режимини, иморат қуриш ва ердан фойдаланишни тартибга солишнинг қизил чизиқлари, чегараларини, ҳудудларни функционал ва қуриш билан боғлиқ зоналаштиришни, ердан фойдаланувчилар ҳудудларининг чегараларини, ижтимоий инфратузилма объектларининг таркиби ва уларни жойлаштиришни, магистрал муҳандислик коммуникациялари трассаларини, кўчаларнинг кўндаланг кўринишини белгилаб беради, шунингдек, ҳудудларни муҳандислик юзасидан тайёрлаш тадбирларини, атроф муҳитини муҳофаза қилишни ва транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этишни назарда тутати.

1.6. Батафсил режалаштириш лойиҳалари 10—15 йилга 1.03.02—96-сон республика «Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига» мувофиқ аҳоли яшаш жойларининг айрим қисмларига ва уларнинг функционал зоналарига, шунингдек, айрим ҳолларда аҳоли яшаш жойларининг бутун ҳудудига ишлаб чиқилади.

1.7. Қуриш лойиҳаси батафсил режалаштиришнинг тасдиқланган лойиҳаси асосида одамлар яшайдиган янги ёки реконструкция қилинадиган микротуманлар ва кварталларнинг ҳудуди-га, турар жой бинолари ва жамоат бинолари, ишлаб чиқариш объектлари, илмий-тадқиқот, ўқув, тиббиёт, рекреацион, спорт ва бошқа шаҳарсозлик, архитектура, ландшафтли мажмуалар, ансамбллар гуруҳлари участкасига ҳамда аҳоли яшаш жойлари бошқа режалаштириш элементларига ишлаб чиқилади.

Батафсил режалаштиришнинг тасдиқланган лойиҳасисиз

қурилиш лойиҳасини бажаришга 1.03.02—96-сон республика «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари»да белгиланган тартибда йўл қўйилади.

## **II. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг буюртмачилари**

2.1. Қуйидагилар бош режа, батафсил режалаштириш лойиҳаси, қурилиш лойиҳаси (кейинги ўринларда — шаҳарсозлик ҳужжатлари деб юритилади)нинг:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари — шаҳарларнинг бош режалари ишлаб чиқилишига;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахслар — туман марказлари, шаҳар типдаги посёлкалар бош режаларини ва батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилишига;

Шаҳарлар ҳокимликлари, корхоналар, ташкилотлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар — қурилиш лойиҳалари ишлаб чиқилишига буюртмачилар ҳисобланадилар.

2.2. Буюртмачи шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчига аҳоли яшаш жойларининг бош режаларини лойиҳалаштиришга ва батафсил режалаштириш лойиҳаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган, қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишга эса шаҳар (туман) ҳокими томонидан тасдиқланган топшириқ беради. Лойиҳалаштиришга топшириқ мажбурий тартибда архитектура ва қурилиш ҳудудий органлари билан келишилиши керак.

2.3. Буюртмачи шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчига белгиланган масштабдаги ишончли топография асосини лойиҳалаштириладиган ҳудуднинг муҳандислик-геология қидирувлари натижаларини, микросейсмораёнлаштириш харитасини ҳамда 1.03.02—96-сон республика «Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ бошқа бирламчи маълумотларни тақдим этади.

2.4. Буюртмачи:

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи билан тузилган шартномада белгиланган муддатлар ва ҳажмларда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни маблағ билан таъминлашга;

лойиҳалаштиришнинг бориши устидан назорат қилишга ва шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминлашга;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш даврида ер ажратиш, объектларни жойлаштириш, шаҳар посёлкаси ҳудудидаги жорий қурилиш билан боғлиқ барча масалаларини ишлаб чиқувчи билан келишишга;

бош режалар ва жорий қуриш амалга оширилиши мониторингини таъминлашга мажбурдир.

### **III. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар**

3.1. Бош шаҳарсозлик лойиҳалаштириш институтлари — «Ўзшаҳарсозлик» лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳар бош лойиҳасини илмий-тадқиқот қилиш ва лойиҳалаштириш институти аҳоли яшаш жойларининг бош режаларини ишлаб чиқувчилар ҳисобланадилар.

3.2. Махсус рухсатнома (лицензия)га бўлган юридик ва жисмоний шахслар батафсил режалаштириш лойиҳалари ва қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқувчилар ҳисобланадилар.

Батафсил режалаштириш лойиҳаларини ва аҳоли яшаш жойлари алоҳида функционал зоналари лойиҳаларини ҳамда қурилиш лойиҳаларини бажаришга танлов асосида йўл қўйилади.

#### **3.3. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар:**

шаҳарсозлик ҳужжатлари шартномада белгиланган муддатларда ишлаб чиқилишини, ҳужжатларнинг амалдаги норматив ҳужжатлар талабига жавоб берувчи ва тарихий ривожланишнинг узвийлигини, аҳоли яшаш жойларининг минтақавий шартшароитларини ҳисобга олувчи сифатини таъминлашга;

шаҳарсозлик ҳужжатларини лойиҳалаштиришнинг дастлабки ва узил-кесил босқичларида белгиланган тартибда келишишга ва ҳимоя қилишга;

белгиланган тартибда жорий қурилиш устидан муаллифлик назоратини ва шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши мониторингини олиб боришга;

зарурият бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат экспертизаси органлари, келишувчи ташкилотларнинг мулоҳазалари бўйича ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга мажбурдир.

3.4. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар, қоидага кўра, алоҳида бўлимларни ишлаб чиқишга бош лойиҳалаштириш институтларини жалб этадилар.

3.5. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар архи-

тектура ва шаҳарсозлик ҳудудий органларига, алоҳида объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи лойиҳалаш ташкилотларига маслаҳат ёрдами ва услубий ёрдам кўрсатадилар.

3.6. Батафсил режалаштириш лойиҳаларини ва қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқувчилар лойиҳаларни бош шаҳарсозлик лойиҳалаш институти билан келишиши шарт.

#### **IV. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларни маблағ билан таъминлаш**

4.1. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш маҳаллий бюджетлар, корхоналар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар (жисмоний шахслар гуруҳи)нинг, мақсадли ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

4.2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджет ҳисобига қурилишларнинг ҳар йилги аниқ рўйхатини тузишда аҳоли яшаш жойлари шаҳарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши маблағ билан таъминланишини, топогеодезия ва муҳандислик-геология қидирувлари ўтказилишини, аҳоли яшаш жойларининг микросейсмораёнлаштириш хариталари, табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий комплекс схемалари тузилишини, лойиҳалаш ташкилотлари томонидан жорий қурилиш устидан муаллифлик назорати ва аҳоли яшаш жойлари бош режалари амалга оширилиши мониторинги ўтказилишини, шаҳарсозлик ҳужжатлари келишилишини ва экспертизадан ўтказилишини назарда тутиши шарт.

#### **V. Аҳоли яшаш жойларини қуриш учун шаҳарсозлик ҳужжатларини келишиш ва тасдиқлаш**

5.1. Шаҳарсозлик ҳужжатларини келишиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, архитектура ва қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5.2. Аҳоли яшаш жойларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари, қурилиш лойиҳалари, қурилиш лойиҳалари буюртмачилар кўмагида белгиланган тартибда 1.03.02—96-сон республика «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари»га мувофиқ уларни ишлаб чиқувчи билан келишилади.

Тарих, археология, шаҳарсозлик, архитектура ва монументал

санъат ёдгорликларига эга бўлган аҳоли яшаш жойларининг бош режалари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳам келишилиши керак.

5.3. Аҳоли яшаш жойларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари мажбурий тартибда Давлат экспертизаси томонидан кўриб чиқилиши керак.

5.4. Шаҳарларнинг бош режалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари тасдиқлангунга қадар кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши керак.

5.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги ПФ-2595-сон Фармони билан белгиланган Тошкент, Нукус шаҳарларининг, вилоятлар ва йирик саноат марказларининг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қолган аҳоли яшаш жойларининг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

5.6. Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоят марказлари ҳамда тарих, археология, шаҳарсозлик ва архитектура ёдгорликларига эга бўлган шаҳарларнинг марказий қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланади.

5.7. Қолган аҳоли яшаш жойларини батафсил режалаштириш лойиҳалари шаҳарлар (туманлар) ҳокимликларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

5.8. Қурилиш лойиҳалари буюртмачиларнинг тақдимномасига кўра ҳамда архитектура ва қурилиш лойиҳалари худудий орган-

лари билан келишилган ҳолда шаҳарлар (туманлар) ҳокимлик-лари томонидан тасдиқланади.

## **VI. Шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш ва аҳоли яшаш жойларини қуриш**

6.1. Аҳоли яшаш жойлари қурилиш бош режа талабларига катъий мувофиқ равишда олиб борилиши керак.

6.2. Қурилиш олиб боровчилар ўзларига ажратилган ҳудудда қурилишни амалга оширишда бирламчи-рухсат берувчи ва шаҳарсозлик ҳужжатлари талабларига мувофиқ қурилиш сифати ва ҳажмини таъминлашлари шарт.

6.3. Тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига фақат уларни тасдиқланган органларнинг қарорига кўра белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилади.

6.4. Тегишли бирламчи-рухсат берувчи ва шаҳарсозлик ҳужжатларисиз аҳоли яшаш жойлари ҳудудида объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш тақиқланади.

6.5. Тегишли шаҳарсозлик ҳужжатларига эга бўлмаган ҳудудларда ноёб ижтимоий аҳамиятли объектларни лойиҳалаштириш ва қуришга истисно ҳолларда, бош шаҳарсозлик лойиҳалаш институти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиш шarti билан рухсат этилади.

6.6. Бош шаҳарсозлик лойиҳалаштириш институтлари — «Ўзшаҳарсозлик» илмий-тадқиқот қилиш ва лойиҳалаштириш институти ва Тошкент шаҳар бош лойиҳасини илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институти ўз ваколатлари доирасида аҳоли яшаш жойлари ҳудудида шаҳарсозлик фаолияти ва қурилишларнинг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги устидан доимий назоратни амалга оширади.

6.7. Тасдиқланган бош режалар ва батафсил лойиҳалаштириш лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан назоратни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, бош лойиҳалаштириш институтлари — «Ўзшаҳарсозлик» илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институти ҳамда Тошкент шаҳар бош лойиҳасини илмий тадқиқот қилиш ва лойиҳалаштириш институти амалга оширадilar.



# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

## **ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БОШЛАШГА РУХСАТНОМА БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикасида объектларни қуриш ва реконструкция қилишни ташкил этишни тартибга солиш, мулкчилик шаклларида қатъи назар, қурилиш субъектлари томонидан капитал қурилиш соҳасидаги амалдаги норматив ва қонун ҳужжатларига риоя этилишини самарали назорат қилишга эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Исаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири**

**Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 29 декабрь,  
509-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2000 йил 29 декабрдаги 509-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Бошдавархитектқурилишназорат» бошқармаси органларида қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва

---

\* 2000 йил 29 декабрдан кучга кирган.

қурилиш-монтаж ишларига рухсатномалар бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши якка тартибдаги уй-жой қурилиши объектларига жорий этилмайди.

2. Идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган (кенгайтириладиган), техника билан қайта жиҳозланадиган ва замонавийлаштириладиган мавжуд ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишидаги объектлар «Бошдавархитектқурилишназорат» бошқармаси (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказувчи орган деб аталади) органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

3. «Бошдавархитектқурилишназорат» бошқармаси томонидан қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш қўйидаги қурилиш объектлари бўйича амалга оширилади:

республиканинг бир нечта минтақалари ҳудудларини қамраб оладиган муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмалари объектлари;

республиканинг турли минтақаларида амалга ошириладиган, буюртмачилари Тошкент шаҳрида жойлашган объектлар;

эксперимент тариқасида амалга ошириладиган ва капитал қурилишда ташкилий-техник жиҳатдан янгилик бўлган объектлар.

Қолган барча қурилиш объектлари бўйича рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан амалга оширилади.

## **II. Рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар**

4. Қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш учун буюртмачилар томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга қўйидагилар тақдим этилади:

а) белгиланган шаклдаги ариза (1-илова);

б) давлат экспертиза органларининг ишчи лойиҳа бўйича ижобий йўзма эксперт хулосаси ёки объект қурилиши лойиҳалаш билан айна бир вақтда олиб борилган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори;

в) экология экспертизасининг ижобий хулосаси — ишлаб чиқариш шароитлари зарарли бўлган объектлар бўйича;

г) қурилиш-монтаж ишларининг айрим лицензияланадиган

турларини амалга ошириш учун пудрат ташкилоти лицензияси нусхаси;

д) архитектура органлари билан келишиб олинган объектнинг бош режаси ва фасадлари нусхаси ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси Шаҳарсозлик кенгашининг тегишли протоколи;

е) қурилиш объектининг аниқ рўйхати.

### **III. Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби**

5. Рўйхатдан ўтказувчи орган техник-иктисодий асослашлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган объектлар бўйича кўпи билан 10 кун муддатда ва қолган объектлар бўйича 5 кун муддатда буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, шулар асосида қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

6. Қўйидаги ҳолларда қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин:

ҳужжатлар ва материалларнинг белгиланган рўйхати тўла ҳажмда тақдим этилмаганда;

ҳужжатлар зарур даражада расмийлаштирилмасдан тақдим этилганда;

тақдим этилган ҳужжатларда ишончли бўлмаган ёки чалқаш маълумотлар мавжуд бўлганда;

тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар кўриб чиқиладиганда уларни беришда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари меъёрлари бузилганлиги аниқланганда.

Рад этиш асосланган ва ёзма ҳолда бўлиши керак.

Қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома беришнинг рад этилганлиги устидан юқори органларга ёхуд судга шикоят қилиниши мумкин.

7. Буюртмачи такроран мурожаат қилган тақдирда қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор тегишли ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб кўпи билан беш кун муддатда қабул қилинади.

8. Ҳужжатларни кўриб чиқиш якунларига кўра рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан 2 нусхада объектни рўйхатдан ўтказиш варақчаси расмийлаштирилади (2-илова) ва объектлар қури-

лишини рўйхатдан ўтказиш журналига тегишли ёзув ёзиб қўйилади. Рўйхатдан ўтказилган қурилиш объекти учун инвентар ҳужжатлар йиғма жилди юритилади.

Журнални ва инвентар ҳужжатлар йиғма жилдини юритиш ва сақлаш тартиби Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси томонидан белгиланади.

9. Архитектура-қурилиш назорати инспекциялари томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсатнома 3-иловага мувофиқ шакл бўйича қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш варақчаси асосида берилади.

10. Буюртмачилар рухсатнома олганларидан сўнг бир ой давомида рўйхатдан ўтказган органга объектда қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилганлиги тўғрисида хабар қилишлари шарт. Мизкур қоида бажарилмаган тақдирда рўйхатдан ўтказган орган қурилиш-монтаж ишларини тўхтатишга ёхуд уларни бошлаб юбориш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ҳақлидир.

11. Объект қурилиши лойиҳалаш билан аynи бир вақтда олиб бориладиган қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилади.

12. Рўйхатдан ўтказилган қурилиш объекти ҳар йили аниқлаб борилиши керак (календарь йилда уни қурилишлар рўйхати-га киритиш ёки чиқариб ташлаш учун).

Бунинг учун буюртмачи рўйхатдан ўтказган органга қурилиш объектининг рўйхатдан ўтказиш варақчалари маълумотларини аниқлаш бўйича хабарларни ва жорий давр учун аниқ рўйхатни тақдим этади.

#### **IV. Яқунловчи қоидалар**

13. Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси инспекторлари қурилиш қатнашчилари томонидан амалдаги нормативлар талабларига риоя қилинишини таъминлаш учун қурилиш (монтаж)нинг боришини унинг барча босқичларида белгиланган тартибда назорат текширувини ўтказадилар. Аниқланган бузилишлар фактлари бўйича тегишли далолатномалар тузилади ёки ёзма кўрсатмалар берилади, ишларни амалга ошириш журналларига ёзиб қўйилади, зарур бўлган ҳолларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган санкциялар қўлланилади.

14. Рухсатномалар беришга асос бўлган шарт-шароитлар ўзгарган ҳолларда (ишларни юритувчи, объектда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахслар алмашганда, лицен-

зиянинг амалда бўлиш муддати тугаганда, лойиҳавий ечимларда жиддий ўзгаришлар ва бошқалар бўлганда) буюртмачи рўйхатдан ўтказувчи органга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни 10 кун мобайнида тақдим этиши керак.

15. Мазкур Низомни бузганлик учун айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қурилиш объектларини  
рўйхатдан ўтказиш тартибига  
1-ИЛОВА

---

(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)

**«Бошдавархитектқурилишназорат» инспекциясига**

(Буюртмачи) \_\_\_\_\_ дан  
(юқори ташкилоти кўрсатилган ҳолда буюртмачининг номи)

**АРИЗА**

\_\_\_\_\_ ер участкасидаги  
\_\_\_\_\_ ни  
(қурилиш объектининг номи)

\_\_\_\_\_ рўйхатдан  
ўтказишингизни ва \_\_\_\_\_ ой муддат-  
га қурилиш ҳамда монтаж ишларини бажаришга рухсат бери-  
шингизни сурайман.

---

(лавозими, Ф.И.О., раҳбар, буюртмачи)

М.Ў.            20\_\_ йил, «\_\_» \_\_\_\_\_

Аризанинг инспекция томонидан рўйхатдан ўтказиш тартиб  
рақами ва санаси \_\_\_\_\_.

Курилиш объектларини рўйхатдан  
утказиш тартибига  
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси  
«Давархитектқурилиш» қўмитаси  
«Бошдавархитектқурилишназорат» бошқармаси

ВИЛОЯТИ

(Қорикашонистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри)

«Давархитектқурилишназорат» инспекцияси  
-сон  
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

I бўлим Қурилиш объекти бўйича асосий маълумотлар	Статистика кодлари	
	1. Қурилиш объектининг номи ва жойлашган ўрни	МҲОБТ (кадастр)
2. Соҳа	ХХТУТ	
3. Ишестор	КТУТ МШТ	
4. Буғуртмаси	КТУТ МШТ	
5. Иншлаб чиқувчилар	КТУТ	
5.1. ИИА		
5.2. ИСХ ва/ёки ІХ (Ф.И.О., ЛБИ, шарҳнома ва муаллиф назоратининг рақами ва санаси)		
6. Бош пудратчи	КТУТ	
7. Маблаг билан таъминлаш манбалари	МШТ	
8. Қурилишнинг меъёрий давомийлиги: _____ йил _____ ой ва _____ йил _____ ой		

II бўлим

Қурилиш объектининг лойиҳа ҳужжатлари бўйича  
асосий кўрсаткичлари

Қуввати \_\_\_\_\_  
(ХХТУТ коди бўйича тегишли ўлчов бирлигида)

Умумий смета қиймати: 1991 й. базавий нархларда \_\_\_\_\_ минг сўм. Бундан ташқари лойиҳанинг ЭАВдаги қиймати \_\_\_\_\_ минг АҚШ доллари.

Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати: 1991 й. базавий нархларда \_\_\_\_\_ минг сўм.

Бундан ташқари лойиҳанинг ЭАВдаги қиймати \_\_\_\_\_ минг АҚШ долларида.

Жорий календарь йилида лойиха қурилиши қийматини ўзлаштириш прогнози:

1991 й. базавий нархларда \_\_\_\_\_ минг сўм (шу жумладан ҚМИ \_\_\_\_\_ минг сўм) ва рўйхатдан ўтказиш санасида амалдаги нархларда \_\_\_\_\_ млн сўм (шу жумладан ҚМИ \_\_\_\_\_ млн сўм).

### III бўлим

#### Қурилиш объекти лойихасини шакллантириш ва уни амалга ошириш бўйича асосий маълумотлар

1. Инвестиция лойихаси \_\_\_\_\_

(қарор қабул қилган инстанциянинг номи, тартиб рақами ва санаси)

қарорига мувофиқ амалга оширилади.

2. Объект қурилиши \_\_\_\_\_

(ер участкасини ажратган органнинг номи, қарор тартиб рақами ва санаси)

қарори билан \_\_\_\_\_ ҳуқуқида ажратилган майдони \_\_\_\_\_га бўлган ер участкасида амалга оширилади.

Ер участкаси \_\_\_\_\_ ажратилган.

(далолатнома тартиб рақами ва санаси)

3. АҚББ Шаҳарсозлик кенгаши протоколи \_\_\_\_\_

(номи, тартиб рақами ва санаси)

4. ТИА тасдиқланган \_\_\_\_\_

(ТИАни тасдиқлаган инстанциянинг номи, қарор тартиб рақами ва санаси)

5. ЛСХ ёки ТХ экспертизадан ўтди \_\_\_\_\_

(эксперт органининг номи, хулоса, тартиб рақами ва санаси)

ва тасдиқланди \_\_\_\_\_

(ЛСХ ёки ТХни тасдиқлаган инстанция қарорининг тартиб рақами ва санаси)

6. Қурилиш тури \_\_\_\_\_

(янги, реконструкция қилиш)

7. Қурилиш усули \_\_\_\_\_

(пудрат ёки ҳужалик усули)

8. Пудрат ташкилоти:

тендер комиссиясининг \_\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги, \_\_\_\_\_ сон қарорига кўра пудрат савдосида танлаб олинди, контракт қиймати амалдаги нархларда \_\_\_\_\_ млн сўм; туғридан туғри музокаралар йўли билан танлаб олинди, контракт қиймати амалдаги нархларда \_\_\_\_\_ млн сўм;

9. Рухсат берилди:  
параллел лойихалаштиришга \_\_\_\_\_

(Вазирлар Маҳкамаси қарорининг тартиб рақами ва санаси)

лойиҳани тендерсиз амалга оширишга \_\_\_\_\_  
(инстанциянинг номи, тартиб рақами ва санаси)

10. Буюртмачининг техник назоратчиси: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., телефон рақами, буйруқ тартиб рақами ва санаси)

11. Муаллифлик назорати: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., телефон рақами, буйруқ тартиб рақами ва санаси)

12. Ишни бажарувчи: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., буйруқ тартиб рақами ва санаси)

Буюртмачининг раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо, Ф.И.О., санаси, муҳр)

Объект 20\_\_ йил, «\_\_» \_\_\_\_\_ да рўйхатдан ўтказилди.

Инспекция раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

#### **IV бўлим**

### **Қурилиш объектини қайта рўйхатга олиш**

### **тўғрисида белги**

1. Қурилиш объектига 20\_\_ йил, «\_\_» \_\_\_\_\_ да қуйидаги ўзгартиришлар билан аниқлик киритилди:

Буюртмачининг раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

Инспекция раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

2. Қурилиш объектига 20\_\_ йил, «\_\_» \_\_\_\_\_ да қуйидаги ўзгартиришлар билан аниқлик киритилди:

Буюртмачининг раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

Инспекция раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

3. Қурилиш объектига 20\_\_ йил, «\_\_» \_\_\_\_\_ да қуйидаги ўзгартиришлар билан аниқлик киритилди:

Буюртмачининг раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

Инспекция раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)



Қурилиш объектларини рўйхатдан  
утказиш тартибига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси**  
**«Давархитектқурилиш» қўмитаси**  
**«Бошдавархитектқурилишназорат» бошқармаси**  
**ВИЛОЯТИ**

(Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри)

**Қурилиш-монтаж ишларини бажаришга**  
**\_\_\_\_\_сон рухсатнома**

(банк реквизитларини кўрсатган ҳолда

\_\_\_\_\_га

(ташкилот номи)

\_\_\_\_\_ ишларини,

(қурилиш-монтаж ишларининг турлари ва

\_\_\_\_\_ объект номи кўрсатилади)

шунингдек бош режала бўлган \_\_\_\_\_  
манзилда жойлашган \_\_\_\_\_ объектлар  
қурилишини бажаришга рухсат берилди.

\_\_\_\_\_ лойиҳа хужжатларининг  
(лойиҳа ташкилоти ва уни тасдиқлаган

\_\_\_\_\_ томонидан ишлаб чиқилган  
органныннг банк реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги номи)

Техник назорат \_\_\_\_\_ га топширилди  
(ташкилот номи, лавозими, Ф.И.О.)

Муаллифлик назорати \_\_\_\_\_ га топширилди  
(ташкилот номи, лавозими, Ф.И.О.)

Бош пудратчи ташкилот томонидан ишларни бажариш \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ га топширилди.

(ташкилот номи, банк реквизитлари)

Ишларнинг асосий босқичлари \_\_\_\_\_  
(тамом бўлгандан кейин

«Бошдавархитектқурилиш» бошқармаси хабардор қилинадиган иш босқичлари кўрсатилади)

Алоҳида шартлар: \_\_\_\_\_

Рухсатнома берилган сана \_\_\_\_\_

Инспекция раҳбари \_\_\_\_\_

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИГА РЎЁБГА ЧИҚАРИЛАЁТГАН ИНВЕСТИ- ЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАРТНОМАВИЙ ЖОРИЙ НАРХЛАРГА ЎТИШ ТЎҒРИСИДА\*

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 11-сон, 88-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қури-  
лишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асо-  
сий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ–3240-сон  
Фармони бажариш юзасидан ҳамда бозор муносабатларини  
ривожлантириш, қурилишда нархларни шакллантириш механиз-  
мини такомиллаштириш, инвестиция жараёни барча қатнашчи-  
ларининг пировард натижалар, инвестиция лойиҳаларини амал-  
га ошириш самарадорлиги учун жавобгарлигини ошириш мақ-  
садида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нарх-  
ларда белгилаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом 1-ило-  
вага мувофиқ;

Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида  
шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қиймати-  
ни аниқлаштириш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом 2-ило-  
вага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва-  
зирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси 2003 йил якунлари  
бўйича мазкур низомларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар  
тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополия-  
дан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дав-  
лат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш»  
қўмитаси марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига мо-  
лиялаштириладиган объектлар қурилишида нархларнинг сунъ-  
ий равишда ошиб кетишига йўл қўймаган ҳолда уларнинг шакл-  
лантирилиши устидан доимий назорат ўрнатсинлар.

#### 3. Белгилаб қўйилсинки, қурилишнинг титул рўйхати:

---

\* 2003 йил 11 июндан кучга кирган.

биринчи молиявий йилда капитал қўйилмалар ҳажмлари ва уларни сарфлаш йўналишлари кўрсатилган, қурилишнинг иккинчи ва кейинги йиллари учун улар аниқлаштирилган ҳолда қурилишнинг барча даврига тузилади ҳамда инвестиция лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини акс эттиради;

қурилишларнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган аниқ рўйхати, ўтказилган танлов савдолари (тендерлар) ва тузилган шартномалар шартлари асосида қурилишнинг ҳар бир якка тартибдаги объекти бўйича инвестор (бужуртмачи) томонидан тузилади ва тасдиқланади;

объект қурилишининг унда тасдиқланган қиймати доирасида кредитлаш учун асос ҳисобланади.

4. Объектлар қурилиши учун жорий нархларни асосланган ҳолда белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги 2003 йилнинг III чорагидан бошлаб «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Нархларни шакллантириш минтақавий марказларига уларнинг сўровларига кўра минтақалар бўйича «қурилиш» тармоғида ўртача иш ҳақининг вужудга келган миқдорлари тўғрисида маълумотлар тақдим этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилашга доир чора-тадбирлар дастурини уч ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага\* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда айримларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н.

---

\* 3-илова берилмайди.

Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўрин-  
босари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 11 июнь,  
261-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 11 июндаги 261-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий  
нархларда белгилаш тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1. Мазкур Низом марказлаштирилган манбалар (давлат ка-  
питал қўйилмалари) ҳисобига қурилаётган қурилиш объектла-  
рининг шартномавий жорий нархлардаги қийматини аниқлаш  
тартибини белгилаб беради.

2. Объект қурилиши бўйича ишлар ва хизматларнинг жорий  
нархлардаги шартномавий қиймати танлов савдолари (тендер)  
натижалари бўйича шакллантирилади.

3. Танлов савдолари (тендер)ни ташкил этиш ва ўтказиш  
максадида объект қурилиши қиймати ресурсларга харажатлар-  
ни прогнозлаштирилаётган жорий нархлар ва тарифларда каль-  
куляция қилишга асосланган ресурс усули бўйича ҳисоблаб чи-  
қилади.

Бунда янгидан қурилаётган, марказлаштирилган манбалар  
(давлат капитал маблағлари) ҳисобига молиялаштирилаётган  
объектлар бўйича базавий нархлардаги смета ҳужжатлари ту-  
зилмайди, ресурслар сметалари чиқариш тартиби сақланиб қола-  
ди.

4. Объект қурилишининг мазкур Низомга мувофиқ буюртма-  
чи томонидан аниқланган бошланғич қиймати танлов савдола-  
ри (тендерлар) ўтказишда йўналиш ҳисобланади ва пудрат шарт-  
номаси (контракт) тузиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

5. Танлов савдолари бошланғич қийматни ошқор қилмасдан  
ўтказилган тақдирда у танлов савдолари (тендер)нинг иккинчи  
босқичигача махфий ахборот ҳисобланади.

6. Танлов савдолари (тендер)да иштирок этаётган пудратчи

ташкилотлар танлов таклифи нархини мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган тартибда ва пудрат ишлари бозори конъюктурасидан, шу жумладан иш ҳақиға харажатларни аниқлаш имкониятидан, корхонада шаклланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва шаклидан келиб чиққан ҳолда муस्ताқил равишда аниқлайдилар.

7. Талабгорнинг танлов таклифи (оферта)да кўрсатилган нархи махфий ахборот ҳисобланади ва танлов савдолари (тендер)нинг иккинчи босқичигача ошкор қилинмайди.

8. Объект қурилиши бошланғич қийматини ва талабгор нархини белгиланган давргача ошкор этишда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

9. Объект қурилишининг шартномавий жорий нархи талабгорларнинг танловдаги нарх бўйича таклифларидан мақбул нархни танлаш асосида, буюртмачининг бошланғич нархини ва танлов ҳужжатлари шартларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

10. «Ресурс усули»ни қўллашда физик кўрсаткичлардаги: асбоб-ускуналар номлари ва миқдори; норматив меҳнат сарфи; машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари; қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар номлари ва миқдори;

бошқа харажатлар ва сарфлар аниқланади.

11. «Ресурс усули» бўйича объектнинг жорий нархлардаги қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**$C = (C_0 + C_m + C_{зп} + C_{эм} + Пп + Пз + C_p) \times КР$** , бунда:

$C_0$  — асбоб-ускуналарга, мебель ва инвентарга харажатлар;

$C_m$  — қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар;

$C_{зп}$  — ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ҳолда асосий иш ҳақиға харажатлар;

$C_{эм}$  — машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;

$Пп$  — бошқа харажатлар ва пудратчининг харажатлари;

$Пз$  — бошқа харажатлар ва буюртмачининг харажатлари;

$C_p$  — объектлар қурилишини суғурта қилиш харажатлари;

$Кр$  — навбатдаги йилда қурилишда нарх ўсишининг прогнозлаштирилаётган индексидан келиб чиқиб аниқланадиган таваккалчилик коэффициентини.

12. Асбоб-ускуналар, мебель ва инвентарга харажатлар транспорт харажатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи корхоналар (етказиб берувчилар)нинг нархлари қўлланилган ҳолда спецификациялар асосида ёки нархлар мониторинги асосида шакллантириладиган маълумотлар банки бўйича аниқланади.

13. Қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар мазкур минтақада шаклланган бирликка ўртача нархлар қўлланилган ҳолда тендер ҳужжатлари таркибида ишлаб чиқилладиган Йиғма ресурс ҳисоб-китобига мувофиқ амалдаги кўрсаткичлар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_m = C_{m1} + C_{m2} + C_{m3} + \dots + C_{mp}, \text{ бунда:}$$

$C_{m1}$ ,  $C_{m2}$ ,  $C_{m3}$ ,  $C_{mp}$  — қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг айрим турлари қиймати:

$$C_{mp} = N \times C_{cp}, \text{ бунда:}$$

$N$  — объект қурилиши учун талаб қилинадиган қурилиш материали (буюм, конструкция)нинг алоҳида тури миқдори;

$C_{cp}$  — қурилиш материали (буюм, конструкция) бирлигига ўртача нарх.

Ҳар хил қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар)нинг ўртача қиймати тайёрловчи заводларнинг улгуржи сотиш нархлари, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан чиқариладиган каталоглар, «Давархитектқурилиш» қўмитасининг нарх белгилаш бўйича минтақавий марказлари маълумотлари асосида аниқланади.

Қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар) нархлари тайёрловчи заводларнинг улгуржи нархларини, идишларга харажатларни, транспорт харажатларини, таъминот-сотиш ташкилотларининг устама нархларини ўз ичига олади.

Транспорт харажатларини «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Юкларни қурилиш учун ташишга ҳисоб-китоб жорий нархларини аниқлаш бўйича методик тавсиялар асосида ҳисоблаб чиқиш тавсия қилинади.

14. Иш ҳақи харажатлари объектнинг норматив меҳнат сарфини бир киши-соатнинг жорий қийматига (сўмларда) ва ижтимоий суғуртага ажратмалар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**Сзп = Т х Сч Ксс**, бунда:

Т — тендер хужжатлари таркибида ёки ишга туширилган объектларга ўхшаш киши-соатларда аниқланадиган объект қурилишининг норматив меҳнат сарфи;

Сч — ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи, объект қурилиши қийматини ҳисоблаб чиқишда минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача статистик ойлик иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади;

Ксс — ижтимоий суғуртага ажратмалар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент.

Ўртача соатлик иш ҳақи қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

**Сч = Змс : Ф**, бунда:

Змс — олдинги 12 ой учун статистика маълумотлари асосида бир ой учун ҳисоблаб чиқилган минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи, ойига сўм;

Ф — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари бўйича соатларда иш вақтининг ўртача ойлик фонди.

15. Объект қурилиши қийматини аниқлашда машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари қиймати жорий нархларда қуйидаги формула бўйича қабул қилинади:

**Сэм = ЭМ х Цпр**, бунда:

ЭМ — машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соатлардаги ҳажми;

Цпр — машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соат/сўмлардаги жорий нархлари.

Машина ва механизмлардан фойдаланишнинг жорий нархларини «Давархитектқурилиш» қўмитасининг методик тавсиялари асосида аниқлаш тавсия қилинади.

16. Пудратчининг бошқа харажатлари (Пп) зарур фойдадан, шу жумладан пудрат ишлари (хизматлар) бозори конъюнктурасидан келиб чиқиб шакллантириладиган мажбурий тўловлар ва ажратмалардан иборат бўлади.

17. Буюртмачининг бошқа харажатлари ва сарфлари (Пз) лойиҳа-қидирув ишлари, экспертиза, танлов савдолари (тендер) ўтказиш, техник назорат харажатларидан, объект қурилиши билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборат бўлади.

18. Буюртмачи объект қурилиши қиймати таркибида объект

қурилишини ташкил этиш, унга хизмат кўрсатиш, кузатиб бориш, қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатларни ҳам ҳисобга олиши керак.

19. Буюртмачининг бошқа харажатлари объект қурилиши қийматини шакллантиришда белгиланган миқдорларда объектининг шартномавий қийматига киритилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига молиялаштириладиган объектлар қурилишининг бошланғич нархлари шакллантирилиши бўйича доимий мониторингни амалга оширадилар.

21. Объект қурилиши муддати бир календарь йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарх Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик Низомга мувофиқ аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 11 июндаги 261-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги  
йилларида шартномавий жорий нархларда  
қурилиш шартномавий қийматини  
аниқлаштириш тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1. Мазкур Низом танлов савдолари (тендер) натижасида жорий нархларда тузилган пудрат шартномалари (контракт) бўйича марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига қурилаётган қурилиш объектларининг иккинчи ва кейинги йиллар учун шартномавий жорий нархларини аниқлаштириш тартибини назарда тутди.

2. Танлов савдолари (тендер) натижалари бўйича тузилган объектининг қурилишини амалга ошириш пудрат шартномасига (контрактга), иш ҳажмлари босқичлар ва бажариш муддатлари бўйича бўлинган ҳолда, ишларни амалга ошириш жадвали илова қилинади.



Хар йили ҳисобот йили тугаши билан буюртмачи томонидан пудратчи ташкилот билан биргаликда прогноз қилинаётган йил ва кейинги йиллар учун бажарилаётган ишларнинг (хизматларнинг) контракт бўйича қолдиқ қиймати аниқланади.

Қурилишнинг титул рўйхатини шакллантириш ва капитал қўйилмаларнинг объектлар бўйича лимитларини аниқлаш мазкур Низомга мувофиқ шартномаларда белгиланган объект қурилишининг давом этиш муддатлари ва қийматига қатъий мувофиқ бўлиши зарур.

Иккинчи ва кейинги йиллар учун қурилишнинг титул рўйхатларига ўзгартиришлар пудрат шартномаси (контракт) асосида киритилади.

3. Нарх омиллари бўйича индексация қилиниши лозим бўлган иккинчи йил учун пудрат ишлари (хизматлар) қиймати буюртмачилар ва пудратчи ташкилотлар томонидан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O_2 = (C - O_1 - Пп - H_1) \times K_1 \text{ бунда:}$$

$O_2$  – иккинчи йил учун пудрат ишлари қиймати;

$C$  – танлов савдолари (тендер) натижасида аниқланган объектнинг жорий нархлардаги қиймати;

$O_1$  – ишларни бажариш жадвалига мувофиқ қурилишнинг биринчи йилидаги пудрат ишлари ҳажмининг жорий нархлардаги қиймати;

$Пп$  – ишларни бажариш жадвалига мувофиқ кейинги йиллар учун ишлар қиймати;

$H_1$  – буюртмачининг олдиндан берилган аванси;

$K_1$  – пудрат шартномаси (контракт) тузилган вақтда белгиланган объект қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқиладиган объект қурилишининг иккинчи йили учун шартномавий нарх ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент.

Нарх омиллари бўйича индексация қилиниши лозим бўлган учинчи йил учун пудрат ишлари (хизматлар) қиймати буюртмачилар ва пудратчи ташкилотлар томонидан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O_3 = (C - O_1 - O_2 - Пп - H_2) \times K_2 \text{ бунда:}$$

$O_3$  – учинчи йил учун пудрат ишлари қиймати;

$C$  – объектнинг танлов савдолари (тендер) натижалари бўйича аниқланган жорий нархлардаги қиймати;

$O_1$  ва  $O_2$  – ишларни бажариш жадвалига мувофиқ қурилиш-

нинг биринчи ва иккинчи йиллари учун пудрат ишлари хажмининг жорий нархлардаги қиймати;

Пп – ишларни бажариш жадвалига мувофиқ кейинги йиллар учун ишлар қиймати;

$H_2$  – қурилишнинг иккинчи йилида буюртмачининг олдиндан берилган аванси;

$K_2$  – пудрат шартномаси (контракт) тузилган вақтда белгиланган объектнинг қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқиладиган объект қурилишининг учинчи йили учун шартномавий нарх ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффицент.

Қурилишнинг кейинги йиллари учун объект қурилиш қиймати ҳам шу тартибда аниқланади.

4. К коэффицентни — қурилишнинг иккинчи йили (ва кейинги йиллари) учун шартномавий нарх ўзгаришини аниқлаш буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда қуйидаги асосий нарх шакллантирувчи компонентлар асосида аниқланади:

а) меҳнат харажатлари (энг кам ойлик иш ҳақининг ўзгариши);

б) электр энергияси («Ўзбекэнерго» компанияси);

в) ёнилғи-мойлаш материаллари («Ўзбекнефтогаз» компанияси);

г) металл («Ўзметкомбинат» бирлашмаси);

д) цемент (цемент заводлари);

е) қум (завод-карьерлар);

ж) йиғма темир-бетон буюмлари (тайёрловчи заводлар);

з) ёғоч-тахта материаллар (биржа нархлари);

и) гишт (тайёрловчи заводлар) ва бошқа компонентлар.

Бунда компонентлар ва асосий қурилиш материалларининг турлари ҳар бир муайян объект бўйича, пудрат шартномаси (контракт) тузилган пайтдаги объектни қуриш қийматининг камида 70 фоизини ташкил этадиган асосий нарх шакллантирувчи компонентларни ҳисобга олган ҳолда танланади.

5. Мазкур Низомга мувофиқ аниқланган пудрат ишлари (хизматлар) қиймати ушбу қурилиш объекти бўйича танлов савдолари (тендер) ўтказган танлов комиссияси томонидан қуриб чиқилади ва тасдиқланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси объектлар марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига қурилганда иккинчи йилга (ва ке-

йинги йилларга) қурилишнинг шартномавий жорий нархи аниқлаштирилиши устидан доимий мониторингни амалга оширадилар.

7. Мазкур Низомга риоя этилиши ва объект қурилишининг кейинги йиллари учун шартномавий нархлар тўғри аниқланиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ пудрат шартномаси (контракт) тузган буюртмачи билан пудратчи ташкилотлар зиммасига юкланади.

Ўзaro ҳисоб-китоб қилишда нархни шакллантирувчи асосий омиллар ва бошқа ҳисоблаб чиқиладиган кўрсаткичлар асоссиз қўлланилиши натижасида иккинчи йилга ва кейинги йилларга объектлар қурилиши қиймати ошириб юборилиши ҳоллари аниқланган тақдирда ошириб юборилган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджетига тикланади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 13-сон, 105-модда; 2005 йил, 32-33-сон, 251-модда,  
34-36-сон, 264-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қури-  
лишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асо-  
сий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон  
Фармони бажариш юзасидан ҳамда капитал қурилиш соҳаси-  
да товарлар, ишлар ва хизматлар харидининг ягона тизimini  
яратиш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш механиз-  
мини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси  
**қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда  
танлов савдолари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқ-  
лансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

марказлаштирилган манбалар, давлат бошқарув органлари  
ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига молиялаштирилади-  
ган капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизмат-  
лар хариди фақат танлов савдолари натижалари бўйича амалга  
оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бун-  
дан мустасно;

капитал қурилиш билан боғлиқ товарлар, ишлар ва хизмат-  
ларни харид қилишда танлов савдолари мажбурий ўтказилиши  
учун буюртмачилар, танлов савдоларини ўтказишнинг белги-  
ланган тартибига риоя қилиниши учун эса қонун ҳужжатларида  
назарда тутилган тартибда танлов савдолари ташкилотчилари  
жавоб берадилар;

сифатли бажарилган ишлар ва хизматларни ўз вақтида ва  
тўлиқ молиялаштириш юзасидан шартнома шартлари бажарил-  
маганлиги учун шартнома шартларига мувофиқ буюртмачи мод-  
дий жавоб беради, шунингдек кўрсатиб ўтилган сабаблар нати-  
жасида солиқ органлари томонидан ҳисобланган, уларга тўлан-  
ган жарималар ва пеняни пудратчига тўлиқ қоплайди;

---

\* 2003 йил 3 июлдан кучга кирган.

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномада назарда тутилган шартларнинг ўзгариши, буюртмачи билан пудратчи ўртасида келишув мавжудлигидан қатъи назар, фақат улар белгиланган тартибда танлов комиссияси томонидан қўриб чиқилгандан ва тасдиқлангандан кейин қабул қилинган деб ҳисобланади;

қурилишнинг амалдаги қийматини танлов савдолари натижалари бўйича шартномада белгиланган шартномавий нархга нисбатан камайтириш натижасида тежалган маблағлар пудрат ташкилотининг тасарруфида қолади.

3. Белгилансинки, хорижий пудрат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ва эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланадиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агар халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан тузилган кредит шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, танлов ҳужжатларига ишлар (хизматлар) қийматининг камида 50 фоизи миқдоридан ишлар (хизматлар)ни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари — резидентлари иштирок этиши шартлари киритилади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 48-модда) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тулаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 3 июль,  
302-сон

## Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхта-тиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғ-лиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини (кейинги ўрин-ларда матнда ишлар, хизматлар деб юритилади) бажариш, то-варлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш юзасидан тан-лов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳуду-дида марказлаштирилган манбалар (давлатнинг капитал қўйил-малари), давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш-да мажбурий ҳисобланади.

3. 2-бандда санаб ўтилмаган бошқа манбалар ҳисобига амал-га ошириладиган қурилиш объектлари учун мазкур Низом талаб-лари тавсия хусусиятига эга бўлади.

4. Мазкур Низом, агар хорижий кредитлар ва грантлар бе-риш шартларига кўра ўзгача тартиб белгиланган бўлса, товар-лар, ишлар ва хизматлар харидига жорий этилмайди.

5. Танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор буюртмачи томонидан фақат танлов савдолари предмети тегишли ҳужжат-лар (кредит шартномаси, банк маълумотномаси, қурилишлар-нинг аниқ рўйхати, давлат бошқарув органи қарори ва бошқа-лар) билан тасдиқланган молиявий ресурслар билан таъминлан-ган тақдирда қабул қилинади.

6. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилган:

**бошланғич нарх** — буюртмачи томонидан ёки унинг буюрт-маси бўйича жалб этилган ташкилот томонидан аниқланадиган танлов савдолари предметининг ҳисоблаб чиқилган қиймати;

**баҳоловчи гуруҳ** — офертани баҳолаш учун танлов ко-миссияси томонидан ташкил этиладиган вақтинчалик орган;

**баҳоловчи комиссия** — эркин савдода харидни амалга оши-ришда буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

**баҳолаш мезонлари** — талабгорларни танлаш ҳамда офертани баҳолаш ва савдолар голибини аниқлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

**буюртмачи** — инвестор ёки товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга ошириш учун белгиланган тартибда инвестор томонидан белгиланган юридик шахс;

**талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш** — танлов савдоларида қатнашишга қўйиш учун талабгорларни танлаш;

**инвестор** — товарлар, ишлар ва хизматлар харидига ўз маблағларини ёки қарз олинган маблағларни (бюджетдан молиялаштиришда — назарда тутилган маблағларни) қўювчи юридик ёки жисмоний шахс;

**капитал қурилиш** — янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукамал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш;

**танлов савдоларида иштирок этишга буюртманомаларни таъминлаш** — оферент томонидан буюртмачининг талабига кўра улар бўйича дастлабки мажбуриятни банк берадиган банк кафолати, топшириқ, захира аккредитивлар, чеклар шаклидаги танлов савдолари шартларида назарда тутилган исталган мажбуриятнинг, ёхуд таъминлашнинг бошқа турларида таъминланиши;

**талабгор** — офертаси савдо ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилгунга қадар таклиф этилган шартларда танлов савдоларида қатнашиш ниятини билдирган юридик ёки жисмоний шахс;

**танлов буюртманомаси акцепти** — унинг ютган офертаси эътироф этилган ҳолда оферентга юбориладиган ва шартнома тузишга таклиф ҳисобланадиган буюртмачининг ёзма билдиришномаси;

**танлов комиссияси** — мазкур Низомнинг 12-бандида санаб ўтилган функцияларни бажариш учун буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

**танлов савдолари** — танлов ҳужжатларида назарда тутилган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул етказиб берувчисини, ишларни бажарувчини ва хизматлар кўрсатувчини танлаш усули;

**танлов савдолари предмети** — товарлар, ишлар ва хизматлар;

**танлов савдолари ташкилотчиси** — буюртмачи ёки танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш учун буюртмачи томонидан жалб этиладиган юридик шахс;

**танлов ҳужжатлари** — танлов савдоларининг техник, молиявий, тижорат, ташкилий тавсифлари ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш шартлари, тартиб-қоидалари тўғрисидаги дастлабки ахборот мавжуд бўлган ҳужжатлар туркуми;

**товар** — хом ашё, буюм, конструкция, асбоб-ускуналарга бутловчи буюмлар, қаттик, суюқ ёки газсимон ҳолатдаги предметлар, энергиянинг барча турлари, шунингдек етказиб бериладиган товарга қўшимча равишда кўрсатиладиган хизматлар, агар уларнинг қиймати товар қийматининг ўзидан ортиқ бўлмаса;

**оферент** — малака танловидан ўтган ва офертаси танлов савдолари ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган талабгор;

**оферта** — танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган танлов савдолари предметига нисбатан талабгорнинг таклифи;

**шартномавий жорий нарх** — танлов савдолари натижалари бўйича белгиланадиган танлов савдолари предмети нархи;

**шартнома бажарилишини таъминлаш** — буюртмачининг талабига кўра танлов савдолари ёлиби томонидан улар бўйича бирламчи мажбуриятни банк ўз зиммасига оладиган банк қоғозлари, топшириқ, захира аккредитивлар, чеклар шаклидаги, нақд маблағлардаги депозитлар, ёхуд бошқа шакллардаги депозитлар шаклидаги шартномадаги мавжуд мажбуриятлар бажарилишининг таъминланиши.

## II. Танлов савдолари қатнашчилари

7. Инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферентлар танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

8. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ёки бунингсиз танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

расмий фармойиш берувчи ҳужжат чиқарган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш шакли, тури ва санасини белгилаш;

танлов савдолари ташкилотчиси функциясини амалга оши-



риш (ушбу функцияларни жалб этиладиган ташкилотга бериши мумкин);

муस्ताқил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда танлов савдолари предметининг бошланғич қийматини белгилаш.

9. Буюртмачи қуйидаги функцияларни бажаради:

танлов комиссияси таркибини ва иш тартибини шакллантиради ва тасдиқлайди, унинг ишида қатнашади;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этиладиган аниқ танлов шартларига боғлиқ бўладиган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини белгилайди;

танлов савдоларининг ташкилотчиси бўлади (ушбу функцияларни жалб этиладиган ихтисослашган ташкилотга бериши мумкин);

танлов ҳужжатлари таркибини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларига қўйиладиган асосий талабларни, танлов савдолари предметига қўйиладиган ва танлов ҳужжатлари таркибига киритиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;

белгиланган тартибда экспертизанинг ўтказилиши ва танлов ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда танлов савдолари натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузади;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

Буюртмачи инвестор билан белгиланган тартибда тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

10. Қуйидагилар танлов савдолари ташкилотчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов савдолари ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилаш;

танлов савдолари предметига қўйиладиган махсус, техник ва тижорат талабларини ҳисобга олган ҳолда талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларини ўтказиш учун танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

белгиланган шакл бўйича танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни матбуотда чиқариш ва/ёки потенциал талабгорларга таклифномалар юбориш;

агар танлов ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган

бўлса, аризалар ва оферталарни қабул қилиш, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлаш;

жалб этиладиган буюртмачи билан шартнома асосида мустақил экспертлар ёки маслаҳатчиларнинг ишларини ташкил этиш; талабгорларга танлов ҳужжатларини тақдим этиш; оферталарнинг асл нусхаларини улар очилгандан кейин буюртмачига бериш.

11. Танлов савдоларини ташкил этиш учун ихтисослаштирилган ташкилот жалб этилган тақдирда танлов савдолари ташкилотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

12. Танлов комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзининг иш тартибини белгилайди;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этилган танлов шартларига боғлиқ бўлган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини тасдиқлайди;

офертани қабул қилишнинг охириги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлайди, агар у танлов ҳужжатларида назарда тутилган бўлса;

тегишли равишда расмийлаштирган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидаларини амалга оширади;

ичида оферталар бўлган конвертларни очади, уларнинг танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади (ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилиши, расмийлаштириш ва ҳоказолар) ва конвертларни очиш туғрисидаги протоколни тасдиқлайди;

мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни) жалб этиш зарурлигини белгилайди ёки танлов комиссияси аъзолари орасидан баҳолаш гуруҳини тузади;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ оферталарни ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов савдолари ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

танлов савдоларини ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқади ва тартибга солади ҳамда улар бўйича тегишли хулосалар чиқаради.

13. Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиши керак.

Қоидага кўра, танлов комиссияси таркибига инвестор, буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш,

рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, хизмат кўрсатувчи банк вакиллари киритилади.

Танлов савдолари предметига боғлиқ равишда танлов комиссияси таркибига лойиҳа, эксперт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

14. Танлов комиссияси таркибида инвестор ва буюртмачининг вакиллари сони комиссия аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

15. Агар мажлисда танлов комиссияси аъзоларининг камида тўртдан уч қисми қатнашса танлов комиссияси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

16. Танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидалари босқичлари бўйича қарор танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олган ҳолда танлов комиссияси томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

17. Танлов комиссияси мажлисларида «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ваколатли вакили иштирок этади.

### **III. Танлов савдолари шакллари**

18. Танлов савдолари қуйидагиларга бўлинади: очик танлов савдолари — оферентлар сони чекланмайди; ёпиқ танлов савдолари — оферентлар сони чекланади. Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

19. Очик ёки ёпиқ танлов савдолари талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланган ҳолда ёки аниқланмасдан, ёхуд икки босқичли бўлиши мумкин.

Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдоларининг биринчи тури, танлов савдоларининг қолибини аниқлаш — унинг иккинчи тури ҳисобланади.

20. Талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланадиган очик ёки ёпиқ танлов савдолари ўтказишда талабгорларнинг умумий рўйхати тузилади, талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланади ва малакаси олдиндан аниқланган талабгорлар ўртасида танлов савдолари ўтказилади.

21. Икки босқичли танлов савдолари:

буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаган; шартномада ишларни уларнинг рентабеллигини таъминлаш учун етарли бўлган ёки тадқиқ этиш ёки ишлаб чиқишга сарфланган харажатлар қопланишини таъминлайдиган ҳажмларда бажариш назарда тутилган ҳоллардан ташқари, буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

22. Икки босқичли танлов савдолари қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳоси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб борилишига йўл қўйилади. Оферталарнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади;

иккинчи босқичда танлов савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади.

Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ишлаб чиқилладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

23. Ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади.

24. Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади.

25. Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳар ик-

каласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштирокида ўтказилади.

Улардан бири рад этган тақдирда танлов шартлари аниқлаштирилган ва /ёки унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади.

26. Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

27. Танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 25 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этган ҳолларда улар:

харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш;

етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин.

28. Эркин савдода харид қилишда таклифларнинг етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан алоқа каналлари орқали ёзма шаклда тақдим этилишига йўл қўйилади.

29. Эркин савдода харид қилишда етказиб берувчи ёки пудратчини танлаш баҳолаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

30. Баҳолаш комиссияси буюртмачи томонидан камида беш нафар ваколатли мутахассисдан иборат таркибда тайинланади. Баҳолаш комиссиясининг қарори протокол билан расмийлаштирилади.

31. Қуйидаги ҳолларда:

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори мавжуд бўлганда; харид қилинадиган товар (иш, хизматлар) ягона етказиб берувчи (пудратчи) томонидан ишлаб чиқарилса (реализация қилинса);

импорт товар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишган ҳолда харид қилинганда шартноманинг тўғридан-тўғри тузилишига йўл қўйилади.

32. Агар танлов савдолари предметининг бошланғич қийматига нисбатан танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаса, бундай ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мустақил лотларга бўлинган ҳолда битта танлов савдоларига бирлаштирилади, бунда ғолиб, қоидага кўра, хар бир лот бўйича аниқланади.

33. Буюртмачининг асосланган қарорига мувофиқ танлов савдолари предметини лотларга бўлган ҳолда танлов савдолари ўтказилишига йўл қўйилади (қурилиш ва монтаж ишлари, асбоб-ускуналарни харид қилиш ва монтаж қилиш, юкларни транспортда ташиш ва ҳоказо).

Бунда ҳолиб, қоидага кўра, ҳар бир лот бўйича аниқланади, бош пудратчи ташкилот функциясини буюртмачи бажаради ва лойиҳада назарда тутилган ишлар ва хизматларнинг бутун комплекси бажарилиши учун жавоб беради. Инвестор ва/ёки буюртмачи товарларни харид қилишда танлов савдолари предмети бўлиниши учун жавоб беради.

34. Танлов савдоларини кейинчалик танлов савдолари предмети учун назарда тутилмаган турлар бўйича ўтказиш имконини берувчи унинг қийматини пасайтириш мақсадида танлов савдолари предметини онгли равишда бўлишига йўл қўйилмайди.

#### **IV. Талабгорга қўйиладиган малака талаблари**

35. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорга қўйидаги малака талаблари қўйилади:

танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

устав сармоясининг миқдори;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

36. Агар танлов савдолари предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса белгиланган тартибда берилган тегишли лицензияга эга бўлган талабгорлар танлов савдоларида қатнашишга қўйилади.

37. Танлов комиссияси талабгор (оферент)дан унинг малака

маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

38. Талабгорларга танлов савдоларида қатнашишга малака талаблари танлов ҳужжатлари таркибида кўрсатиб ўтилади.

39. Малака талабларига мувофиқ талабгорлар томонидан тақдим этиладиган маълумотларни баҳолаш танлов ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

40. Танлов комиссияси:

талабгорларнинг ўз интеллектуал мулкани ёки тижорат сирини муҳофаза қилиш ҳуқуқини бузишга;

талабгорлар (оферентлар)нинг танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган малака маълумотларига нисбатан мезонлар ва талабларни белгилашга ҳақли эмас.

41. Таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

42. Буюртмачининг тор ихтисослашган пудратчи ташкилотлари очик танлов савдоларида умумий асосларда қатнашадилар, ёпиқ танлов савдоларида эса танлов савдолари ташкилотчиси камида иккита чет қатнашчини таклиф қилиши шарт.

43. Малака маълумотлари тўғрисида нотўғри ахборот аниқланган тақдирда танлов комиссияси қарори билан талабгор (оферент) бундан кейин танлов савдолари тартиботида қатнашишдан четлатилади.

44. Малака маълумотлари тўғрисида танлов савдолари натижасига таъсир қилмайдиган унчалик муҳим бўлмаган ноаниқликлар мавжуд бўлган ахборотни тақдим этган талабгор (оферент)га танлов комиссияси қарори билан аниқланган ноаниқликларни унинг офертасини кўриб чиқиш давомида тузатишига рухсат этилиши мумкин.

45. Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар танлов савдолари тартиботларида қатнашишга қўйилмайди.

## **V. Танлов савдоларини ўтказишга тайёргарлик**

46. Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жунатади.

47. Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ёки танлов савдоларида қатнашишга таклифномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;

танлов савдолари предметини маблағ билан таъминлаш манбалари;

танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;

танлов савдолари предметини сотиш муддати;

талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;

танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тулов миқдори;

оферталарни тақдим этиш жойи, охириги куни ва вақти;

оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари ва /ёки талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Буюртмачининг қарорига кўра хорижий пудратчилар (етказиб берувчилар) танлов савдоларида қатнашишга таклиф этилиши мумкин. Бунда эълон, қоидага кўра, энг оммавий даврий нашрларда, газеталарда, web-сайтда ва /ёки БМТнинг Development Business нашрида, шунингдек хорижий мамлакатларнинг элчихоналари орқали таклифномалар жўнатиш воситасида амалга оширилади.

48. Оферталарни тақдим этиш муддати эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб камида ўттиз кунни ёки таклифномалар жўнатиш кундан бошлаб ўттиз беш кунни ташкил этиши керак.

49. Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

## **VI. Танлов ҳужжатларининг таркиби, тузилиши, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби**

50. Танлов ҳужжатлари, қоидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

51. Умумий қисмга қуйидагилар киради:

танлов савдоларида қатнашишга таклифнома;

товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан шартноманинг умумий шартлари;

талабгорларнинг танлов савдоларида қатнашишга буюртма-номалари шакли;

талабгорнинг малакасини ҳамда унинг техник ва молиявий



ахволини баҳолаш талаблари ва мезонларини, таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов савдолари фолибини аниқлаш мезонлари, танлов савдолари тартиботига тааллуқли бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган йўриқнома.

52. Техник қисм Куриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

53. Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми ишлар (хизматлар)ни бажариш ва/ёки товарни етказиб бериш шартларидан, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартларидан, танлов савдолари предметини сотиш муддатидан, шартнома лойиҳасидан иборат бўлади.

54. Буюртмачи томонидан эълон қилинган нарх билан танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда танлов савдолари предметининг бошланғич нархи эълон ва таклифномада кўрсатилади. Бунда танлов савдолари танлов савдолари предметининг бошланғич нархини пасайтириш юзасидан ўтказилади.

55. Оферталарни тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади.

Тақдим этилаётган оферта танлов ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

56. Хорижий пудрат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ва эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланадиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агар халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан тузилган кредит шартномалаарида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, танлов ҳужжатларига ишлар (хизматлар) қийматининг камида 50 фоизи миқдоридан ишлар (хизматлар)ни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари — резидентлари иштирок этиши шартлари киритилади.

57. Танлов ва талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлашга ва маркировка қилишга, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларига шартлар ва талаблар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Оферталарни тақдим этиш муддати тугагунгача танлов савдолари ташкилотчиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва

қўшимчалар киритишга ҳақлидир, ташкилотчи улар тўғрисида танлов ҳужжатларини олган талабгорларга дарҳол хабар қилиши, оферталарни тақдим этиш муддатини офертага тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақтга узайтириши керак.

58. Танлов ҳужжатлари улар учун тўлов тўлангандан кейин тақдим этилади.

Тўлов миқдори буюртмачи ва /ёки танлов савдолари ташкилотчиси томонидан, танлов ҳужжатларини кўпайтириш ва тарқатиш қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

59. Танлов савдолари ташкилотчиси талабгорнинг сўровига кўра танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ бўлган саволларга ёзма равишда жавоб бериши, танлов савдоларининг барча қатнашчиларига жавобни сўров манбаини кўрсатмасдан юбориши шарт.

60. Танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ва /ёки талабгорлар ўртасида хабарлар, билдиришномалар ва бошқа ахборотларни алмашиш танлов ҳужжатлари таркибида тасдиқланган шакл бўйича ёзма равишда амалга оширилади.

## **VII. Оферталарни тақдим этиш**

61. Офертанинг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Оферта уни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунгача қайтариб олиниши мумкин.

62. Талабгорнинг имзоси ва муҳри қўйилган оферта савдолар ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда жўнатилади.

63. Тақдим этиш муддати тугагандан кейин олинган оферта кўриб чиқилмайди.

Офертани тақдим этиш санаси танлов савдолари ташкилотчисининг почта билдиришномасидаги оферта олинганлиги тўғрисидаги қайд бўйича ёки танлов савдолари ташкилотчисининг оферентга берилган (оферта чопар орқали етказиб бериладиган ҳол) оферта олинганлиги тўғрисидаги билдиришномаси санаси бўйича белгиланади.

64. Талабгор оферта таркибида танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани танлов ҳужжатларида кўрсатилган, лекин танлов савдолари предмети ҳисоблаб чиқилган қийматининг кўпи билан 2 фоизи миқдориди таъминлашни тақдим этади.

Таъминлашнинг амал қилиш муддати офертанинг амал қилиш муддатидан кам бўлмаслиги керак.

65. Буюртмачи танлов ҳужжатларида таъминлаш кафили-

нинг ишончлилиги бўйича талабларни, унинг шаклларини ва танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлашдан фойдаланиш тартибини белгилаши мумкин.

66. Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

танлов савдолари қолибига — шартнома тузилгандан кейин, шартнома ижросини талаб қилинадиган таъминлаш тақдим этилгач;

колган офертларга — танлов савдолари қолиби билан шартнома тузилгандан кейин, лекин офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

офертани қайтариб олган офертга — уни тақдим этишнинг охири куни ва вақти тугагунгача қайтарилади.

Буюртманомани таъминлаш уни қайтариш учун асос пайдо бўлган вақтдан бошлаб ўн кун мобайнида қайтарилади.

67. Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

офертани тақдим этишнинг охири куни ва вақти тугагач офертани ўзгартирган ёки уни қайтариб олган офертга;

танлов савдолари қолибига — оферта унинг амал қилиш даврида қайтариб олинганда, танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда шартнома тузиш ёки шартнома ижросининг талаб қилинадиган таъминланишини тақдим қилиш рад этилганда қайтарилмайди.

## **VIII. Танлов савдоларини ўтказиш ва уларни яқунлаш**

68. Танлов савдолари, қоидага кўра, буюртмачи жойлашган жойда ўтказилади.

69. Танлов комиссияси мажлиси ушбу Низомнинг 48-бандида белгиланган муддат тугагандан кейин ўтказилади.

Мажлис вақтида оферталар солинган конвертлар очилади, шартлар ва тартиботларга риоя қилиниши, танлов ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади.

70. Оферталар солинган конвертларни очиш қатнашиш истагини билдиришган офертлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Танлов комиссияси мажлиси натижалари протокол билан расмийлаштирилади.

Танлов комиссияси мажлислари натижалари тўғрисидаги ахборот қатнашмаган офертга ёзма шаклда етказилади.

71. Хужжатлар пакетида танлов хужжатлари талабларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда хужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан оферентга қайтарилади.

72. Танлов комиссияси танлов хужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларни улар бошқа қатнашчиларнинг рейтингига таъсир кўрсатмайдиган ва уларга йўл қўйган танлов савдолари қатнашчисига устулик бермайдиган ҳолларда эътиборга олмаслиги мумкин.

73. Танлов хужжатлари шартларига жавоб берадиган оферталар бўйича оферентнинг исми (номи), малака маълумотлари, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатлари, шунингдек оферент томонидан танлов хужжатлари талабларига мувофиқ киритилган қўшимча таклифлар ҳисобга олинади.

74. Танлов комиссияси мажлисида офертани кўриб чиқиш давомида оферент томонидан офертанинг мазмуни тушунтириб берилишига йўл қўйилиди.

Ўзунда офертанинг мазмуни, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

75. Офертада арифметик хатолар мавжудлиги аниқланган тақдирда сўзлар билан кўрсатилган якуний сумма тўғри миқдор сифатида қабул қилинади.

76. Савдоларнинг туридан қатъи назар, танлов савдолари ғолиби танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Танлов савдолари ғолиби танлов савдолари қатнашчилари иштирокида эълон қилинади, иштирок этмаган қатнашчилар хабардор қилинади.

77. Оферталарни кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги ахборот ошкор қилинмайди, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

78. Танлов комиссиясининг ҳар бир мажлисида протокол юритилади.

Қоидага кўра, бу — талабгор малакасини олдиндан аниқлаш, конвертларни очиш, танлов савдолари ғолибларини аниқлаш ва танлов савдолари ўтказиш тартиботи билан боғлиқ бўлган бошқа протоколлардир.

79. Танлов савдолари буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин тугалланган ҳисобланади.

80. Буюртмачи «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган кундан бошлаб беш кун муддатда оммавий ахборот

воситаларида танлов савдолари натижалари (предмети, ғолиби, инвестиция лойиҳасининг шартномавий нархи ва уни амалга ошириш муддати) тўғрисидаги ахборотни эълон қилади.

81. Танлов савдолари агар:

оферталарни тақдим этиш муддатида учтадан кам оферта тушса, ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари; оферталар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

оферталарда танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш кафолати мавжуд бўлмаса;

оферентлар томонидан таклиф этилган нархлар танлов савдолари предмети бошланғич қийматидан анча ортиқ бўлса;

«Давархитектқурилиш» кўмитаси билан келишув бўйича танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса ўтказилмаган ҳисобланади.

82. Танлов савдоларининг ўтказилмаган деб эълон қилиниши асосий қатнашчилардан биронтасининг мулкӣ ёки бошқача тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

83. Агар танлов савдолари ўтказилмаган деб эътироф этилса танлов савдолари такроран ўтказилади, бунда танлов ҳужжатлари шартларининг қайтадан кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

84. Танлов савдолари ташкилотчиси улар тугаллангандан кейин танлов савдолари ғолибига беш кундан кечикмай ёзма билдиришнома жўнатади.

85. Шартнома танлов савдолари ғолиби билдиришномани олган кундан бошлаб ўн кун муддатда тузилади.

86. Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки шартнома ижросини таъминлашни белгиланган муддатда тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси иккинчи баҳони олган оферентни танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

87. Шартнома ижросини таъминлаш миқдори буюртмачи томонидан, лекин танлов савдоларида белгиланган қийматнинг кўпи билан 10 фоизи миқдорида белгиланади.

88. Танлов савдолари натижалари бўйича тузилган, эркин муомаладаги валютада амалга ошириладиган шартномани рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида амалга оширилади.

## **IX. Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби мониторинги**

89. Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг методлари ва усулларининг асосланганлигини аниқлаш, танлов савдоларини ташкил этиш, танлов савдоларини ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш мониторинги «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

90. Танлов ҳужжатлари экспертизаси шартнома асосида ўтказилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси томонидан танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шартларига ҳамда ушбу Низомга риоя қилиниши танлов ҳужжатлари экспертизаси предмети ҳисобланади.

91. Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

танлов савдолари предмети ва ташкилотчиси тўғрисидаги маълумотлар;

танлов ҳужжатлари;

танлов комиссиясини тайинлаш ва унинг таркиби тўғрисидаги буйруқ;

молиявий ресурсларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар (кредит шартномаси, банк маълумотномаси, қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхати, давлат бошқарув органи қарори ва бошқалар). Зарур ҳолларда экспертиза органи савдолар ташкилотчисидан қўшимча маълумотларни сўраб олади.

Импорт товарлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилишда буюртмачи танлов ҳужжатлари таркибида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг нархлар конъюнктураси бўйича хулосасини тақдим этади.

92. Танлов ҳужжатлари экспертизаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган Қурилиш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ўтказилади.

93. Танлов ҳужжатлари экспертизаси ва экспертиза органи

томонидан тегишли хулосани бериш ушбу Низомнинг 91-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

Такрорий экспертиза беш кун муддатда ўтказилади.

94. Қўйидагилар мониторинг объекти ҳисобланади: танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартнома тузиш;

лойиҳани амалга оширишда танлов савдолари шартларининг бажарилиши;

ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси;

қурилиши тугалланган объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш.

95. Мониторинг буюртмачи ва пудратчи томонидан томонларнинг танлов савдолари шартларини бажариши тўғрисида «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳудудий бошқармасига ҳар ойда тақдим этиладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Танлов ҳужжатларига буюртмачи ва пудратчи томонидан ахборотлар тақдим этиш бўйича мажбуриятларни киритиш танлов савдолари шартларининг узвий қисми ҳисобланади.

Мониторинг натижаларини умумлаштириш «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

96. «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумотномани таклифлар билан бирга тақдим этади.

## **Х. Нархларга тузатишлар киритиш ва суғурта**

97. Танлов савдоларида белгиланган нарх қатъий нарх ҳисобланади.

98. Биринчи молиявий йил мобайнида нархларга ҳамда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш юзасидан шартномани бажариш муддатига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

99. Иккинчи йил ва ундан кейинги йиллар учун шартнома нархларига тузатишлар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

100. Танлов савдолари волиби қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда объект қурилишининг суғурта қилинишини таъминлайди.

## **XI. Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари**

101. Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар шартнома асосида амалга оширилади.

102. Танлов савдолари танлов савдолари предметини сотишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли бекор қилинган тақдирда уларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар амалдаги харажатлар бўйича буюртмачи томонидан қопланади.

## **XII. Танлов савдолари қатнашчиларининг жавобгарлиги**

103. Танлов савдолари қатнашчилари қонун ҳужжатларига ва ушбу Низом талабларига мувофиқ жавоб берадилар.

**104 Буюртмачи:**

танлов комиссиясини шакллантиришда унинг таркибига оид талабларга риоя этилиши;

танлов савдолари предмети учун назарда тутилмаган шакллар бўйича танлов савдоларини амалга ошириш имконини берадиган унинг қийматини камайтириш мақсадида танлов савдолари предметини бўлишга йўл қўйилиши;

танлов савдолари ҳолиби билан шартнома тузиш муддатининг бузилиши;

шартномада келишилган муддатларда физик, сифатга доир ва техник параметрлар бўйича шартнома шартларининг бажарилмаганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги учун нотўғри ахборот тақдим этилганлиги;

томонлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши тугаллангандан кейин уч йил мобайнида оферталар оригиналларининг сақланмаганлиги;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиботларининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

Агар унинг учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома тузиш шарт бўлган буюртмачи шартномани тузишдан воз кечса ёки бош тортса танлов савдолари ҳолиби шартномани тузиш ёки етказилган зарарни ва бой берилган фойдани ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилади.

105. Танлов савдолари ташкилотчиси:



оферталар такдим этиш муддати тугагунгача танлов ҳужжатларига танлов ҳужжатларини олишган талабгорларга ўз вақтида хабар қилмасдан ва офертага тузатишлар киритиш учун етарли бўлган вақт учун оферталарни такдим этиш муддатини узайтирмасдан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосасисиз чоп этганлик;

аризалар ва оферталарни қабул қилиб олишни рад этганлик, уларни ҳисобга олишни таъминламаганлик, конвертларни очишгача уларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминламаганлик;

танлов савдоларини ўтказиш тартиботи бузилганлиги;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

106. Танлов комиссияси:

танлов савдоларини ўтказиш тартиботлари босқичлари бўйича кам овоз билан ва/ёки танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олмасдан қарор қабул қилинганлиги;

талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда такдим этишнинг асосиз талаб қилиниши;

талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги;

талабгорлар (оферентлар)нинг малака маълумотларига нисбатан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар ва талаблар белгиланганлиги;

танлов савдоларида қатнашишга:

муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг;

кайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорларнинг қўйилганлиги;

талабгор (оферент)нинг танлов савдолари тартиботида қатнашишдан асосиз равишда четлатилганлиги;

танлов савдоларининг бошқа қатнашчилари рейтингига таъсир қилмайдиган, уларга йўл қўйган танлов савдолари қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларга номувофиқлиги эътиборга олинганлиги;

оферта мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва туза-тишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;

офертани танлов комиссияси мажлисида кўриб чиқиш давомида оферентнинг тушунтириш беришига асоссиз равишда йўл қўйилмаганлиги;

ахборотнинг ошкор қилинганлиги, савдолар қатнашчиларининг ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар билан келишувига йўл қўйилганлиги, шунингдек қонунга зид бошқа хатти-ҳаракатлар қилинганлиги;

танлов савдолари ролибининг танлов комиссиясининг очиқ мажлисида аниқланганлиги, танлов савдолари ролибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги, иштирок этмаган қатнашчиларнинг ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги;

танлов савдолари тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

**107. Танлов савдолари ролиби:**

физик, сифатга доир ва техник параметрлар бўйича шартнома шартларининг шартномада назарда тутилган муддатларда бажарилмаганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги натижаларининг бузилганлиги;

танлов шартлари ва шартноманинг бошқача бузилишлари учун жавоб беради;

Агар танлов савдолари ролиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартнома бажарилиши таъминланишини тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси иккинчи баҳони олган оферентни танлов савдолари ролиби деб эътироф этиши ёки тақрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

**108. Танлов савдолари тартиботидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, савдолар ташкилотчиси ёки танлов савдолари бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлар юзасидан шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ХЎЖАЛИК МУНОСАБАТ- ЛАРИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 17-18-сон, 146-модда; 2004 йил, 19-сон, 222-модда,  
25-сон, 288-модда; 2005 йил, 10-11-сон, 73-модда; 2006 йил,  
6-7-сон, 33-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қури-  
лишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асо-  
сий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ–3240-сон  
Фармони бажариш юзасидан ҳамда капитал қурилишда хўжа-  
лик муносабатлари механизмини такомиллаштириш, шартнома  
мажбуриятларига риоя этилиши ва қурилишнинг пировард нати-  
жалари учун инвестиция жараёни қатнашчиларининг жавобгар-  
лигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қила-  
ди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қора-  
қалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-  
кент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига Вазирлар Маҳкамаси-  
нинг 2002 йил 26 мартдаги 97-сон, 2002 йил 8 октябрдаги  
347-сон ва 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорларини пудрат  
қурилиш ташкилотларини, айниқса паст рентабелли ва зарар  
кўриб ишлаётган ташкилотларни хусусийлаштириш дастурларини  
бажариш юзасидан ишларнинг қониқарсиз эканлиги кўрсатиб  
ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Дав-  
архитектқурилиш» қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,  
манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ҳуку-  
матнинг юқорида қайд этилган қарорларида кўрсатиб ўтилган  
пудрат қурилиш ташкилотларини 2003-2004 йилларда хусусий-  
лаштиришни тўлиқ тугалласинлар, улар негизида асосан хусу-  
сий ва қўшма корхоналар ташкил этсинлар.

Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган пудрат қурилиш  
ташкилотларини хусусийлаштиришда тегишли инвестиция маж-

---

\* 2003 йил 12 сентябрдан кучга кирган.

**буриятлари мавжуд бўлган тақдирда объектларни қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериш кенг қўлланилсин.**

**Пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.**

**2. 2003-2004 йилларда тўлиқ хусусийлаштириладиган лойиҳалаштириш ва қидирув ташкилотлари рўйхати 1-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1-иловада кўрсатилган лойиҳақидирув ташкилотлари тўлиқ хусусийлаштирилишини ҳамда лойиҳа ишлари бозорида рақобат мукити яратилишини таъминласинлар.**

### **3. Қўйидагилар:**

**Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молниялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;**

**Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси 3-иловага мувофиқ;**

**Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, объектлар қурилишини марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошираётган вазирликлар ва идоралар 2004 йил 1 июлгача капитал қурилиш бўйича бюджет буюртмачиларининг фаолият кўрсатиб турган ҳудудий хизматларини (бошқармалар, бўлимлар, дирекцияларни) тугатсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган объектлар қурилиши учун ягона буюртмачи хизматларини ташкил этсинлар.**

**Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи ҳудудий хизматининг намунавий тузилмаси ва Ягона буюртмачи хизмати тўғрисидаги намунавий низом 5\* ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.**

---

*\* 1, 5-иловалар берилмайди.*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 1 январдан бошлаб ягона буюртмачи хизматларининг штат жадваллари ва таъминотига харажатлар сметаси белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2003 йил 1 декабрдан бўлган муддатда лойиҳа-қидирув ишлари қийматини шартномавий жорий нархларда белгилашнинг янгиланган тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда объектлар қурилишининг умумий қийматидан лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг чекланган даражаларини белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси белгиланган тартибда:

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига тўловлар бўйича қарзлари (шу жумладан илгари кечиктирилган қарзлари)нинг 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра тўловларни икки йил муддатга кечиктирган ҳолда, улар бўйича бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга жорий тўловларни ўз вақтида тўлаш шarti билан кейинги икки йил мобайнида ушбу қарзларни ҳар ойлик тенг улушлар билан босқичма-босқич қайтариш йўли билан таркибини ўзгартиришни расмийлаштирсинлар;

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига муддати ўтказиб юборилган тўловлари бўйича пеня ва жарималарни 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра ҳисобдан чиқарсинлар.

Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар натижасида бўшайдиган маблағлар пудрат қурилиш ташкилотларининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилади.

7. 2006 йил 1 январдан бўлган даврда пудрат қурилиш ташкилотларининг улар томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базадан чиқарилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда пудрат қурилиш ташкилотларига солиқ солиш бўйича кўрсатиб ўтилган имтиёзни қўллаш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Дав-

лат бюджети лойиҳасини шакллантиришда 2004 йилдан бошлаб пудрат қурилиш ташкилотларининг маҳаллий бошқарув органлари балансига берилган ижтимоий соҳа муассасалари таъминоти харажатларини маблағ билан таъминлаш учун уларга маблағларни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 7-иловага\* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идорилар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 сентябрь,  
395-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Марказлаштирилган манбалар ҳисобига  
қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва  
кредитлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом объектларни, шу жумладан фойдаланишга тайёр ҳолда қуриладиган, марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган объектлар қурилишини ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши қуйидаги марказлаштирилган манбаларга жорий этилади:

---

\* 7-илова берилмайди.

бюджетдан ажратмалар;

давлат бюджети таркибида жамланадиган давлат мақсадли жамғармалари маблағлари (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари);

Хукумат қарорларида белгиланган бошқа манбалар.

3. Ушбу Низом буюртмачи ва пудратчининг келишувига кўра инвестиция лойиҳасини ушбу Низомнинг 2-бандида назарда тутилмаган маблағ билан таъминлашнинг бошқа манбалари ҳисобига амалга оширишда қўлланилиши мумкин.

4. Капитал қўйилмаларни қайтариш асосида бюджет ажратмалари ҳисобидан ажратишда қарз маблағларини қайтариш механизми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, маблағ билан таъминловчи банк муассасаси ва буюртмачи ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солиб борилади.

5. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

маблағ билан таъминловчи орган:

бюджетдан ажратмалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари;

давлат бюджети таркибида жамланадиган давлат мақсадли жамғармалари маблағлари бўйича (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ташқари) — жамғармаларнинг тегишли тасарруфчилари;

Хукумат қарорларида белгиланган бошқа манбалар бўйича, Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган инвестиция кредитлари бундан мустасно — ушбу манбаларнинг тасарруфчилари;

қурилишларнинг аниқ рўйхати — объектлар рўйхатини, шунингдек улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва харажатлар ҳажмини ўз ичига олувчи ҳар йили буюртмачилар томонидан ажратилган лимитлар доирасида тузиладиган молиявий ҳужжат;

қурилишнинг титул рўйхати — қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажмини ва уни сарфлаш йўналишларини кўрсатган, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини акс эттирган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий ҳужжат;

лойиҳаловчи — лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун танлов асосида танлаб олинган ташкилот;

етказиб берувчи (ишлаб чиқарувчи) — танлов асосида тан-

лаб олинган қурилиш индустрияси корхонаси, тайёрловчи завод ёки моддий-техника ресурсларини, шу жумладан лойиҳани амалга оширишда фойдаланиладиган технология ва муҳандислик асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва (ёки) етказиб берувчи жисмоний шахс;

лойиҳа — тармоқ тузилмаларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемаси, шунингдек муҳандислик изланишлари ва корхоналар, иншоотларни жойлаштиришнинг вариантли ишланмалари, унинг лойиҳа қуввати ва бошқа техник кўрсаткичлари асосида тузилган минтақалар бўйича ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемаси таркибида бажарилган зарур ҳисоб-китоблар билан биргаликда материаллар туркуми. Капитал қурилиш лойиҳасида қуйидаги асосий масалалар ҳал этилади: хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг транспорт оқимлари схемаси, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштирилиши ва кооперацияси, иқтисодиётнинг турдош тармоқлари билан алоқалар, ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби ва уни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни кадрлар билан таъминлаш, қурилиш учун ажратилган ер участкасидан оқилона фойдаланиш, бинолар ва иншоотларнинг ҳажмли-режалаштириш, архитектура ва конструктив ечимлари, атроф муҳит муҳофазаси, издан чиққан ерларни тиклаш (рекултивация) ва ер қаъри муҳофазаси, қувватларни ўзлаштириш;

иш ҳужжатлари — алоҳида бинолар ва иншоотларга ҳамда иш турларига иш чизмалари комплекти. Мураккаб объектлар бўйича иш ҳужжатларини тузишда лойиҳа материалларини аниқлаштирувчи қўшимча ишлар амалга оширилади. Уларга иш чизмалари умуман бинога ва иншоотга ишлаб чиқилади. Иш ҳужжатларида меҳнат сарфи ва асосий қурилиш материалларига харажатлар ўзгаришининг ҳисоб-китоби келтирилган бўлиши, ихтисослаштириш тузилиши, асбоб-ускуналар ва буюмларнинг тегишли турларига эса — ўлчам схемалари тузилиши, бино ва иншоотга қурилиш иш чизмаларининг паспорти тузилиши керак. Иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳаловчига яқка тартибда тайёрланадиган буюртма қилинадиган асбоб-ускуналар ва импорт асбоб-ускуналар бўйича бирламчи маълумотлар берилади.

## **II. Шартномалар тузиш тартиби ва шартлари**

6. Объект қурилишига шартнома танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қури-



лишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга (кейинги ўринларда матнда капитал қурилиш деб юритилади) тузилади.

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда капитал қурилиш соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тузилади.

7. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишига шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот буюртмачи ҳисобланади.

8. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишига шартнома бўйича пудратчилар танлов савдолари шартларига ва тузилган шартномага мувофиқ ишлар бажарилишини таъминлашга қодир бўлган юридик шахслар бўлишлари мумкин.

Зарурат бўлганда қўшма фаолият тўғрисидаги шартномага мувофиқ иш кўрувчи юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахсларнинг бирлашмаси қуриш шартномаси бўйича пудратчилар бўлиши мумкин.

9. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиҳа ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралиқ бўғинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини ўзаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситачининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш, деб ҳисобланмайди.

10. Пудрат шартномаси танлов савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий жорий нарх бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари тасдиқлангандан кейин ун кун муддатда тузилади.

11. Танлов савдолари шартларига мувофиқ қурилиш муддати бир календарь йил доирасидан ташқарига чиқадиган объектлар бўйича иккинчи ва кейинги йилларга ишларнинг қолдиқ ҳажми қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилади. Қолдиқ қийматнинг аниқлаштирилиши асосий бош шартномага илова қилинадиган қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

12. Шартномага ишлар ҳажмининг қўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл

қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

13. Шартнома бекор қилинган тақдирда барча харажатлар ва зарарлар қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда қопланади.

14. Шартнома тузишда буюртмачи ва пудратчи алоҳида шартлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ унда бошқа мажбуриятларни ҳам назарда тутишга ҳақлидир.

15. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари бўйича тузилган бош шартнома бўйича мажбуриятлар сақланиб қолиниши шартли билан мустақил амалга оширилади.

16. Объектлар қурилишига шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ кафиллик, кафолат шаклида ва бошқа шаклларда таъминланади.

17. Объект қурилиши шартномасида акс эттириладиган ўзаро ҳисоб-китоб шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланади.

### **III. Томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

18. Буюртмачи томонидан қўйидагилар таъминланади:

ер участкасини танлаш ва ажратиш, бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни ва қурилиш ҳудудини тайёрлаш, лойиҳаолди ишларини ташкил этиш, лойиҳанинг, иш ҳужжатларининг (объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ҳолларидан ташқари) ва танлов ҳужжатларининг тасдиқланадиган қисмини келишиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш;

лойиҳаловчи ва пудратчини (бош пудратчини) танлов савдолари орқали танлаш;

ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари билан биргаликда шартномалар тузиш;

қурилиш объектини давлат архитектура-қурилиш назорати органларида рўйхатдан ўтказиш;

пудратчига қуриш учун бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни бериш;

бузиладиган, кўчириладиган ёки реконструкция қилинадиган биноларда, шунингдек объект қурилиши ҳудудида яшаётган шахсларни кўчириш;

молиялаштириш, пудратчи томонидан қабул қилинган шарт-

нома мажбуриятларига ва шартномада қайд этилган бошқа функцияларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

техник кузатиш ва объект қурилиши устидан техник назорат қилиш;

қурилиши тугалланган объектни белгиланган тартибда фойдаланиш учун қабул қилиш;

кафолатли даврда аниқланган нуқсонлар бартараф этилиши устидан назорат қилиш.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига ва шартнома шартларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

19. Пудратчи томонидан қуйидагилар таъминланади:

иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва унинг технология қисмини буюртмачи билан келишган ҳолда қурилиш жараёнида (объект фойдаланишга тайёр ҳолда қурилганда) уни эксперт кузатиш;

иш ҳужжатларини (объект фойдаланишга тайёр ҳолда қурилганда) технологик изчиллик ва объект қурилишининг аниқ шартлари билан боғлиқликда ҳажмлар ва муддатларда ишлаб чиқаришга бериш;

ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ҳамда белгиланган стандартларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда тасдиқланган лойиҳада назарда тутилган ишларни бажариш;

шартномага мувофиқ қурилишни асбоб-ускуналар, конструкциялар ва қурилиш материаллари билан бутлаш;

лойиҳа ечимларига ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилиш-монтаж, махсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

объектнинг ижроия ҳужжатларини, шу жумладан сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотга мувофиқлик сертификатларини, фойдаланилган қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарга техник паспортларни тузиш ва буюртмачига бериш;

тасдиқланган лойиҳаларга, бошқа талабларга ва шартнома мажбуриятларига мувофиқ объектни буюртмачига топшириш.

Пудратчи қонун ҳужжатларига ва шартнома шартларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

20. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги вазифаларни аниқ тақсимлаш, шунингдек уларнинг мулкӣ жавобгарлиги даражаси қонун ҳужжатларига ва танлов савдоси шартларига мувофиқ аниқ бир пудрат шартномасини тузишда аниқлаштирилади.

21. Объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган сифат стандартлари ҳисобга олинган ҳолда «Давархитектқури-

лиш» қўмитаси органларининг хулосаси асосида буюртмачи томонидан таъминланади.

22. Буюртмачи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ: ишларни бажаришга бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатлар берилиши кечиктирилганлиги;

геодезия — бўлиш асослари ҳамда қурилиш ҳудудига бириктирилган пунктлар ва белгилар берилиши кечиктирилганлиги;

қурилиши тугалланган объект, унинг айрим навбатлари, ишга тушириш комплекси, бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқаришга тайёрланган маҳсулотлар ёки хизматлар шартнома шартларига мувофиқ қабул қилиб олинishi асоссиз равишда кечиктирилганлиги;

шартномага мувофиқ ўз вақтида маблар билан таъминланмаганлиги, бажарилган ишлар тасдиқланмаганлиги ва уларга ҳақ тўланмаганлиги;

шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун пудратчи олдида мулкый жавоб беради.

23. Пудратчи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ: иш ҳужжатлари сифатсиз ишлаб чиқилганлиги (объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда);

қурилиш-монтаж ишлари сифатсиз бажарилганлиги;

объект, унинг навбати, босқичи қурилиши ўз вақтида тугалланмаганлиги;

буюртмачи билан тузилган шартномалар бўйича монтаж ташкилотлари ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган асбоб-ускуналарни монтаж қилишга мўлжалланган майдонларни топшириш муддатлари бузилганлиги (агар бу шартнома ва танлов савдолари шартларида назарда тутилган бўлса);

буюртмачи билан тузилган шартномага илова қилинган алоҳида шартларда белгиланган ерларни рекультивация қилиш бўйича ишлар муддатлари ва ҳажмларининг бузилганлиги;

қурилиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилиш жараёнида буюртмачи, муаллифлик назорати ва назорат органлари томонидан аниқланган ишлар ва конструкцияларда йўл қўйилган чала ишлар ва нуқсонларни бартараф этиш кечикканлиги;

шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун буюртмачи олдида мулкый жавоб беради.

24. Иш пудратчи томонидан пудрат шартномасидан четга

чикиб ёки бошқа нуқсонлари бўлган ҳолда бажарилган ҳолларда буюртмачи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса, ўз хоҳишига кўра пудратчидан:

нуқсонлар оқилона муддатда қоплашсиз бартараф этилишини;

иш учун белгиланган нарх мутаносиб миқдорда камайтирилишини;

агар нуқсонларни бартараф этиш юзасидан буюртмачининг ҳуқуқи шартномада назарда тутилган бўлса, нуқсонларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

25. Пудратчи нуқсонларни бартараф этиш ўрнига бажариш муддати кечиктирилиши туфайли етказилган зарарларни буюртмачига қоплаган ҳолда ишни қайтадан текин бажаришга ҳақлидир.

26. Агар пудратчи нуқсонларни томонлар томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаса, буюртмачи ёки фойдаланувчи ташкилот нуқсонни бартараф этиш ишлари қийматини ундириб олган ва нуқсон ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун кўрилган зарар қопланган ҳолда нуқсонни пудратчи ҳисобидан ўз кучлари билан бартараф этишга ҳақлидир.

27. Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаган тақдирда шартномага мувофиқ айбдор томон бошқа томонга қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган тартибда неустойка тўлайди.

28. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур Низомда назарда тутилган санкциялардан ташқари уларни бузган томон бошқа томонга у томонидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланишида ифодаланган амалдаги зарарларни неустойка (жарима, пеня) билан қопланмаган суммада қоплайди.

29. Неустойка (жарима, пеня) тўланиши, шунингдек мажбуриятлар зарур даражада бажарилмаганлиги учун зарарлар қопланиши томонларни шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишидан озод этмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

30. Буюртмачи пудратчининг айби билан шартномани бекор қилишга мажбур бўлган тақдирда, пудратчининг қафили (у мавжуд бўлган тақдирда) буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ объект қурилишини қурилиш тўлиқ тамом бўлгунгача давом эттириш мажбуриятини ўз

зиммасига олиши ёхуд унга берилган кафолатдан келиб чиқувчи молиявий мажбуриятларни бажариши мумкин.

Кафил ишни ўз кучлари билан тамомлаши ёки ўз хохишига кўра исталган пудратчини жалб этган ҳолда тамомлаши мумкин.

#### **IV. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни ташкил этиш**

31. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш пудратчининг лойиҳада назарда тутилган ишларнинг бутун ҳажмини, шу жумладан махсус ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш, объектни технология ва муҳандислик асбоб-ускуналари билан бутлаш бўйича мажбуриятларини назарда тутати ҳамда тайёр қурилиш маҳсулоти яратишнинг ягона узлуксиз комплекс жараёни сифатида амалга оширилади.

32. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда буюртмачи ва пудратчи қатнашчилар ҳисобланади.

33. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган янги қурилишда, ишлаб турган корхонани кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан жиҳозлашда мажбурий ҳисобланади.

34. Лойиҳаларни бошқа манбалар ҳисобига амалга оширишда объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш томонларнинг келишуви бўйича ёки танлов савдолари шартларига қараб қўлланилиши мумкин.

35. Фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш учун пудратчи субпудратчи ташкилотларни жалб этиши мумкин, уларга нисбатан пудратчи бош пудратчи ҳисобланади.

36. Қурилишни қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур бўлган материаллар, конструкциялар ва буюмлар билан, шунингдек барча намунавий асбоб-ускуналар ва аппаратлар, ностандартлаштирилган, технологик ва энергетика асбоб-ускуналари билан, шу жумладан махсус материаллар билан таъминлаш пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

37. Пудратчи шартномада белгиланган кафолатли даврда объектдан лойиҳада назарда тутилган параметрларда фойдаланилиши учун буюртмачи олдида мулкий жавоб беради.

38. Фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда объектни маблағ билан таъминлаш маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ буюртмачининг аванси (30 фоизгача), жорий маблағ билан таъминлаш (аванс бериш ҳисобга олинган ҳолда 50 фоизгача), пуд-

ратчининг ўз маблағлари ва банкнинг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

39. Пудратчи билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш буюртмачи томонидан қурилиш тамом бўлгандан ва объект фойдаланишга топширилгандан кейин амалга оширилади.

40. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари объект фойдаланишга топширилгунга қадар пудратчининг балансида бўлади ва унинг солиқ солинадиган базасига киритилмайди.

## **V. Инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлаш**

41. Инвестиция лойиҳасини марказлаштирилган манбалар ҳисобига маблағ билан таъминлаш ҳар қайси объект бўйича ажратилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасига қатъий амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати ва қурилишларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган титул рўйхати асосида амалга оширилади.

42. Белгиланган тартибда тасдиқланган қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати капитал қўйилмаларнинг тасдиқланган лимитига мувофиқ объектлар қурилишининг аниқ рўйхатида назарда тутилган қурилиш учун банкларнинг кредитларини жалб этишда пудратчи учун асос бўлиб ҳисобланади.

43. Ажратилган маблағлардан буюртмачи томонидан қурилишларнинг титул рўйхатида назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

44. Маблағ билан таъминлашни очиш учун буюртмачи томонидан хизмат кўрсатувчи банкка қўйидагилар тақдим этилади:

қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати);

қурилишнинг титул рўйхати;

буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

пудрат ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан шартномаси нусхаси;

қурилиш-монтаж ишларини бажаришга «Давархитектқурилиш» кўмитасининг рухсати.

45. Буюртмачи ва пудрат ташкилоти ўртасида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тузилган шартномада ва

унга илова қилинадиган маблағ билан таъминлаш жадвалида қўйидагилар ҳисобга олиниши зарур:

а) қурилиши янгидан бошланаётган тайёр ҳолда фойдаланишга топшириладиган объектларни қуришда:

қурилишнинг дастлабки икки ойи мобайнида аванс тўловлари танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган ишлар қийматининг 30 фоизгача миқдорда тенг улушларда ажратилиши;

жам бўлган ҳолда аванс тўлови ҳам ҳисобланадиган аванс беришни ҳисобга олган ҳолда объект қийматининг 50 фоизгача миқдорда жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

Қолган 50 фоизни жорий молиялаштириш пудратчи томонидан ўз айланма маблағларидан ва (ёки) жалб этилган маблағлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Қолган 50 фоизни пудратчига йўллаш буюртмачи томонидан объект қурилиши тугаллангандан кейин тузилган шартномага мувофиқ икки босқичда:

объект қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилиб олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида — камида 45 фоиз миқдорда;

шартномада қайд этилган кафолат муддати тамом бўлгач — молиявий йил тамом бўлишидан кечикмай 5 фоизгача миқдорда тўланади;

б) объектларни шартнома асосида қуришда (2002 йилга ўтувчи объектлар, объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ҳолларидан ташқари): жорий ойма-ой молиялаштириш ишларнинг амалда бажарилишидан келиб чиқиб 5 фоиз миқдордаги қолган қисмини шартномада қайд этилган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, бироқ молиявий йил тамом бўлишидан кечикмай тўлаган ҳолда объект қийматининг камида 95 фоизи миқдорда амалга оширилади.

46. Тасдиқланадиган лимитлар доирасида алоҳида объектларни маблағ билан таъминлаш Йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган алоҳида схемалар бўйича амалга оширилиши мумкин.

47. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини кредитлашда қўйидагилар тижорат банкининг кредит ресурслари манбалари ҳисобланади:

тасдиқланган Инвестиция дастури бўйича капитал қўйилмаларни молиялаштириш лимити доирасида марказлаштирилган



манбалардан маблағларнинг (аванс тўлангандан ва 50 фоиз миқдорда жорий молиялаштирилгандан кейин) пудрат қурилиш ташкилотининг асосий депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи бош банкка вақтинчалик асосида ойма-ой бериладиган қолган қисми;

хизмат кўрсатувчи банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинадиган маблағлари.

48. Маблағ билан таъминловчи органга буюртмачи томонидан қуйидагилар тақдим этилади:

қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати (лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ мўлжалли рўйхати);

қурилишнинг титул рўйхати;

буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузилган шартнома нусхаси;

қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан пудрат ташкилоти томонидан тузилган шартнома нусхаси ва танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачининг ҳисоботи;

ҳар қайси инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун очилган молиялаштиришнинг ҳар бир ҳисоб рақами бўйича банк рекевизитлари тўғрисидаги маълумотлар.

49. Маблағ билан таъминловчи орган буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ушбу Низомда назарда тутилган тартибда инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлашни амалга оширади.

50. Хизмат кўрсатувчи банк билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун буюртмачига ҳар қайси қурилиш объекти бўйича «талаб қилиб олиннадиган» алоҳида иккиламчи депозит ҳисоб рақамлари (кейинги ўринларда молиялаштириш ҳисоб рақамлари деб аталади) очилади. Молиялаштириш ҳисоб рақамларидан буюртмачи таъминоти бўйича харажатларга маблағ тўланишига йўл қўйилмайди.

51. Буюртмачи таъминотига харажатлар ҳар ойда, алоҳида депозит ҳисоб рақамидан белгиланган тартибда тасдиқланган ва молиялаштирувчи органлар томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

52. Пудрат ташкилотларининг танлов савдоларида иштирокини таъминлаш учун тижорат банклари томонидан, агар уларнинг ўз айланма маблағлари объект бўйича ишлар қийматининг 20 фоизидан камни ташкил этган тақдирда, қурилиш давомида айланма маблағларнинг етишмаётган қисмини белгиланган

миқдоргача тўлдириш учун кредит ажратиш тўғрисида кафилик берилиши мумкин.

53. Танлов савдолари пудрат ташкилоти томонидан ютиб чиқилган тақдирда унга кафолат берган тижорат банклари ушбу ташкилотларга қурилишнинг бутун даврида уларни айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида объектни ишга тушириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш учун объект қийматининг 20 фоизгача бўлган миқдорда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит беради.

Пудрат ташкилотига кредит бериш учун банк томонидан буюртмачини молиялаштириш ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси асосида қурилишнинг ҳар бир объектига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очилади.

54. Кредит ва фоиз ставкалари миқдорлари, кредитни қайтариш ва у бўйича фоизлар тўлаш муддатлари ва тартиби банк билан пудрат ташкилоти ўртасида тузилган кредит шартномасида белгиланади.

55. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан молиялаштириш ҳисоб рақамидан пул маблағларини ўтказиш буюртмачи томонидан тўлов топшириғи тақдим этилгандан кейинги кун бошланишидан кечикмай амалга оширилади.

56. Хизмат кўрсатувчи банк қонун ҳужжатларига мувофиқ маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб беради.

57. Буюртмачи тўлов топшириқлари қурилишнинг титул рўйхатига қатъий мувофиқ бўлиши учун жавоб беради.

58. Тўлов топшириқномасига бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги «маълумотнома — счёта-фактура» илова қилинади.

Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда жорий маблағ билан таъминлаш ишларни бажариш ва маблағ билан таъминлаш жадвалларига мувофиқ амалга оширилади.

59. Аванс тўлови пудрат ташкилотининг хизмат кўрсатувчи банкдаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

60. Молиялаштириш ҳисоб рақамидан қурилишнинг титул рўйхатига ва унда кўрсатилган капитал қўйилмалардан фойдаланиш йўналишларига мувофиқ бўлмаган тўловларни амалга ошириш тақиқланади.

61. Жорий маблағ билан таъминлаш маблағ билан таъминловчи орган томонидан амалда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ҳисобга олинган ҳолда ҳар ойда 20-кундан кечикмай амалга оширилади.

## **VI. Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

62. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш қатнашчилари ўртасидаги ҳисоб-китоблар улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

63. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай, буюртмачилар томонидан молия органига мазкур Низомга мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга белгиланган шакл бўйича марказлаштирилган капитал қўйилмалардан фойдаланилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этилади.

64. Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда буюртмачи томонидан молия органига маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ қийматининг 50 фоизи доирасида объект қурилишига аванс бериш ва жорий маблағ билан таъминлаш учун маблағ ажратишга буюртманома тақдим этилади.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга оширилаётган капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш схемаси илова қилинади.

Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомага  
ИЛОВА

## Марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган капитал қурилишни молиялаштириш ва кредитлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Талбирлар	Муддатлари	Масъуллар
1-босқич	Тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ буюртмачилар қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини, келгуси йиллар лойиҳалаш ишларининг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибда келишиб оладилар ва тасдиқлайдилар	10 январгача	Буюртмачилар, пудратчилар
2-босқич	Хизмат кўрсатувчи банкда молиялаштириш бошланади	январь	Буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи банклар
3-босқич	Йилнинг дастлабки икки ойида тенг улушларда ишлар қийматининг 30 фоизигача миқдорда аванс ажратилади	январь-февраль	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи банклар
4-босқич	Объект молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалларига мувофиқ берилган аванс ҳисобга олинган ҳолда объект қийматининг 50 фоизига миқдорда жорий молиялаштирилади	молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалларига мувофиқ	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи банклар
5-босқич	Пудратчи томондан қурилиш объекти қийматининг қолган 50 фоизини молиялаштириш учун хизмат кўрсатувчи банкда кредит расмийлаштирилади	молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалларига мувофиқ	Пудратчилар, хизмат кўрсатувчи банклар
6-босқич	Қурилиш объекти қийматининг 45 фоизи миқдорда ҳақ тўланади	объект қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи банклар
7-босқич	Қурилиш объекти қийматининг 5 фоизи миқдорда ҳақ тўланади	кафолатли муддат тугатилган кейин	Молиялаштирувчи органлар, буюртмачилар, хизмат кўрсатувчи банклар

**Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир  
НАМУНАВИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

№ \_\_\_\_\_ 200\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган \_\_\_\_\_

(буюртмачининг номи)

номидан \_\_\_\_\_ асосида иш қурувчи

(устав, низом, ишончнома)

\_\_\_\_\_ бир томондан ва

(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган \_\_\_\_\_

(юридик шахснинг номи)

номидан \_\_\_\_\_

(устав, низом, ишончнома)

асосида иш қурувчи \_\_\_\_\_

(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

иккинчи томондан \_\_\_\_\_

(объектнинг номи)

объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## **I. Тарифлар**

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни

бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** — Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** — ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига \_\_\_\_\_

(лойиханинг номи)

лойихада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда \_\_\_\_\_ни ташкил этади.

(сумма ёзув билан)

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик

қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга \_\_\_\_\_иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

\_\_\_\_\_иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қуриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

## **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_\_-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда — томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда — шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.



12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қури-лишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан \_\_\_\_\_ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жад-валига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улуш-ларга (ойига 15 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказади, бу \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади ( -илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати тек-ширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фои-зигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида — ишлар қийматининг камида 45 фоизи миқдорида;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин — ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдори-да, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодикий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчи-нинг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар ки-ритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш

хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини — техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукукига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишнадзорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёриги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишнадзорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Бу-

юртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

**36.** Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузати олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

**37.** Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

**38.** Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. Ишларни кўриқлаш**

**39.** Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудуд

дида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **Х. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **ХI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи

Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига йлланади.

## **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутлончи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида \_\_\_ ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида \_\_\_ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюр-

тмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган ка-  
фолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолат-  
номани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, улар-  
ни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари  
томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала  
бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши  
Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томо-  
нидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муд-  
дати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпай-  
ган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига  
риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрла-  
ри ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайи-  
шига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шарт-  
номанинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаб-  
ларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхта-  
тиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарил-  
маганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шарт-  
номанинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг  
қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда  
Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийма-  
тини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон  
мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билди-  
ришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккин-  
чи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фой-  
дани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл

қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармагин ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фиолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқичи жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганилиги, ўз вақтида молиялаштирмаганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганилиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг \_\_\_фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг \_\_\_фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг \_\_\_фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг \_\_\_фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг \_\_\_фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.



62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг \_\_\_\_\_ фойизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## **XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган \_\_\_\_\_ нусхада тузилди.

## **XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

**Буюртмачи:**

**Пудратчи:**

М.Ў.

(имзо)

М.Ў.

(имзо)

Юридик хизмат ёки жалб қилинган адвокат хулосаси:  
Пудрат шартномасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

1. Буюртмачи ва Пудратчининг кафиллиги.
2. Ишларни (босқичларга бўлган ҳолда) молиялаштириш жадвали.
3. Ишларни бажариш ва асбоб-ускуналарни ўрнатиш жадвали.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Инвестиция дастури (кейинги ўринларда Дастир деб аталади) республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини

ни амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

### 3. Дастур:

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради;

лойиҳа-қидирув ишларидан бошлаб мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишга босқичларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили Дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.

4. Қуйидагилар Дастурни шакллантиришнинг асосий принциплари ҳисобланади:

инвестиция жараёнларини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан зарур ҳажмларда, мақбул шартларда хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш, шунингдек лойиҳаларни танлаб олишнинг амалий механизмини шакллантириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш асосида улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқларни, ишлаб чиқаришларни ва фаолият соҳаларини қўллаб-қувватлаш;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги) аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишни, истеъмол талабини фаоллаштиришни таъминловчи ҳажмларда биринчи навбатда инвестициялаш;

минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни, тайёр маҳсулотни ташқи бозорда рақобатбардошли даражага етказишни таъминлашга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шу жумладан трансконтинентал транспорт йўлакларига интеграциялаш, логистика комплексларини шакллантириш;

таркибий ўзгартиришлар вазифалари ва амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига мувофиқ маблағ қўйишнинг ўзаро

манфаатлилиги асосида хорижий сармояларни жалб қилиш, томонларнинг инвестиция мажбуриятлари асосида шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш;

инвестиция лойиҳаларини Дастурнинг аниқ рўйхатига олдиндан белгиланган мезонлар асосида киритиш;

илгари бошланган объектларни тугаллаш учун марказлаштирилган инвестицияларни биринчи навбатда ажратиш.

Лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг самарадорлиги, республика иқтисодиёти айрим тармоқларини ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлари, маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан экспортга йўнатирилганлик, бутловчи буюмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қатнашиш ва шу қабилар асосий мезонлар ҳисобланади.

5. Дастурда лойиҳанинг баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиш ва қурилишни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж, молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

6. Дастурни ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида, катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин (масалан: мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ва бошқалар).

7. Дастур йиғма жадваллари билан таҳлилий қисмдан, аниқ дастурдан ва устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатидан иборат бўлади.

8. Дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича барча ишларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштиради.

9. Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

## **II. Дастурнинг таҳлилий қисми**

10. Таҳлилий қисм республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган ҳолдаги капитал қўйилмалар ҳажмлари ва молиялаштириш манбаларини асослашдан, Дастур самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни танлаб олиш мезонларидан иборат бўлади.

11. Таҳлилий қисм таркибида инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш ва технологик таркибини ҳисобга олган ҳолда умуман Дастур, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари, молия-

лаштириш манбалари ва ҳудудлар, амалга ошириш йиллари бўйича капитал қўйилмалар таркиби белгиланади.

Дастурнинг ялпи ички маҳсулот ўсишига, иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий ўзгаришига, экспорт ва импорт таркибига, ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш ҳажмларига таъсирининг прогнозлаштирилаётган натижалари ҳисоб-китоб қилинади.

12. Дастурнинг барча ҳисоб-китоблари тадрижий тарзда, республикани уч йиллик даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ва инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури асосида ишлаб чиқилади.

### **III. Аниқ дастурни шакллантириш**

13. Дастурнинг аниқ рўйхатига марказлаштирилган манбалар, Ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари киритилади.

14. Аниқ рўйхат:

иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва мамлакат мудофаа қудратини таркибий ўзгартиришни таъминловчи республика иқтисодиёти устувор йўналишларини ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялар лимитларидан;

хорижий инвестициялар ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан;

устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатидан иборат бўлади.

15. Ижтимоий соҳа объектларининг прогнозлаштирилаётган ҳажмлари Дастурга йириклаштирилган, буюртмачилар ва объектлар бўйича тақсимламаган ҳолда киритилади.

16. Қуйидагилар лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи йилида уларни аниқ дастурга киритишнинг мажбурий шартлари ҳисобланади:

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг (инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослашлари, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари) мавжуд бўлиши;

молиялаштириш манбаларининг ва кредитларнинг шартномада белгиланган муддатда қайтарилишининг тасдиқланиши.

17. Аниқ дастурни шакллантириш жараёни ҳар бир лойиҳа бўйича муфассал ахборот тайёрлаш, лойиҳани устуворлиги бўйича танлаб олиш ва рўйхатни шакллантиришдан иборат бўлади.

18. Ҳар бир лойиҳа (лойиҳалар гуруҳи) бўйича ахборот бюртмачи томонидан тайёрланади ҳамда унда қуйидагилар бўлади:

белгиланган шаклдаги лойиҳа паспорти;  
лойиҳани амалга ошириш режа-жадвали;  
аниқ дастурни шакллантириш санасида лойиҳани амалга оширишнинг ҳолати тўғрисидаги муфассал ахборот.

19. Лойиҳанинг паспорти:

техник тавсифномани;  
атроф муҳитга таъсирни баҳолашни;  
ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра самарадорликни ва амалга ошириш имкониётларини баҳолашни, ташкилий тадбирларнинг кўламини;

маҳсулотга талаб ҳажми ва жусусиятини;  
ечимнинг муқобил вариантлари мавжудлигини, шу жумладан фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш йўли билан;

асосий материаллар ва ишчи кучи ресурсларининг мавжудлигини;

инвестиция харажатлари миқдорларини ўз ичига олади.

20. Аниқ лойиҳа уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигидан, унинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра амалга ошириш имкониётлари ва мақбуллигидан, тармоқни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларига мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич танлаб олинади:

биринчи босқичда — лойиҳа аниқ тармоқ ва минтақани ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан баҳоланади;

иккинчи босқичда — лойиҳа иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва минтақаларни ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинади.

21. Аниқ дастурга иқтисодий жиҳатдан самарасиз лойиҳаларни, шунингдек илгари жалб қилинган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзи бўлган корхоналар лойиҳаларини киритиш тақиқланади.

22. Қуйидагилар биринчи босқичда лойиҳанинг устуворлиги-ни белгилашнинг мезонлари ҳисобланади:

лойиҳанинг тармоқни ривожлантириш стратегиясига мувофиқлиги;

молиявий ва иқтисодий самарадорлик;

маҳаллий хом ашёдан ва бутловчи буюмлардан фойдаланиш даражаси;

тайёрланган мутахассисларнинг мавжудлиги;

лойиҳанинг амалга оширишга тайёрланганлиги даражаси;

ишга туширилгандан кейин фойдаланиш харажатлари.

23. Ҳар бир мезоннинг муҳимлиги даражаси тармоқни ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади.

24. Иккинчи босқичда уч йиллик даврда республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгартиришлар прогнозига мувофиқ қўшимча равишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

тармоқ (минтақа)нинг истиқболдаги прогноз ўсиш суръатлари;

экспорт салоҳиятининг прогноз ўсиш суръатлари;

тармоқнинг умуман республика бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирининг ўзгариши;

таркибий омиллар;

илгари қўйилган инвестициялар самарадорлиги;

асосий фондлар аҳволи ва қувватлардан фойдаланиш даражаси;

лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти.

25. Икки босқичда танлаб олиш натижаларига кўра Дастурга киритиладиган объектларнинг аниқ дастури шакллантирилади.

26. Дастурни ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг биринчи йили кўрсаткичлари мавжуд молиявий ресурслар ва бошқа ресурслар билан ўзаро боғланган бўлиши керак ҳамда биринчи молиявий йилда ўзгартирилмайди.

27. Дастурни ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг иккинчи ва кейинги йиллари кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштирилиши керак, бунда бошланмаган лойиҳаларнинг бир қисми янги лойиҳаларга алмаштирилиши мумкин.

#### **IV. Устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатини шакллантириш**

28. Йиғма рўйхатга вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар ҳокимликлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларнинг устувор инвестиция таклифлари киритилади.

## **V. Қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини шакллантириш**

29. Буюртмачилар тасдиқланган Инвестиция дастури асосида ваколатли банкларда молиялаштиришни расмийлаштириш учун ҳар йили қурилишларнинг аниқ рўйхатини ва Дастурни амалга оширишнинг иккинчи ва учинчи йилларига киритилган объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхатини аниқлаштирадilar.

Марказлаштирилган манбалар ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда инвесторлар (буюртмачилар) томонидан тасдиқланади.

30. Бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари инвесторлар (буюртмачилар) томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

31. Кредит ресурсларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг аниқ рўйхатлари тегишли кредит шартномаси ёки кредитловчи банкнинг ёзма розилиги мавжуд бўлганда тасдиқланади.

32. Қурилишларнинг аниқ рўйхати биринчи йил мобайнида танлов савдолари ёки Йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мувофиқлаштириш кенгашининг алоҳида қарорлари бўйича аниқлаштирилиши мумкин.

33. Истисно ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда танлов савдолари натижаларига кўра «бошқа харажатлар» лимити ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилиш лимити аниқлаштирилишига йўл қўйилади.

34. Қурилишнинг титул рўйхати тасдиқланган лимитлар доирасида қурилишнинг бутун даврига тузилади ва Инвестиция дастури тасдиқлангандан кейин 2 ойдан кечиктирилмасдан танлов савдолари натижаларига кўра шакллантирилади.

35. Қурилишнинг титул рўйхати инвестор (буюртмачи) томонидан пудратчи билан келишган ҳолда тасдиқланади.

36. Қурилишнинг тасдиқланган титул рўйхатида капитал қўйилмалар лимитлари умуман инвестиция лойиҳасини амалга



ошириш учун назарда тутилади, бунда қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар харид қилиш, лойиҳа-қидирув ишлари харажатлари ва бошқа харажатлар (пудратчи ва буюртмачи харажатлари алоҳида кўрсатилади) қурилиш йиллари бўйича тақсимланган ҳолда ажратиб кўрсатилади.

37. Танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган қурилиш қиймати биринчи молиявий йилда харажатлар қиймати ортиши прогнозини ҳисобга олиши керак.

38. Биринчи молиявий йилда қурилишнинг титул рўйхатида лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж ишлари кўрсаткичлари аниқлаштирилишига йўл қўйилмайди.

## **VI. Инвестиция дастурини шакллантириш муддатлари**

39. Уч йиллик Дастурни шакллантириш жараёни бир йиллик циклга эга бўлади ҳамда янгиланган Дастурни ҳар йилнинг охиригача тайёрлашни таъминловчи иловага мувофиқ қатъий жадвалга таянади.

Инвестиция дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлашда буюртмачилар қуйидаги тартибга амал қилишлари керак:

Дастурни амалга оширишнинг биринчи йилига келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва молиялаштириш билан таъминланган (келгуси йилга ўтувчи ва янгидан бошланаётган) қурилишларнинг аниқ рўйхати тузилади;

Дастурни амалга оширишнинг иккинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва биринчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати ва Дастурни амалга оширишнинг биринчи йилида лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган ва тасдиқланган, биринчи йилда танлов савдоларига тайёрланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади;

Дастурни амалга оширишнинг учинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилган биринчи ва иккинчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати, лойиҳа ҳужжатлари иккинчи йилда тайёрланадиган ва тасдиқланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади.

## VII. Дастурни молиялаштириш

40. Қўйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

а) марказлаштирилган инвестициялар, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

давлат бюджети маблағлари;

давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари;

Ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар;

Ҳукумат қарорларига кўра белгиланадиган бошқа манбалар;

б) марказлаштирилмаган инвестициялар, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар маблағлари;

тижорат банкларининг, шу жумладан хорижий тижорат банкларнинг кредитлари;

жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий жисмоний шахслар маблағлари;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

41. Марказлаштирилган инвестициялар республика халқ хўжалигини таркибий қайта қуришни, республиканинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришни, амалга ошириш молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобига мумкин бўлмаган ижтимоий муаммоларни ва бошқа муаммоларни ҳал этишни таъминловчи республика иқтисодиётининг устувор йўналишларида асосий фондларни яратиш ва кўпайтириш учун фойдаланилади.

42. Марказлаштирилган инвестициялар фақат:

республика иқтисодиётининг устувор йўналишларида давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун уй-жой қурилишига;

сув хўжалиги қурилишига;

аҳоли яшайдиган жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга;

фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига;

давлат бошқаруви органлари, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;

умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилишига ажратилади.

### **VIII. Дастурнинг амалга оширилиши мониторинги**

43. Дастурнинг амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

44. Дастурининг давлат мониторинги:

инвестиция лойиҳаларини, ва биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялардан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;

лойиҳаларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган параметрларига (техник-иқтисодий асослашлар, техник-иқтисодий ҳисобкитоблар), танлов савдолари (тендерлар) шартларига риоя қилиш;

амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ахборот базасини шакллантириш;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда пайдо бўладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш;

инвестиция иқлимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

45. Мониторинг ҳар ойда статистика ҳисоботи ва сўров йўли билан Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалга оширилади.

46. Мониторинг натижалари Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳар чораклик ахборотларни тайёрлашда ҳамда навбатдаги уч йиллик даврга Дастурни шакллантиришда фойдаланилади.

## Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Муддатлари	Масъуллар
1-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги уч йиллик даврга Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритиш учун таклифларни тайёрлашга онд методик кўрсатмаларни тармоқ вазирликлари ва идоралари,	апрель	Иқтисодиёт вазирлиги
2-босқич	Буюрмачилар лойиҳалар бўйича дастлабки ахборотни тайёрлайди, уларни уч йиллик даврда амалга ошириш учун танлаб оладилар ва таклифларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этадилар	май—июнь	Буюртмачилар
3-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги таклифларни кўриб чиқади ва ўртача муддатли даврда аниқ тармоқни ривожлантириш устуворликларига мувофиқ лойиҳаларни танлаб олади	июнь—июль	Иқтисодиёт вазирлигининг тармоқ бўлимлари
4-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Давархитектурилиш» кўмитаси ва ваколатли банklar билан биргаликда Инвестиция дастурига киритиладиган лойиҳаларни узил-кесил танлаб олади	август—сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Давархитектурилиш» кўмитаси, ваколатли банklar
5-босқич	Инвестиция дастурининг лойиҳаси Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Бирлашган хайфат томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарорига кўра ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари билан келишиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига тақдим этилади	сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Бирлашган хайфат, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари
6-босқич	Инвестиция дастурининг лойиҳасига Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг таклифлари ҳисобга олинган ҳолда тузатиш киритилади	сентябрь—октябрь	Иқтисодиёт вазирлиги
7-босқич	Инвестиция дастурининг лойиҳаси тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади	октябрь	Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментги

Босқичлар	Тадбирлар		Мулдаглари	Масъуллар
8-босқич	Инвестиция дастурини амалга оширишнинг биринчи йилига киритиладиган янгидан бошланадиган объектлар буйича танлов савдолари ўтказилади	биринчи йилига танлов	октябрь—ноябрь	«Давархитектуралиш» қўмитаси, бунёдмачилар
9-босқич	Тасдиқланган Инвестиция дастурига ва ўтказилган танлов савдоларига мувофиқ белгиланган тартибда шартномалар тузилади, курилишларнинг аниқ ва титул рўйхатлари, келгуси йиллар лойиҳалаш ишларининг аниқ рўйхатлари тасдиқланади	танлов савдоларига	декабрь	Бунёдмачилар, пудратчилар

## **Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизмати тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизмати (кейинги ўринларда Буюртмачи хизмати деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикасининг айрим вазирликлари ва идоралари томонидан ташкил этилади.

Буюртмачи хизмати марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуриладиган объектлар қурилишини бошқариш ва техник кузатув функцияларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилади.

Минтақа ҳудудида ёки вазирликлар ва идоралар таркибига марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишини амалга оширувчи параллел иш кўрувчи буюртмачи хизматлари ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

2. Буюртмачи хизмати функциялари буюртмачиларнинг минтақаларда фаолият кўрсатаётган бюджетдан таъминланувчи хизматларини (КҚББ, КҚБ, КҚБ ва бошқалар) ягона орган тарзида бирлаштириш негизида юридик шахс сифатида ташкил этиладиган инжиниринг компаниялари (кейинги ўринларда Компания деб аталади) амалга оширилади.

3. Компания объектларнинг, пудратчилар билан танлов савдолари натижаларига кўра ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган шартномалар асосида бошқа объектларнинг фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини таъминлайдилар.

4. Компания тузилган шартномаларга мувофиқ ўз ваколатига қирувчи масалалар бўйича инвестиция жараёни қатнашчилари ишини мувофиқлаштиради.

5. Компания ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, юқори турувчи органнинг қарорларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

6. Компания Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасви-

ри туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, белгиланган намунадаги штамплар ва бланкаларга эга бўлади.

7. Компания тўғрисидаги низом (унинг устави) уни ташкил этган органнинг қарори билан тасдиқланади.

## **II. Буюртмачи хизматининг асосий вазифалари**

8. Қуйидагилар Буюртмачи хизмати (Компания)нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳа объектларини мўлжалланган муддатларда фойдаланишга топшириш прогнозининг бажарилишини таъминлаш;

лойиҳа ечимларининг самарадорлигини таъминлаш, архитектура ва шаҳарсозлик даражаси талабларига риоя қилиш;

капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш, инвестиция цикли муддатларини қисқартириш.

## **III. Буюртмачи хизматининг асосий функциялари**

9. Юкланган вазифаларга мувофиқ Буюртмачи хизмати (Компания) қуйидаги функцияларни бажаради:

а) прогнозлаштириш соҳасида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларнинг топшириғига кўра уч йиллик даврда республика Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг параметрларини аниқлаштириш ҳамда кейинчалик белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этиш учун янги лойиҳаларни киритиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

тасдиқланган инвестиция дастурлари ва марказлаштирилган манбаларнинг ажратилган лимитлари асосида кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишиш учун қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати лойиҳасини тайёрлайди;

пудратчи билан келишган ҳолда қурилишнинг титул рўйхатини тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, вазирликлар ва идораларга киритади;

инвестиция лойиҳалари жойлаштириладиган туманларда муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш (йўллар, канализация, иссиқлик, электр, газ, сув таъминоти, телефонлаштириш, радиоллаштириш ва бошқалар) масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда иштирок этади;

б) лойиҳалаштириш соҳасида:

лойиҳани ишлаб чиқиш учун бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни ва танлов ҳужжатларини тайёрлайди, «лойиҳа» босқичида лойиҳалаштириш бўйича ишларга буюртма танлов асоҳида жойлаштирилишини ташкил этади;

лойиҳалаштиришга топшириқ беради;

танлов савдоси қолиби билан шартнома тузади ва ҳамда лойиҳани лойиҳа ҳужжатларини бериш ишларининг календарь жадвалини келишади;

тегишли ташкилотлар билан экспериментал, илмий-текшириш, археология ишлари ва бошқа ишларни бажаришга шартномалар тузади;

бажарувчилар томонидан шартнома мажбуриятларига риоя этилишини назорат қилади;

лойиҳа ва танлов ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини, келишилишини, тасдиқланишини, шунингдек экспертизанинг ваколатли органлари ҳулосалари ҳамда пудрат ташкилотларининг мулоҳазалари бўйича тегишли ҳужжатларга тузатиш ва қўшимчалар киритилишини ташкил этади;

в) қурилиш майдонини тайёрлаш бўйича:

қурилиш учун майдон танлаш ва ажратиш бўйича комиссиялар ишида иштирок этади;

қурилиш учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиради ва белгиланган муддатларда белгиланган тартибда пудратчиларга беради, тегишли органлар ва фойдаланиш хизматларининг рухсатномалари;

электр узатишларнинг ҳаводаги линиялари ва алоқа линиялари ҳудудида, темир йўллар поласасида, қурилиш майдонида жойлашган ер ости коммуникация тармоқлари (кабель, газ қувурлари, канализация тармоқлари ва бошқалар) ўтадиган жойларда ишларни бажариш;

қурилиш даврида шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида ўз газ, сув, буғ ва электр таъминоти бўлмаган тақдирда қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ мавжуд манбалардан олинган электр энергияси, газ, сув ва буғдан фойдаланиш;

ўрмонни кесиш ва дарахтлар ўтқозиш, зарур ҳолларда эса дарахтларни кесишга пудрат қурилиш ташкилотларига рухсат бериш;

объект қурилиши ҳудудидаги бузилиши, бошқа жойга қўчирилиши ёки реконструкция қилиниши керак бўлган уйларда яшовчи фуқароларни қўчиради;



фуқароларга зарурат бўлганда амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган объектнинг умумий қиймати доирасида олиб қўйиладиган мева, резавор мева дарахтлари ва экинлар қийматини, шунингдек фуқароларга хусусий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган бузилиши керак бўлган турар жойлар ва иморатлар қийматини қоплайди;

давлат ташкилотларига, хусусий ташкилотларга ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган бузиладиган бинолар ва иншоотларнинг қолдиқ баланс қиймати ҳисоб-китобини, шунингдек унинг объект қурилиши лойиҳасига киритилиши асослигини текширади;

бузиладиган иморатлар, иншоотлардан чиқадиган қайтариладиган материаллар, шунингдек қўшимча равишда қазишда олинadиган материаллар сотилишини таъминлайди;

қурилиш учун геодезик ажратиш асоси барпо этади;

объектларни Давлат архитектура-қурилиш назорати органларида рўйхатдан ўтказди, шунингдек пудрат ташкилотларида фаолият турига ва ишларни бажаришга лицензиялар, муаллифлик ва техник назорат борлигини текширади ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома олади.

г) қурилиш, молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот соҳасида:

объектни лойиҳалаштириш ва фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ишлари (хизматлари) ижрочиларини танлаш бўйича танлов савдоларини ташкил этади ва ўтказди;

лойиҳалаштиришга ва пудрат ишларига лойиҳа ва пудрат ташкилотлари, танлов савдоларининг ғолиблари билан белгиланган тартибда шартномалар тузади;

лойиҳа бошқарилишини ва объектлар қурилиши техник кузатилишини таъминлайди;

танлов асосида белгиланган ёки белгиланган тартибда аниқланган келишилган шартномавий нарх асосида қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини тузиш ва аниқлаштириш учун таклифлар киритади;

ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлар шартномага мувофиқ муддатидан олдин ишга туширилганда пудратчига берилadиган мукофот суммасини белгилайди;

молиялаштиришнинг келишилган жадвалини ҳисобга олган, бунинг учун зарур бўлган барча ҳужжатларни молиялаштирувчи банкка тақдим этган ҳолда лойиҳалаш ишлари ва объектлар қурилиши ўз вақтида очилиши ва жорий молиялаштирилишини таъминлайди;

бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини юритади, тасдиқланган шаклларга мувофиқ фаолият турлари бўйича ҳисоботларни белгиланган тартибда тегишли органларга тақдим этади ҳамда уларни ишончлилиги учун жавоб беради;

қурилишда банд бўлган пудрат, лойиҳа-қидирув ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловга тақдим этилган маълумотнома-счёт-фактураларини текширади;

бажарилган ишларга белгиланган тартибда ҳақ тўлайди (бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати тўғрисида имзоланган маълумотнома-счёт-фактуралар асосида), шунингдек қурилиши тугалланган объект бўйича узил-кесил ҳисоб-китоб қилади;

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ва зарур даражада бажарилмаганлиги учун пудрат, лойиҳа-қидирув ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга неустойка (жарима, пеня) тўлаш тўғрисидаги даъволарни ўз вақтида тақдим этади;

объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда ишларни бажариш ва объект қурилишини молиялаштириш жадвалларига мувофиқ пудратчига аванс беради ва уни жорий молиялаштиради;

объект қурилишини кузатиб боради ва техник назорат қилади;

д) қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш соҳасида:

қурилиш нормалари ва қоидаларига, бошқа амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олади, шу жумладан:

қурилиши тугалланган объектлар бўйича давлат қабул қилиш комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этади (пудрат ташкилотлар билан биргаликда);

фойдаланишга қабул қилинган объектларни, ижро ҳужжатларини, ишчи ва давлат комиссиясининг қабул қилиш далолатномаларини барча иловалар билан биргаликда фойдаланувчи органлар балансига беради;

норматив ҳужжатлар талаблари бузилган ва лойиҳа ҳужжатлари ечимидан четга чиққан ҳолда қурилган объектлар фойдаланишга қабул қилиб олинганлиги учун жавоб беради.

#### **IV. Буюртмачи хизматининг ҳуқуқлари**

10. Буюртмачи хизмати (Компания) қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича мулкчиликнинг барча

шаклларидаги юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, ўзи қарори билан ташкил этилган вазирликлар ва идораларнинг манфаатларини ифодалаш;

ўзини ташкил этган органнинг топшириғига кўра янгидан бошланаётган қурилишлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш;

ўзига белгиланган тартибда берилган мол-мулкдан фойдаланиш;

пудрат ишлари бозорида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш; объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) шартномалар тузиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

ўзига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ ишларни бажариш учун белгиланган тартибда мутахассисларни жалб этиш.

Компания ўз функцияларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

11. Компания ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ жавоб беради;

12. Компания ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради, унга амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин.

13. Компанияни ташкил этган орган мажбуриятларнинг таъминланиши учун унга Компания томонидан қабул қилинадиган шартнома мажбуриятларига тенг бўлган гаровга қўйиладиган мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқларни бериши мумкин.

## **V. Хўжалик фаолияти асослари**

14. Компания юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка эгалик қилади, мустақил баланс юритади.

Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини молиялаштириш учун Компания хизмат кўрсатувчи банкда марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуриладиган ҳар бир объект бўйича алоҳида депозит ҳисоб рақамлари очади.

Ўз ходимлари билан ҳисоб-китоб қилиш ва жорий таъминот бошқа харажатларига ҳақ тўлаш учун Компания ҳисоб рақами очади.

15. Компания таъминоти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланган ҳамда белги-ланган тартибда молия органида рўйхатдан ўтказилган харажат-лар сметасига мувофиқ унга ажратилган давлат капитал қўйил-малари ҳисобига амалга оширилади.

16. Компанияга бириктирилган мол-мулк давлат мулки ҳисоб-ланади.

17. Компаниянинг тузилмаси ва штатлар жадвали, лавозим маошлари схемаси, меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар то-монидан тасдиқланади ва жойлашган жойидаги молия органида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Компания таъминотига харажатлар объектлар қурилиши қий-матига киритилади.

## **VI. Компанияни бошқариш**

18. Компанияни бошқариш Компания унинг қарори билан ташкил этилган тегишли органнинг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор томо-нидан амалга оширилади.

19. Вазифаларни тақсимлаш ва ходимлар ўртасида ўзаро бир-бирининг ўрнини босиш тартиби Компания директори томони-дан амалга оширилади.

20. Компания директори:

Компания фаолиятига раҳбарлик қилади ва Компанияга юк-ланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли ташкилотлар (корхоналар), шу жумладан хорижий ташкилотлар билан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш юзасидан шарт-номалар тузади;

Компания номидан иш олиб боради ҳамда юридик ва жисмо-ний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахс-лар билан ўзаро муносабатларда уни ифодалайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўла-ди.

21. Пул ва мулкий тусдаги барча ҳужжатлар Компания ди-ректори ёки унинг ўринбосарларидан бири, бош бухгалтер ёки директор ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ишончнома

билан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади, муҳр билан тасдиқланади.

### **VII. Ҳисоб, ҳисобот ва Компания фаолиятини назорат қилиш**

22. Компания давлат бюджет ташкилотлари учун белгиланган қоидалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни амалга оширади.

23. Компаниянинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш, текшириш ёки тафтиш қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли назорат органлари томонидан амалга оширилади.

### **VIII. Компанияни қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш**

24. Компания қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади.

25. Компания белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилган пайдан бошлаб тугатилган деб ҳисобланади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

[Кўчирма]

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 17-18-сон, 148-модда; 2006 йил, 1-сон, 2-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш, шунингдек тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**  
**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 16 сентябрь,  
401-сон

---

\* 2003 йил 16 сентябрдан кучга кирган.

**Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши  
тугалланмаган объектларни консервация қилиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланишни ва уларни қуришни қайтадан бошлаш, шунингдек тўхтаб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Тартибда қабул қилинган асосий атамалар:

**консервация** — асосий воситалар ёки қурилиши тугалланмаган объектларнинг тегишли қарор билан белгиланадиган даврда сақланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, бу давр тамом бўлгач улардан фойдаланилиши ёки қурилиш давом эттирилиши керак;

**қайтадан бошлаш** — консервация қилинган асосий воситаларни фойдаланишга топшириш ёки консервация қилинган объектлар қурилишини тугаллаш ишлари бошланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

**тугалланмаган қурилиш** — қурилиши тугалланмаган объектда сарфланган амалдаги харажатлар;

**дастлабки қиймат** — асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қурилишни охирига етказиш) ёки сотиб олиш учун амалдаги харажатлар қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек келтириш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш харажатлари ҳамда активлардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уларни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа харажатлар;

**қолдиқ қиймат** — жамланган амортизация суммаси чиқариб ташланган ҳолда асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати, улар бўйича актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилади.

## II. Консервация

### 3. Қуйидагилар консервация қилиниши мумкин:

қурилиши тугалланмаган объектлар капитал маблағ билан таъминланмаган ёки уларнинг қурилишини давом эттириш учун бундан кейин маблағ қўйиш вақтинча ёки узил-кесил мақсадга мувофиқ эмаслиги асосланганда — қурилиш тиклангунгача бўлган ёки объект янги мулкдорга сотилгунгача бўлган даврда;

асосий воситалар — уларнинг техник даражаси замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланганда ёки 3 ой мобайнида улардан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш зарурати бўлмаганда — уларга бўлган талаб тиклангунгача ёки янги мулкдорга сотиш даврида, бироқ 24 ойдан ортиқ эмас.

4. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни консервация қилиш тўғрисидаги қарор аниқ муддат белгиланган ҳолда:

а) табиий монополиячиларга;

замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра олиб борилаётган корхоналарга;

қайта ташкил этилаётган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаси қўлланилган корхоналарга нисбатан қайта ташкил этиш ёки банкротлик тартиб-қоидасини амалга ошириш даврида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилган объектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

б) ўзларига қарашли корхоналар бўйича — вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари);

в) мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилмаган корхоналар бўйича — мол-мулк эгаси томонидан қабул қилинади.

5. Тугалланмаган қурилишни консервация қилиш тўғрисидаги қарор:

а) қурилиши:

марказлаштирилган манбалар ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига мувофиқ, шунингдек Ўзбекис-



тон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги кредитлар ҳисобига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган техник-иқтисодий асослашлар асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича;

қайта ташкил этилаётган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаси қўлланилган корхоналарга нисбатан қайта ташкил этиш ёки банкротлик тартиб-қоидасини амалга ошириш даврида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилган объектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

б) қурилиши:

тармоқ ёки минтақавий дастурлар асосида идоравий мансуб давлат корхоналари ва бюджетдан ташқари манбалар маблағлари ҳисобига;

уларга қарашли корхоналар томонидан олиб борилаётган объектлар бўйича (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилганлардан ташқари) — вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан;

в) мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилмаган объектлар бўйича — мол-мулк эгаси томонидан қабул қилинади.

6. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисидаги таклиф тегишли асослашлар билан биргаликда мазкур Низомнинг 4-банди «а» ва «б» кичик бандларига ҳамда 5-бандининг «а» ва «б» кичик бандларига мувофиқ:

а) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва маблағ билан таъминловчи банклар билан келишган ҳолда вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан;

қурилиши тугалланмаган объектлар ёки қайта ташкил этилаётган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаси қўлланилган корхоналар бўйича Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ҳудудий органлари хулосалари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан

чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига;

б) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва маблағ билан таъминловчи банк билан келишган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан — вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритилади.

7. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисидаги асословчи ҳужжатлар билан бирга келишиш учун киритилган илтимоснома ваколатли органлар томонидан улар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда кўриб чиқилади.

Келишишга киритилган таклифга консервация қилиш зарурлигини асословчи ҳужжатлар (ҳисоб-китоблар), асосий воситалар ва/ёки ишга тушириш муддатлари тамом бўлган тугалланмаган қурилиш объектлари ва улар бўйича эскириш тўлиқ ўтказилган асосий воситалар ажратиб кўрсатилган ҳолда консервация қилиниши керак бўлган тугалланмаган қурилиш объектлари рўйхати илова қилинади.

8. Белгиланган тартибда киритилган фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисидаги таклифлар бўйича қарор ваколатли орган томонидан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

9. Фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисидаги қарорда уларни консервация қилиш сабаблари, қурилиш ёки асосий воситалардан фойдаланиш тўхтатилган муддат белгиланганлиги кўрсатилиши ҳамда консервация қилиш бўйича ишларни амалга ошириш ва пудрат ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун маблағ ажратилиши назарда тутилиши керак.

Консервация муддати консервация тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан ҳисобланади.

10. Ваколатли орган томонидан қабул қилинган консервация тўғрисидаги қарор асосида буюртмачи ёки корхона раҳбари бир ҳафта муддатда фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисида фармойиш (буйруқ) чиқаради, унда:

консервация қилиш ишларини амалга ошириш ҳамда асосий воситалар, асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар

сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш муддати;

ушбу объектлар, асосий воситалар, асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар сақланиши учун масъул бўлган ташкилот ва шахслар белгиланади.

11. Консервация қилиш тўғрисидаги фармойиш (буйруқ) асосида буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бир ой муддатда қуйидагилар тузилади:

қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича — пудратчи билан биргаликда консервация қилиш тўғрисида далолатнома, унда консервация санасида объектларда бажарилган иш ҳажмларининг шартномавий қиймати кўрсатилади, консервация қилинадиган ва бошқа объектлар қурилишига бериш ёки сотиш керак бўлган монтаж қилинмаган асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар ведомости илова қилинади (мазкур Низомга 1-илова);

асосий воситалар бўйича — консервация қилиш тўғрисида далолатнома, унда консервация қилиш санасига асосий воситаларнинг дастлабки ва қолдиқ қиймати кўрсатилади, консервация қилинадиган ва бошқа корхоналарга бериш ёки сотиш керак бўлган монтаж қилинмаган асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар ведомости илова қилинади (мазкур Низомга 2-илова). Далолатнома ва ведомостлар мустақил аудиторлик ташкилоти билан биргаликда тузилади;

консервация қилинган қурилиши тугалланмаган объектлар ёки асосий воситалар, уларнинг конструкция элементлари, монтаж қилинмаган асбоб-ускуналари ва фойдаланилмаган материаллари сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган ишлар ва харажатлар рўйхати (мазкур Низомга 3-илова). Қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича рўйхат лойиҳалаш ташкилоти иштирокида, асосий воситалар бўйича эса — лойиҳалаш ва консалтинг ташкилоти билан биргаликда тузилади.

12. Мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ишлар ва харажатлар рўйхати асосида лойиҳалаш ташкилоти томонидан тегишли равишда буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект — асосий воситалар мулкдори (эгаси)нинг топшириғига кўра буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект томонидан тасдиқланадиган қурилиши тугалланмаган объектларни ва асосий воситалар сақланишини таъминлаш тадбирлари билан биргаликда уларни консервация қилишга ҳужжатлар тузилади.

13. Буюртмачи қурилиши тугалланмаган объектларни кон-

сервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 ой муддатда пудрат ташкилоти билан консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунгача бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари учун ҳисоб-китоб қилади, аванс бўйича ҳисоб-китоблар ҳам шу жумлага киради, асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар етказиб бериш учун тузилган шартномалар бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши муносабати билан пудрат ташкилоти кўрган зарарни ҳамда моддий-техника бойликларини бошқа объектларга ташиш билан боғлиқ харажатларни қоплайди.

Бюроtmачи томонидан қурилиш учун банкларнинг кредитлари, шунингдек хорижий кредитлар жалб этилган ҳолларда, улар кредит шартномаларида назарда тутилган тартибда қайтарилиши керак.

### **III. Фойдаланишни ёки қуришни қайтадан бошлаш**

14. Қурилиши тугалланмаган объектларни ва асосий воситаларни консервация қилиш муддати тамом бўлгач фойдаланишни ва қуришни қайтадан бошлаш мумкин деб ҳисобланади ҳамда бу тўғрида қўшимча қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

15. Асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектдан муддатидан олдин фойдаланишни ва уни қуришни қайтадан бошлаш тўғрисидаги илтимоснома (қурилиши тугалланмаган объектларни ёки асосий воситаларни янги мулкдорга сотиш ҳолларидан ташқари) консервация қилиш тўғрисида таклиф кiritган орган томонидан киритилади.

Асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектдан муддатидан олдин фойдаланиш ва уни қуришни қайтадан бошлаш тўғрисидаги қарор (қурилиши тугалланмаган объектларни ёки асосий воситаларни янги мулкдорга сотиш ҳолларидан ташқари) консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан қабул қилинади.

Асосий воситалар ва қурилиши тугалланмаган объектлар янги мулкдор томонидан белгиланган тартибда сотилган тақдирда олдин сотди далолатномаси содир этилган пайтдан бошлаб асосий воситалар ва қурилиши тугалланмаган объектлардан фойдаланиш ва уларни қуриш қайтадан бошланган ҳисобланади. Ушбу ҳолда қайтадан бошлаш тўғрисида қўшимча қарор қабул қилинмайди.

Фойдаланиш ёки қайтадан қуриш муддатидан олдин бошланган тақдирда (тугалланмаган қурилиш объектлари ва асосий воситаларни янги мулкдорга сотиш ҳолларидан ташқари) тугал-

ланмаган қурилиш ҳажмлари ёки асосий воситалар муддатидан олдин фойдаланиш ва қуриш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қайтадан бошланган деб ҳисобланади.

16. Фойдаланиш ва қуришни муддатидан олдин қайтадан бошлаш ёхуд консервация қилиш муддати тамом бўлиши тўғрисидаги қарор асосида буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект қурилишни қайтадан бошлаш тўғрисида фармойиш (буйруқ) чиқаради, унда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш билан боғлиқ зарур ишларни бажаришга доир ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкил этиш тартиби ва муддатлари белгиланади.

17. Буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект томонидан консервация қилиш тўғрисидаги далолатнома ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш тўғрисидаги фармойиш (буйруқ) асосида бир ой муддатда қуйидагилар тузилади:

қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича — қурилишни қайтадан бошлаш тўғрисида объектлар бўйича далолатнома, унга қурилиши вақтинча тўхтатиб қўйилган объектлар, асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материалларнинг ҳолатига қисқача тавсиф берилган ведомостлар илова қилинади (мазкур Низомга 4-илова);

асосий воситалар бўйича — фойдаланишни қайтадан бошлаш тўғрисидаги далолатнома, унга фойдаланилиши вақтинча тўхтатиб қўйилган объектлар, асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материалларнинг ҳолатига қисқача тавсиф берилган ведомостлар илова қилинади (мазкур Низомга 5-илова).

18. Мазкур Низомнинг 17-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъект фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича зарур ишларга ўз кучлари билан ёки лойиҳалаш ташкилотини жалб этган ҳолда ҳужжатлар тузади.

#### **IV. Объектларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш**

19. Консервация қилиш ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш учун лойиҳада назарда тутилган ишларни бажариш пудрат ташкилоти томонидан қўшимча битим бўйича амалга оширилади.

20. Битимда ишларни бажариш муддатлари консервация қилинган ҳамда фойдаланиш ва қуриш қайтадан бошланган объектлар, асосий воситалар, асбоб-ускуналар, конструктив эле-

ментлар ва материалларни буюртмачи ёки хўжалик юритувчи субъектга топшириш муддатлари назарда тутилади.

21. Қурилиши тугалланмаган объектлар ва асосий воситаларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш ишлари бажарилганлиги учун ҳисоб-китоблар бажарилган ишлар ҳажмларини қабул қилиш далолатномалари асосида амалга оширилади.

22. Қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича ишлар ва харажатлар, шу жумладан вақтинча консервация қилиш ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш вақтидаги тиклаш ишлари даврида қурилиш унинг ҳисобига амалга оширилган ёки амалга ошириладиган қурилишни маблағ билан таъминлаш манбаидан ҳақ тўланади.

23. Асосий воситаларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича ишлар ва харажатлар, шу жумладан вақтинча консервация қилиш ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш вақтидаги тиклаш ишлари даврида уларнинг сақланишини таъминлашга буюртмачи ёки хўжалик юритувчининг маблағлари ҳисобига ҳақ тўланади.

## **V. Тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ва амалга оширилмаган қурилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари харажатларини ҳисобдан чиқариш**

24. Объект қурилишини тўхтатиш ҳамда тўхтатиб қўйилган қурилиш бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор (шу жумладан лойиҳа-қидирув ишлари харажатлари ва объектлар қурилиши қийматига тегишли бўлган бошқа харажатлар):

а) қурилиши:

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига мувофиқ марказлаштирилган манбалар ҳисобига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган техник-иқтисодий асослашлар асосида олиб борилаётган объектлар бўйича;

таркибий қайта қурилиши керак бўлган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек таркибий қайта қуриш ва банкротликни амалга ошириш даврида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг

таклифига кўра уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаси қўлланилган корхоналар бўйича Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Давлат мулки қўмитасининг хулосаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

б) ўзларига қарашли бўлган қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича (мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилганлардан ташқари) вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан;

в) мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилмаган қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича мол-мулк мулкдори томонидан қабул қилинади.

25. Мазкур Низом 24-бандининг «а» ва «б» кичик бандларига мувофиқ объект қурилишини тўхтатиш ва тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш (шу жумладан, лойиҳа-қидирув ишлари харажатлари ва объектлар қурилиши қийматига тегишли бўлган бошқа харажатлар) тўғрисидаги таклиф:

а) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва маблағ билан таъминловчи банк билан келишган ҳолда вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Таркибий қайта қурилиши керак бўлган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаси қўлланилган корхоналар томонидан тикланаётган қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича таклиф — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан;

б) Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг ҳудудий органлари ва маблағ билан таъминловчи банк билан келишган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан — вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритилади.

26. Объект қурилишини тўхтатиш ва харажатларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарорда:

объект қурилиши тўхтатилишининг сабаблари;

ҳисобдан чиқарилаётган харажатларнинг асосий кўрсаткичлари;

қурилиши тўхтатилган бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, сотиш ёки уларни бошқа корхоналар ва ташкилотларга бериш тўғрисидаги таклифлар кўрсатилиши керак.

Келгусида фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда қарорда қурилиши битказилмаган бинолар ва иншоотларни тугатиш, улардан ажратиб олинган асбоб-ускуналар ва материалларни сотиш бўйича кўрсатмалар берилиши керак, шунингдек бажарилган ишлар учун пудрат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағлар суммаси, шу жумладан тугатиш харажатлари аниқланади.

27. Ваколатли органлар томонидан қабул қилинган объект қурилишини тўхтатиш ва тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор асосида буюртмачи (инвестор) ёки корхона раҳбари фармойиш (буйруқ) чиқаради.

28. Қурилишни тўхтатиш ва харажатларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарорларда корхоналар ва ташкилотлар балансидан чиқарилиши керак бўлган сумма кўрсатилиши зарур.

29. Амалга оширилмаган қурилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари харажатларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор мазкур Низомнинг 25 ва 26-бандларида белгиланган тартибда қабул қилинади.

30. Объект қурилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор асосида буюртмачи (инвестор) томонидан қурилишни тўхтатиш бўйича харажатларни ёки лойиҳа-қидирув ишлари бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш ҳақида тегишли далолатнома тузилади (мазкур Низомга 6 ва 7-иловалар).

## **VI. Яқуний қоидалар**

31. Қурилиши тугалланмаган объектларни ва асосий воситаларни консервация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш бўйича ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштириш, шунингдек тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан чиқариш учун жавобгарлик мазкур Низомга мувофиқ буюртмачига ёки хўжалик юритувчи субъектга юкланади.



Фойдаланилмаётган асосий воситаларни,  
 қурилиши тугалланмаган объектларни консер-  
 вация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
 1-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»  
 (Ваколатли орган раҳбари)

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

(қурилишнинг номи)

## Қурилиши тугалланмаган объектлар қурилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш тўғрисида ДАЛОЛАТНОМА

Объект, конструкция элементлари, ишлар ва харажатлар турларининг номи	Қурилишни бошлаш ва тугатиш санаси	Қурилиш тўхтатилган сана	Лойиҳа-смета хужжатлари бўйича кўрсаткичлар		Тўхтатиб қўйиш санасида бажарилган ишлар		Баланс бўйича ҳақиқий харажатлар
			Шартномавий қиймати	Қуввати	Шартномавий қиймати	Қуввати	

Буюртмачи корхона раҳбари  
 Пудратчи ташкилот раҳбари  
 Маблаг билан таъминловчи банк раҳбари

Келишилган:  
 Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат мулки кўмитаси

Қурилиши тугалланмаган объектларни  
консервация қилиш тўғрисидаги  
далолатномага  
1-ИЛОВА

**Монтаж қилинмаган консервация қилинадиган  
асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар  
ВЕДОМОСТИ**

Монтаж қилинмаган асбоб- ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир бирликнинг амалдаги нархи	Умумий қиймати
--	------------------	------	----------------------------------	-------------------

Буюртмачи корхона раҳбари  
Пудратчи ташкилот раҳбари  
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари

Қурилиши тугалланмаган объектларни  
консервация қилиш тўғрисидаги  
далолатномага  
2-ИЛОВА

**Монтаж қилинмаган бошқа объектлар қурилишига  
бериладиган ёки сотиладиган асбоб-ускуналар,  
конструкциялар ва материаллар  
ВЕДОМОСТИ**

Монтаж қилинмаган асбоб- ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир бирликнинг амалдаги нархи	Умумий қиймати
--	------------------	------	----------------------------------	-------------------

Буюртмачи корхона раҳбари  
Пудратчи ташкилот раҳбари  
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган  
объектларни консервация қилиш тарғиби  
тўғрисидаги низомига  
2-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»  
(Ваколатли орган раҳбари)

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

Асосий воситаларни консервация қилиш тўғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА

Корхонанинг, асосий восита- ларнинг номи	Асосий воситаларни сотиб олиш (ишга туши- риш) санаси	Асосий восита- ларнинг дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	Ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эскириш	Қолдиқ баланс қиймати	Мустақил баҳоловчилар- нинг ҳулосаси бўйича бозор қиймати	Тегишли бирликларнинг қуввати	Ҳақиқий ҳолати
--	---	--	--	--	-----------------------------	---	-------------------------------------	-------------------

Буюртмачи корхона раҳбари  
Пудратчи ташкилот раҳбари  
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари  
Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Келишилган:  
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси

Асосий воситаларни консервация қилиш  
тўғрисидаги далолатномага  
1-ИЛОВА

**Консервация қиладиган асбоб-ускуналар,  
конструкциялар ва материаллар  
ВЕДОМОСТИ**

Асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	Ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эскириш	Қолдик баланс қиймати	Мустақил баҳоловчиларнинг хулосаси бўйича бозор қиймати	Ҳақиқий ҳолати
---	-------------------	---	-----------------------------------	-----------------------	---	----------------

Буюртмачи корхона раҳбари  
Пудратчи ташкилот раҳбари  
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари  
Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Асосий воситаларни консервация қилиш  
тўғрисидаги далолатномага  
2-ИЛОВА

**Сотиладиган асбоб-ускуналар, конструкциялар  
ва материаллар  
ВЕДОМОСТИ**

Асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	Ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эскириш	Қолдик баланс қиймати	Мустақил баҳоловчиларнинг хулосаси бўйича бозор қиймати	Ҳақиқий ҳолати
---	-------------------	---	-----------------------------------	-----------------------	---	----------------

Буюртмачи корхона раҳбари  
Пудратчи ташкилот раҳбари  
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари  
Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган  
объектларни консервация қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

(корхонанинг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

**Консервация қилинган қурилиши тугалланмаган  
объектлар ёки асосий воситаларнинг сақланишини  
таъминлаш учун зарур бўлган ишлар ва харажатлар  
РЎЙХАТИ**

Объектлар, асосий фондлар, конструкция элементлари, ишлар ва харажатлар турларининг номи	Бажарилиши лозим бўлган ишлар ва харажатлар турлари	Ўлчов бирлиги	Ишлар ва харажатлар ҳажми
---	--	------------------	---------------------------------

Буюртмачи корхона раҳбари  
Пудратчи ташкилот раҳбари  
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари  
Ёнғиндан сақлаш бошқармаси раҳбари  
Мустақил аудиторлик ташкилоти раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган  
объектларни консервация қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомага  
4-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»  
(Ваколатли орган раҳбари)

(қурувчининг номи ва унинг идоравий бўйсунлиши)

(қурилишнинг номи ва унинг лойиҳа қуввати)

қурилиши тугалланмаган объектни қайтадан бошлаш тўғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА

Объект, конс- трукция элемент- лари, ишлар ва харажатлар турларининг номи	Консервация қилинган санд	Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича кўрсаткичлар		Консервация қилиш санасида бажарилган ишлар		Баланс бўйича хақиқий харажатлар	Қурилишни қайтадан бошлаш санасидаги ҳақиқий ҳолати
		Қурилишни қайтадан бошлаш кундаги шартномавий қиймати	Қуввати	Шартномавий нархларда	Ишга туширилган қуввати		

Буюртмачи корхона раҳбари  
Пудратчи ташкилот раҳбари  
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари

Консервация қилинган қурилиши  
тугалланмаган объект қурилишини қайтадан  
бошлаш тўғрисидаги далолатномага  
ИЛОВА

**Консервация қилинган қайтадан монтаж қилинадиган  
асбоб-ускуналар, конструкциялар ва материаллар  
ВЕДОМОСТИ**

Монтаж қилинмаган асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир birlikнинг амалдаги нархи	Умумий қиймати	Ҳақиқий ҳолати
--	------------------	------	----------------------------------	-------------------	-------------------

Буюртмачи корхона раҳбари

Пудратчи ташкилот раҳбари

Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган  
 объектларни консервация қилиш тартиби  
 тўғрисидаги низомига  
**5-ИЛОВА**

«Тасдиқлайман»  
 (Ваколатли орган раҳбари)

(корхонанинг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

**асосий воситаларни қайтадан ишга тушириш тўғрисида  
 ДАЛОЛАТНОМА**

Асосий воситалар номи	Асосий воситаларни сотиб олиш (ишга тушириш) санаси	Дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	Ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эҳжиринш	Қолдиқ баланс қиймати	Мустақил баҳоловчиларнинг ҳулосаси бўйича бозор қиймати	Тегишли бирликлар қуввати	Қайтадан ишга тушириш санасида ҳақиқий ҳолати
-----------------------	---	-------------------	---	------------------------------------	-----------------------	---	---------------------------	---

Корхона раҳбари  
 Бош бухгалтер  
 Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари  
 Аудиторлик ташкилот раҳбари



Асосий воситаларни қайтадан ишга тушириш  
 тўғрисидаги далолатномага  
 ИЛОВА

**Консервация қиладиган асбоб-ускуналар, конструкциялар ва  
 материаллардан фойдаланишни қайтадан бошлаш  
 ВЕДОМОСТИ**

Асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар номи	Дастлабки қиймати	Қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қиймати	Ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий эскириш	Қолдиқ баланс қиймати	Муस्ताқил баҳоловчиларнинг хулосаси бўйича бозор қиймати	Ҳақиқий ҳолати
---	----------------------	---	---	-----------------------------	---	-------------------

Буюртмачи корхона раҳбари  
 Пудратчи ташкилот раҳбари  
 Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари  
 Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган  
 объектларни консервация қилиш тартиби  
 тўғрисидаги низомига  
 6-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»  
 (Ваколатли орган раҳбари)

(корхонанинг номи ва унинг идоравий бўйсунishi)

**тўхтатиб қўйилган қурилиш харажатларини ҳисобдан  
 чиқариш тўғрисида  
 ДАЛОЛАТНОМА**

Объект, конструкция элементлари, ишлар ва харажатлар турларининг номи	Қури- лишнинг бошланиш санаси	Қурилиш тўхтатилган сана	Лойиха-смета хужжатлари бўйича кўрсаткичлар		Қурилиш тўхта пилган санадаги хақ ақий харажатлар	Пудратчи ташкilot билан ҳисоб-китоб қилиш учун зарур бўлган маблағлар	Қурилиш тўхтатилган- лигининг сабаблари
			шартномавий қиймати	қуввати			

Бюртмачи корхона раҳбари  
 Пудратчи ташкilot раҳбари  
 Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари  
 Аудиторлик ташкilotи раҳбари

Асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган  
объектларни консервация қилиш тартиби  
тўғрисидаги низомига  
7-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»  
(Ваколатли орган раҳбари)

(корхонанинг номи ва унинг идоравий бўйсунинши)

**лойиха-қидирув ишлари харажатларини ҳисобдан  
чиқариш тўғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА**

Лойиҳаланаётган объект ва харажатлар номи	Лойиҳалаш ташкilotининг номи	Лойиҳалашга топшириқ ким томонидан ва қачон тасдиқланган	Лойиҳа- қидирув ишларининг қиймати	Лойиҳалаш даври	Ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган бажа- рилган лойиҳа-қидирув ишларининг қиймати	Лойиҳа-қидирув ишларини тўхтатиш асоси
---	------------------------------------	---	---	--------------------	--	--

Буюртмачи корхона раҳбари  
Пудратчи ташкilot раҳбари  
Маблағ билан таъминловчи банк раҳбари  
Аудиторлик ташкilotи раҳбари

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
УЧУН ЮРИДИК ШАХСЛАРГА СОЛИНАДИГАН  
ЖАРИМАЛАРНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИ-  
ДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

**[Кўчирма]**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 17-18-сон, 151-модда; 2006 йил, 20-21-сон, 179-модда,  
46-47-сон, 458-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қури-  
лишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асо-  
сий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон  
Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор  
қилади:**

1. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахс-  
ларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги  
низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 17 сентябрь,  
404-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун  
юридик шахсларга солинадиган жарималарни  
ундириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар  
учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекис-  
тон Республикаси Қонунига мувофиқ юридик шахсларга солина-  
диган жарималарни қўллаш тартибини белгилайди.

2. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш-

---

\* 2003 йил 17 сентябрдан қучга кирган.

ларни кўриб чиқиш ва улар учун юридик шахсларга жарималар солиш мазкур Низомда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Қуйидагилар қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда, шунингдек «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бандида назарда тутилган ҳолларда;

Худудий архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари ва худудий архитектура-қурилиш назорати инспекциялари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса — энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваригача миқдорда жарималар солиш ҳуқуқига эга;

4. Жарималар юридик шахслар томонидан жарима солиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда тўланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни қабул қилган орган (мансабдор шахс) томонидан бажартирилади.

Юридик шахсларга — тадбиркорлик субъектларига жарима суд тартибида, улар ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини эътироф этган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳолларда эса — ваколатли орган томонидан солинади;

5. Тадбиркорлик субъектининг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлган жарималарни ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тўловларни ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш имконини берган ҳолда амалга оширилади.

6. Жарима солиш тўғрисидаги қарор юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилинганда ёки норози бўлинганда қарор шикоят ёки норозилик қониқарсиз қолдирилгандан сўнг бажарилиши керак. Бундай ҳолларда жарима шикоят ва норозилик қониқарсиз қолдирилганлиги тўғрисида хабардор қилинган кундан

бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда тўланиши керак.

7. Жарима юридик шахслар томонидан тегишли суммаларни ўтказиш йўли билан тўланади, улар қуйидаги тартибда тақсимланади:

жарима суммаларининг 60 фоизи республика бюджетига;

30 фоизи — маҳаллий бюджетга;

10 фоиз — «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва унга идоравий мансуб ҳудудий давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияларининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига йўналтирилади.

8. Жарима муддатида тўланмаган тақдирда қарор суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини бажариш учун белгиланган тартибда мажбурий бажартирилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ СМЕТА-НОРМАТИВ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 20-сон, 195-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ–3240-сон Фармонида ҳамда уни бажариш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида қайд этилганидек, эскирган ва замонавий талабларга мувофиқ бўлмаган амалдаги смета нормалари ва қоидалари тизими ва унинг асосида қурилиш смета қийматининг ошиб кетишига олиб келувчи расценкаларни ишлаб чиқиш қурилиш-технология жараёнини ва умуман қурилиш комплексининг самарали ишлашини мақбуллаштириш йўлидаги, пировард натижада қурилишда лойиҳалаштириш, смета ва технология интизомини мустаҳкамлашдаги бош тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан зарур даражадаги назорат ўрнатилмаганлиги ҳозирги вақтда жуда кўплаб яқка тартибдаги ва идоравий смета нормаларининг амалда бўлишига олиб келди, улар кўп ҳолларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси тасдиқлаган смета нормативларига зиддир ҳамда уларнинг ўрнини босмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини тартибга солиш ва янгилаш, объектлар қурилиши қийматини жорий шартномавий нархларда белгилаш механизмининг такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш дастури иловага\*\* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш

---

\* 2003 йил 24 октябрдан кучга кирган.

\*\* Илова берилмайди.

қўмитаси кўрсатиб ўтилган Дастурни ишлаб чиқиш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этсин ва тўпланган хорижий тажрибадан кенг фойдалансин. Янгидан ишлаб чиқилаётган смета-норматив ҳужжатларида энг муҳими — ортиқча муфассаллаштириш ва зарур бўлмаган регламентлаштиришдан воз кечилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси амалдаги яқка тартибдаги ва идоравий смета нормаларини, уларнинг мақсадга мувофиқлигини, асосланганлигини ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитасининг норматив ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида тўлик хатловдан ўтказсин.

Хатловдан ўтказиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитаси эксперт комиссиялар ташкил этсин ҳамда 2004 йил 1 июлгача бўлган муддатда хатловдан ўтказиш натижаларини умумлаштирсин, идоравий смета нормаларини кескин қисқартириш чоратадбирларини кўрсин.

3. Белгилансинки, жорий шартномавий нархларни белгилаш учун идоравий смета нормалари фақат улар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан белгиланган тартибда мажбурий равишда келишиб олинган тақдирда кучга эга бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш учун ҳудудлар, тармоқ вазирликлари ва идоралари бўйича қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар нархи, қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қиймати, транспорт харажатлари, қурувчи ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ахборот банкини белгиланган тартибда ташкил этсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари қурилиш соҳасида нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни тўплашда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига кўмаклашсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2004 йил ва кейинги йиллар Давлат бюджети лойиҳаларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ, бюджет маблағлари билан бир қаторда,



манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари маблағларини жалб этган ҳолда, Дастурни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсинлар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш қийматини 1991 йил нархлари даражасидаги янги смета нормативлари негизида «ресурс усули» асосида аниқлашга ўтиш тўғрисида» 1997 йил 17 июндаги 306-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 24 октябрь,  
463-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2003 йил, 23-сон, 233-модда; 2005 йил, 8-9-сон, 67-модда,  
34-36-сон, 264-модда, 46-сон, 350-модда; 2006 йил, 6-7-сон,  
33-модда, 20-21-сон, 181-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қури-  
лишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асо-  
сий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон  
Фармони бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси  
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомил-  
лаштириш, капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада  
чуқурлаштириш масалаларида унинг масъулиятини ошириш  
мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитекту-  
ра ва қурилиш қўмитасининг муҳим вазифалари ҳисоблансин:  
шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиё-  
сатини ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари  
сифати, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалашти-  
риш ва қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳар-  
созлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши  
устидан назоратни амалга ошириш;

капитал қурилишда ислохотларнинг боришини мувофиқлаш-  
тириш ва унинг мониторингини олиб бориш, танлов савдолари-  
ни ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя  
этилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларининг роли-  
ни ошириш, қурилишда нархларни шакллантириш тизимини та-  
комиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари  
бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш, қурилишнинг  
бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга қўмаклашиш;  
капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини акс  
эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;  
танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар

---

\* 2003 йил 2 декабрдан кучга кирган.

мажбуриятлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш.

## 2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган умумий сони 96 нафар, шу жумладан бошқарув ходимларининг сони 85 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ;

худудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги низом 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони доирасида раиснинг уч нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари ҳамда 9 кишидан иборат хайъат бўлишига рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмита марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг мазкур Қўмита таркибида:

Иқтисодиёт ва қурилишни ташкил этиш, янги технологиялар илмий-тадқиқот институти негизида Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш марказини ташкил этиш;

Пудрат савдоларини (тендерларни) ташкил этиш республика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармасининг капитал қурилишда нархларни шакллантириш минтақавий марказлари негизида Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказлари ташкил этиш;

Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасининг Стандартлаштириш ва сертификатлаш бошқармаси негизида хўжалик ҳисобидаги Қурилишда стандартлаштириш ва сертификат-

---

\* 1—4-сонли иловалар берилмайди.

лаш республика марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бир ой муддатда Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази ҳамда Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказининг тузилмасини ва Марказлар тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

5. Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари, Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг намунавий тузилмалари шунингдек улар тўғрисидаги намунавий низомлар 5, 5а, 5б, 6, 6а, 6б-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини жорий молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари манбалар, шу жумладан давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари ҳамда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари даромадларидан 10 фоиз ажратмалар ҳисобига амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларини юкланган вазифаларни бажариш, шу жумладан нархларни шакллантириш масалалари бўйича керакли материаллар ва ахборотлар такдим этиш учун зарур шартшароитлар билан таъминласинлар.

8. *Ўз кучини йўқотган.*

9. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 8-иловага\* мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбе

---

\* 5—8-иловалар берилмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛА- НИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ҲАМДА СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА\*

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2006 йил, 45-сон, 442-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ–499-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда автомобиль йўллари қуриш самарали ташкил этилиши ҳамда улар сифати ва улардан фойдаланиш назорат қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифи 1-иловага мувофиқ;

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, уларни реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматлари билан биргаликда:

тасдиқланган норматив ҳужжатлар талаблари қатъий бажарилишини таъминласин;

бир ой муддатда йўл қурилиши сифатини назорат қилишни ташкил этишни ва умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларидан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекис-

---

\* 2006 йил 1 ноябрдан кучга кирган.

тон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов  
ва Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 1 ноябрь,  
226-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 1 ноябрдаги 226-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Умумий фойдаланиладиган автомобиль  
йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари  
ТАСНИФИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Тасниф умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини (кейинги ўринларда «автомобиль йўллари» деб аталади) таъмирлаш ва сақлаш ишларининг турлари ва таркибини белгилайди. Ишларнинг бу турлари ва таркиби маблағлардан фойдаланиш йўналишларини асослаш, автомобиль йўллари ва улардаги йўл иншоотларини таъмирлаш ва сақлаш харажатларини прогностлаштириш ҳамда йўл ишларини ташкил этиш учун асос ҳисобланади.

2. Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари қуйидаги турларга бўлинади:

а) таъмирлаш бўйича:

мукаммал таъмирлаш;

ўртача таъмирлаш;

жорий таъмирлаш;

б) сақлаш бўйича:

автомобиль йўлини сақлаш;

қишда сақлаш;

кўкаламзорлаштириш.

3. Автомобиль йўлларининг умуман тармоғи бўйича таъмирланиши керак бўлган автомобиль йўлларини таъмирлаш ишлари ҳажми йўл кўтармаси ва қопламаси хизматининг амалдаги таъмирлашлараро муддатлари ҳисобга олинган ҳолда йўллар ва йўл

иншоотларининг ҳолатини техник текшириш (ташхис ва баҳолаш) натижалари асосида белгиланади.

4. У ёки бу турда таъмирланиши керак бўлган аниқ бир йўл ва автомобиль йўллари участкалари бўйича ишлар ҳажми ҳамда уларни бажариш муддатлари таъмирлашнинг тегишли турларини тайинлаш учун белгиланган мезонлар билан биргаликда автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг амалдаги ҳолатини таққослаш йўли билан аниқланади.

Таъмирлашнинг талаб этиладиган тури, ҳар бир автомобиль йўли ва унинг участкасини таъмирлаш бўйича ишлар таркиби ва ҳажми уларнинг амалдаги ҳолатини техник текшириш (ташхис ва баҳолаш), муҳандислик изланишлари, синовлар ва текширишлар натижалари асосида ушбу ҳолатни таъмирлашнинг тегишли турини тайинлаш мезонлари билан қиёслаш имконини берадиган ҳажмда белгиланади.

5. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг баланс қийматига киритилган бинолар ва қўшимча иншоотларни, йўл хизмати биноларини ва ишлаб чиқариш базаси иншоотларини таъмирлаш белгиланган тартибда ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ алоҳида топшириқлар бўйича амалга оширилади.

## II. Асосий терминлар ва тарифлар

6. Мазкур Таснифда қуйидаги терминлар ва тарифлардан фойдаланилган:

**йўл иншоотлари** — автомобиль йўлларининг конструктив элементлари ҳисобланган иншоотлар: йўл-фойдаланиш ташкilotининг балансидаги сунъий иншоотлар (кўприклар, йўл ўтказгичлар, эстакадалар, қувурлар, тоннеллар), химоя иншоотлари (қордан химоя қиладиган дарахтзорлар, шовқиндан ва шамолдан химоя қиладиган қурилмалар, йўлларни қор кўчкилари, бархан қумлари, ўпирилиш, силжишдан химоя қиладиган қурилмалар), автомобиль йўлларини жиҳозлаш элементлари (тўхташ майдончалари ва йўловчилар учун павильонлар, дам олиш майдончалари, автомобилларнинг тўхташи ва тўхтаб туриши учун махсус майдончалар, I гуруҳ тўсиқлар, йўналтирувчи устунчалар), бинолар ва ёрдамчи иншоотлар (йўл-таъмирлаш пунктлари, таъмирловчининг уйи, асфальт-бетон цехлар, цемент-бетон цехлар, ишлаб чиқариш базалари):

**автомобиль йўлларининг истеъмол хоссалари** — автомобиль йўлларининг фойдаланувчиларнинг манфаатларига бево-

сита жавоб берадиган транспорт-фойдаланиш кўрсаткичлари мажмуи. Истеъмол хоссаларига қўйидагилар киради: ҳаракатнинг тезлиги, узлуксизлиги, хавфсизлиги ва қулайлиги, транспорт воситаларини ўтказиш имконияти ва ҳаракатланиш даражаси, ўқига тушадиган оғирлиги, юкламаси, умумий массаси ва габаритлар билан автомобиль йўлларида ҳаракатланиш учун рухсат берилган автомобиллар ва автопоездларни ўтказиш имконияти, экологик хавфсизлик, эстетик ва бошқа хоссалар;

**автомобиль йўлларини мукамал таъмирлаш** — автомобиль йўлларининг ишончлилиги ва қулайлигини таъминлашга қаратилган фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида тиклашга оид таъмирлаш-қурилиш ишлари мажмуи. Бунда йўл тўшамаси ва қопламаси, ер кўтармаси ва йўл иншоотларининг иш имкониятини тиклаш ва ошириш ишлари бажарилади, эскирган конструкциялар ва деталлар алмаштирилади ёки улар мустаҳкамроқ, чидамли ва тежамли конструкциялар ва деталлар билан алмаштирилади, зарур ҳолларда таъмирланаётган автомобиль йўли учун белгиланган тоифага тўғри келадиган нормалар доирасидаги ҳаракат жадаллиги ва автомобиллар ўқига тушадиган оғирликлар ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда йўлнинг асосий узунлигидаги ер кўтармасини кенгайтирмасдан автомобиль йўлининг геометрик параметрлари (режаси, бўйлама кесими ва шу кабилар) оширилади;

**автомобиль йўлларини ўртача таъмирлаш** — автомобиль йўлларининг айрим участкалари ва элементлари ишончлилиги ва қулайлигини таъминлашга йўналтирилган фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадидаги тиклаш бўйича комплекс таъмирлаш-қурилиш ишлари. Бунда эскирган қоплама қисман қоплаш, унинг текислигини ва илашиш сифатларини тиклаш ва яхшилаш, йўл қопламаси, ер кўтармаси, йўл иншоотлари, автомобиль йўлларини жиҳозлаш ва ободонлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш элементларининг барча бузилишлари ва шикастланишларини бартараф этиш ишлари амалга оширилади;

**автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш** — автомобиль йўлининг бутун узунлигида йил мобайнида амалга ошириладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг майда шикастланишлари олдини олиш ва тузатиш йўли билан амалга ошириладиган фойдаланиш кўрсаткичларини сақлаш бўйича комплекс таъмирлаш ишлари;

**автомобиль йўлларини сақлаш** — автомобиль йўллари



ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида йил мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг техник қурилмалари иш режимлари бўйича комплекс ишлар, йўл, йўл иншоотлари ва ажратилган минтақага қараш, доимий равишда пайдо бўладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш, шунингдек автомобиль йўлларини қишда сақлаш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комплекс ишлар;

**автомобиль йўлларини қишда сақлаш** — автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида қиш даври мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг иш режимлари бўйича комплекс ишлар, автомобиль йўлларини қиш даврида қор қатламлари, уюмлари ва кўчкиларидан ҳимоя қилиш, қордан тозалаш, қишки сирпанчиқ пайдо бўлишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда музгарчиликка қарши курашиш бўйича ишлар ва тадбирлар;

**автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш** — ажратилган минтақада қор ва қум уюмларидан, шамол ва сув эрозиясидан ҳимоя қилиш, автомобиль йўлларини эстетик безаш учун зарур бўлган йўл тасмасида дарахтзорлар барпо этиш ва ўт экиш ишлари ҳамда кўкаламзорлаштириш элементларини парвариш қилиш ишлари;

**техник текшириш** — автомобиль йўлларининг фойдаланиш сифатларини, таъмирлаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини назорат қилиш, синаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига оладиган жараён;

**автомобиль йўлларини техник кўздан кечириш** — мавсумий (баҳор ва куз даврлари) ўтказилади, унинг натижалари бўйича ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш, автомобиль йўлларининг транспорт-фойдаланиш сифатларини ошириш ва унинг геометрик элементларини ва йўл иншоотларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларнинг тўлиқ рўйхати ишлаб чиқилади;

**автомобиль йўллари ташхиси** — автомобиль йўллари ҳолати бўйича ахборот тўплаш тизимида асосий элемент ҳисобланади ҳамда кўриб чиқиладиган даврда автомобиль йўлларининг техник ҳолатини аниқлашни, муайян давр ўтгандан кейин автомобиль йўли қандай техник ҳолатда бўлишини прогнозлаш-

тиришни, автомобиль йўлларидаги у ёки бу нуксонлар келиб чиқишининг бирламчи сабабларини аниқлашни ўз ичига олади.

### **III. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини мукамал таъмирлаш**

7. Мукамал таъмирлаш белгиланган тартибда ишлаб чиқилган, давлат экспертизасидан ўтган ва тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ бажарилади, ва, қоидага кўра, йўлнинг таъмирланаётган участкаси бутун узунлигида автомобиль йўлининг барча иншоотлари ва элементлари бўйича комплекс тарзда амалга оширилиши керак.

8. Мукамал таъмирлашнинг вазифаси автомобиль йўлининг эскирган конструктив элементлари ва деталларини тўлиқ тиклаш ҳамда алмаштириш, шунингдек транспорт-фойдаланиш сифатларини мазкур тоифадаги автомобиль йўли учун тегишли ҳисоблаб чиқарилган ҳаракат жадаллигида навбатдаги мукамал таъмирлашгача бўлган даврдаги истеъмол хоссаларига қўйиладиган норматив талабларни таъминлашга имкон берадиган даражага кўтаришдан иборат. Ҳаракат жадаллиги мазкур тоифадаги йўл учун белгиланган нормадан ошиб кетган тақдирда автомобиль йўли янада юқори тоифага ўтказилиб, реконструкция қилиниши лозим.

9. Техник текшириш натижалари бўйича аниқланган автомобиль йўлларининг транспорт-фойдаланиш ҳолати мукамал таъмирлашни тайинлаш учун мезон ҳисобланади. Бунда йўл тўшмасининг мустаҳкамлиги чекланган қийматгача пасайган бўлади ёки автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг бошқа элементлари параметрлари ва тавсифлари ортиб кетган ҳаракат талабларига шу қадар жавоб бермайдики, уларни сақлаш ишлари воқитасида кўрсатилган талабларга мувофиқ келадиган ҳолатга келтириш мумкин бўлмайди ёки бу иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Автомобиль йўллари ҳамда йўл иншоотларининг алоҳида участкалари ва элементларини тегишлича асослаган ҳолда танлаб мукамал таъмирлашга йўл қўйилади.

Енгиб бўлмайдиган кучга эга ҳолатлар (табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятлар, ҳарбий тузилмаларнинг қайта жойлаштирилиши) натижасида бузилган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини мукамал таъмирлашни белгиланган тартибда нуксонлар қайдномаси ва ижро сметалари бўйича бажаришга рухсат берилади.

10. Мукаммал таъмирлаш бўйича харажатлар таркибига, таъмирлаш ишлари харажатларидан ташқари, таъмирлаш ўтказилиши даврида таъмирланаётган участкада жойлашган йўллар ва йўл иншоотлари элементларини мукаммал таъмирлаш ишлари хажмига киритилмаган сақлаш харажатлари киритилади.

11. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини мукаммал таъмирлашга қуйидаги ишлар тегишлидир:

а) ер кўтармаси ва сув кетказиш бўйича:

айрим участкалардаги ер кўтармасини унинг геометрик параметрларини таъмирланаётган йўл учун белгиланган тоифага тўғри келадиган нормаларгача созлаш ва тузатиш (бўйлама қияликларни юмшатиш, режада ва бўйлама кесимда кўринишни таъминлаш, вертикал ва горизонтал эгри радиусларни катталаштириш, виражлар ўрнатиш), автомобиль йўлининг айрим участкаларини таъмирланаётган автомобиль йўли умумий узунлигининг 25 фоизигача бўлган доирада тўғрилаш, қабарикли, кўчки тушган участкаларни қайта қуриш, дренажлар, қуриштирув зовурлари, қирғоқни ҳимоя қиладиган ва эрозияга қарши иншоотлар, сув чиқариш қудуқлари, ёмғир канализацияси, изоляцияловчи юпқа қатламларни қуриш ва ер кўтармасининг чидамлилигини таъминлайдиган бошқа ишларни бажариш;

автомобиль йўлларининг кесишиш ва тутатиш жойларида ер кўтармаси ва сув кетказиш тизимини қуриш ҳамда бекатлар, дам олиш майдончалари, автомобиль тўхташ жойлари, йўлқалар, пиёдалар ва велосипедчилар йўлқалари, алоҳида кесиб ўтиш жойлари, чиқиш йўллари, йўлларнинг қатнов қисмидан ташқарида бўлган йўл-таъмирлаш хизмати объектлари ва тарихий жойларга бориш йўлларини қуриш;

мукаммал таъмирлаш бўйича ишларни таъминлаш учун зарур бўлган ерларни доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун ажратиш;

йўлларни мукаммал таъмирлаш ишлари худудидаги эски йўл бўлақларини йўқотиш ҳамда йўл зонасидаги захира майдонларни рекультивация қилиш;

б) йўл тўшамаси бўйича:

йўл тўшамасини кенгайтириш (бир тасмадан ортиқ бўлмаган кенгликда) ва йўл четини таъмирланаётган автомобиль йўлининг тоифасига тўғри келадиган нормаларга етказиш, бўйлама ва кўндаланг нотекисликларни тузатган, асосига ва қопламасига қўшимча текисловчи қатлам ётқизган ҳолда кучайтириш (қалинлаштириш);

асос сифатида мавжуд йўл тўшамаларидан фойдаланган ҳолда қопламаларнинг янада мукамаллашган турларини қуриш, эскирган цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламаларни қайта қоплаш, такомиллаштирилган қопламаларнинг четлари бўйлаб мустаҳкамловчи тасмаларни ва бордюрларни тиклаш ҳамда қайта қуриш;

ер кўтармасини тўғрилаш ва қайта қуриш жойларида, кесишма ва туташмаларда, қайрилиш майдончаларида, йўлкаларда, пиёдалар ва велосипедчилар йўлкаларида, алоҳида кесиб ўтиш жойларида, чиқиш йўлларида, йўл-таъмирлаш хизмати объектларига бориш йўлларида, таъмирланаётган автомобиль йўллари-нинг айланиб ўтиш жойларида йўл тўшамаларини янгидан қуриш;

в) сунъий иншоотлар бўйича:

қатнов қисмини тўлиқ ёки қисман қайта қуриш, кенгайтириш ва кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларнинг, уларнинг габаритлари ва ҳисоблаб чиқилган оғирликларини тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ таъмирланаётган автомобиль йўли учун белгиланган техник тоифага тўғри келадиган нормаларга етказган ҳолда кучайтириш;

нуқсонли ёки эскириб қолган таянчлар ёки оралиқ қурилмаларнинг барчасини ёки бир қисмини янгиларига тўлиқ алмаштириш, плиталарни кучайтирган ҳолда кўприк кўтармаси элементларини алмаштириш, сув ўтказиш қувурларини қайта қуриш ёки алмаштириш, барча ёки битта пўлат-темир-бетон (пўлат) оралиқ қурилмалардаги плиталар (тўшама)ни алмаштириш, кўприкности габаритини кесишадиган тўсиқнинг (автомобиль йўллари, темир йўллар) тегишли синфи учун талаб қилинадиган катталиқкача ошириш;

тахламдаги подферменниклар ва алоҳида блокларни алмаштириш, таянчлар юзасини торкретирлаш, ригеллар ва устунлар қисмларини тиклаш, таянчларнинг айрим элементларини кучайтириш, кўрик ўтказиш ва таъмирлаш учун таянчлар ўрнатиш;

оралиқ қурилмаларни кўтарган ҳолда таянч қисмларни алмаштириш ёки тўғрилаш;

тиргак деворлари, кўчкига қарши галереялар, кўтармаларни қуриш ва уларни тиклаш, мустаҳкамловчи ва тартибга солиш иншоотларини қуриш, ҳимоя қурилмаларини (кўтарма ғов, шпор, дамбалар ва ҳоказолар) тиклаш ёки қуриш;

кўшимча вентиляция штольнялари ва шахталарни қуриш, шунингдек тоннелларнинг электр ёритиш, иситиш, ёнғинни ўчи-

риш тизимларини ўрнатиш, пардозлашни назарда тутган ҳолда тоннелларни тиклаш;

мукаммал таъмирлангандан кейин паспорт тузган ҳолда кўприк иншоотларини текшириш ва синаш;

оралиқ қурилмаларнинг айрим кўтариб турувчи элементларини кучайтириш ёки алмаштириш ёки уларга қўшимча қилиш;  
г) бинолар ва ёрдамчи иншоотлар бўйича:

биноларнинг ички тузилишини ўзгартириш ва таъмирланаётган бинолар баланс қийматининг 40 фоизидан ошмайдиган таъмирлаш ишларининг айрим турларини бажариш;

мавжуд бино қийматининг 25%идан ошмаган ҳолда ёрдамчи бинолар ва иншоотлар (устахоналар, саройлар, омборлар, қудуқлар, ошхоналар, буғ қозонхонаси, ҳовли майдонидаги муҳандислик тармоқлари, тозалаш иншоотлари) ҳамда объект атрофини ободонлаштириш деворларини қуриш;

йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишлари учун зарур бўлган ишлаб чиқариш бинолари ва ёрдамчи иншоотларни, вақтинчалик иншоотларни ҳам киритган ҳолда, вақтинчалик бино ва иншоотлар учун мўлжалланган смета баҳоси доирасида (битум ва эмульсияли базалар, музгарчиликка қарши материалларни сақлаш ва қайта ишлаш базалари, тош майдалаш ва саралаш базалари, асфальт-бетон ва цемент-бетон қориштириш қурилмалари, базалари, трассаолди конларининг бино ва иншоотлари, қурилиш ашёлари омборлари, катта кўприкларни қўриқлаш базалари, йўл-таъмирлаш пунктлари) қуриш;

автомобиль йўлларини мукаммал таъмирлаш бўйича ишлар қилинадиган жойларда йўл хизмати ишчиларини жойлаштириш мақсадида вақтинчалик бино ва иншоотларга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан улар кейинчалик яшайдиган доимий турар жойларни қуриш. Ҳар йили вақтинчалик бино ва иншоотларга (вақтинчалик ўрнига доимий турар жойларни қуришни ҳисобга олган ҳолда) сарфланадиган харажатлар тегишли йўлдан фойдаланиш хизмат идораси учун белгиланган мукаммал таъмирлаш бўйича йиллик иш ҳажмининг 5%идан ошмаслиги керак. Жойлардаги автомобиль йўллари давлат бошқаруви органлари, зарурият бўлганда, кўрсатиб ўтилган маблағларни жамлашлари ҳамда улардан белгиланган тартибда юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланишлари мумкин;

д) автомобиль йўлларини жиҳозлаш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича:

автобус бекатларида янги тўхташ ва чиқиб-тушиш майдонча-

**лари** ва автопавильонларни, ҳаракат қатнашчиларининг дам олиши учун жиҳозланган автомобилларнинг тўхташи ва тўхтаб туриши учун мўлжалланган майдончаларни, шунингдек пиёдалар ўтиш жойларини (жумладан, турли сатҳларда) қуриш ва мавжудларини таъмирлаш;

аҳоли пунктларидан ўтадиган автомобиль йўллари участкаларида йўлкалар, шовқиндан ҳимоя қилиш иншоотлари ва пиёдалар (велосипедчилар) йўлкалари, транспортларни текшириш чуқурлари, ҳожатхоналар ва эстакадаларни қуриш;

янги тўсувчи тўсиқлар, йўналтирувчи мосламалар ва йўл белгиларини ўрнатиш ва мавжудларини қайта ўрнатиш, йўллар мукамал таъмирлангандан кейин бутун автомобиль йўлида ёки унинг участкаларида доимий ётиқ йўл белгиларини чизиш;

тезликни ўзгартириш тасмалари ва ажратувчи оролчалар, шунингдек тик кўтарилиш жойларида секин юрадиган транспорт учун қўшимча тасмалар ва узоқ чўзиладиган нишабликларда тутиб турадиган аварияли камгаклар ўрнатиш;

бир ва турли сатҳдаги мавжуд кесишма ва туташмаларни такомиллаштириб қайта қуриш ҳамда янгиларини қуриш, турли сатҳлардаги мавжуд кесишма ва туташмаларда параметрларни яхшилаш ҳамда қўшимча виражлар, кириш ва чиқиш йўлларини қуриш, автомобиль йўлларининг айрим участкаларида, кўприклар, йўл ўтказгичлар, тоннелларда электр ёритиш мосламаларини ўрнатиш, линияли радио алоқаси ва технологик ҳамда сигнал бериш-қақириш алоқасининг бошқа воситаларини, кабель тармоқларини ўрнатиш;

автомобиль йўлларининг автомобиль йўллари ва темир йўллар билан кесишган жойларида ҳаракатни ташкил этиш ва тартибга солишнинг янги воситаларини ўрнатиш (монтаж қилиш) ва мавжудларини қайта ўрнатиш;

масофадан туриб бошқариладиган белгиларни ва ахборот алмашиб туриладиган таблоларни, светофорларни, автоматика ва телемеханика тизимларини қўллаган ҳолда йўлларнинг ҳолати ва ҳаракат шароитлари мониторинги, диспетчерлик ва автоматлаштирилган ҳаракатни бошқариш тизимлари учун жиҳозлар ва ҳисобга олиш пунктини қуриш;

қорни ўлчаш, сувни ўлчаш постлари ва бошқа постларни қуриш.

12. Мукамал таъмирлаш бўйича бошқа ишлар:

таъмирлаш ишларини бажариш учун тупроқ захиралари ва маҳаллий тош материаллари конларини қидириш ва ўзлашти-

риш, кесиб ўтиш йўллари, ишлаб чиқариш базалари ва конларга, электр билан таъминлаш учун юқори вольтли электр узатиш линияларига олиб борадиган йўлларини, боши берк темир йўлларини қуриш;

йўл-қурилиш материалларини вақтинча сақлаш учун майдончалар қуриш, таъмирланаётган участкаларни вақтинча айланиб ўтиш йўллари қуриш, шунингдек табиий офатлар натижасида бузилган автомобиль йўллари участкаларини айланиб ўтиш йўлларини тугатиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари, вақтинча ажратилган минтақани рекультивация қилиш, илгари конлар, захиралар, айланиб ўтиш йўллари, автомобиль йўлларининг зарур бўлмаган участкалари, йўл иншоотлари, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқалар учун банд қилинган ерларни рекультивация қилиш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини мукамал таъмирлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, ер ажратиш, иморатларни бузиш ва дов-дарахтлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан уларни экспертизадан ўтказиш;

лойиҳага муҳандислик ва илмий-техник ишланмаларни илова қилиш.

#### **IV. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини ўртача таъмирлаш**

13. Таъмирланаётган автомобиль йўлининг айрим участкаларида (йўлнинг икки қисми ўртасидаги оралик масофада — перегонларда) йўл қопламасининг эскирган юқори қатламини вақти-вақти билан ва қисман қоплаш ҳамда автомобиль йўлининг айрим участкалари ва айрим йўл иншоотларининг дастлабки фойдаланиш сифатларини сақлаш, қопламанинг раволигини сақлаш, ер кўтармаси, тоннеллар, сув қочиргичлар, сунъий, ҳимоялаш, мустаҳкамлаш ва тартибга солиш иншоотлари, йўл жиҳозлари, дам олиш жойлари ва тарихий ёдгорликларга бориш йўллари, чиқиш ва кесиб ўтиш йўллари ҳамда автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг бошқа конструктив элементларининг шикастланган жойларини сошлаш, шунингдек тошқин ва муз кўчиши даврида уларни бузилишдан сақлайдиган профилактика ишларини бажариш ўртача таъмирлашнинг вазифалари ҳисобланади.

14. Йўл қопламасининг раволиги ва тишлашиш сифатлари чекланган (йўл қўйиладиган) қийматгача пасайиб кетганда ёки

автомобиль йўли ва йўл иншоотларининг бошқа элементларида автомобиль йўлини жорий таъмирлаш ишлари билан бартараф этиш мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган бузилиш ва емирилишлар жамланиб қолган ҳолларда йўл қопламасини техник текшириш ва техник кўздан кечириш натижалари автомобиль йўлларини ўртача таъмирлаш учун мезон ҳисобланади.

15. Ўртача таъмирлаш техник текшириш ва техник кўздан кечириш натижалари асосида белгиланган тартибда ишлаб чиқилган, давлат экспертизасидан ўтган ва тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалдаги таъмирлашлараро муддатларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ҳажми техник ҳисоб-китоблар ва муҳандислик изланишларини талаб этмайдиган ишларнинг айрим турларини бажаришда ўртача таъмирлаш ишларини автомобиль йўлларини техник текшириш ва техник кўздан кечириш натижалари ёки нуқсонлар қайдномалари асосида тузилган ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган смета ҳужжатлари бўйича амалга оширишга йўл қўйилади.

16. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини ўртача таъмирлашга қўйидаги ишлар киради:

а) ер кўтармаси ва сув кетказиш бўйича:

сув ювиб кетган ва емирилган участкаларни, шу жумладан гирдоб ва ўпирилиш ҳодисалари оқибатида емирилган участкаларни тиклаш, кўчки тушган, ўпирилган ва сел олган жойларни тозалаш;

ўйма ва кўтармалар қияликларининг тиклигини камайтириш, барқарор чим қопламасини яратиш бўйича зарур агротехника тадбирларини ўтказган ҳолда ер кўтармаси ва захираларининг қияликларига ўт экиш, ер кўтармасининг барқарорлигини таъминлайдиган мустаҳкамлаш ва бошқа ишлар;

зах (нам) жойларда унча катта узунликда бўлмаган ер кўтармасини кўтариш, унча катта бўлмаган ўпирилган участкаларни тугатиш, аккумуляция полкалари қуриш, олиб ташланадиган қорни жойлаштириш учун ва режадаги эгрларда кўринишни таъминлаш учун ўймалар нишабликларини қирқиш, қияликларини сув ювишидан ҳимоя қилиш ва четдан келадиган қорни ушлаб қолиш учун тупроқли кўтармалар, банкетлар ва бермаларни қуриш;

кесишма ва туташмаларда, тўхташ майдончаларида, автомобиль турар жойларида, йўл-таъмирлаш хизмати объектларига,



диккатга сазовор жойларга бориш йўлларида ер тасмаси ва сув кетказиш тизимларини тиклаш;

мавжуд сув кетказишнинг зовурларини ялпи тозалаш ва янги-ларини казиш, сув емириб кетиши мумкин бўлган участкаларда уларнинг деворини ва тубини мустаҳкамлаш;

дренаж, ҳимояловчи ва мустаҳкамловчи қурилмалар, сув кетказиш новлари, кўприк ва қувурларнинг сув кириш ва чиқиш ўзанлари, ёмғир канализацияси, сув қудуқлари носозликларини тузатиш, қирғоқни ҳимоялаш ва эрозияга қарши қурилмаларни тиклаш;

йўл четларини тўлдириш, кесиш ва мустаҳкамлаш;

б) йўл тўшамаси бўйича:

талаб қилинадиган текислик ва ғадир-будирликни таъминлаган ҳолда йўл қопламасининг эскирган устки қатламларини тиклаш, эски қопламадан такроран фойдаланишни таъминлайдиган усуллар ёрдамида қопламани тиклаш;

барча турдаги йўл тўшамасига устки ишлов бериш, ҳимоя қатламлари ва емирилиш қатламларини қуриш, йўлнинг қатнов қисмида 150 метргача узунликда қопламани картасимон таъмирлаш;

устки фрезерлаш, қопламанинг янги қатламини ётқизиш ёки устки ишлов бериш усуллари билан 45 миллиметргача бўлган чуқурликдаги филдирак изларини ва бошқа нотекисликларни тузатиш;

филдирак изларини қора чақир тош ёки асфальт-бетон билан тўлдирган ва қопламанинг бутун кенглигида эмульсияли-минерал аралашмадан ҳимоялаш қатламини ётқизган ҳолда икки қатламли эмульсияли-минерал аралашмани ётқизиш ёки филдирак изи нотекисликларини устки ишлов бериш, қисман фрезерлаш ёки қиррани текислаш йўли билан 30 миллиметргача чуқурликдаги филдирак изларини йўқотиш;

такомиллаштирилган қопламаларнинг четларига бордюрлар ўрнатиш ва тиклаш, мустаҳкамлаш тасмалари ва йўл четларини фрезерлаш ва битум-минерал аралашмалардан қопламалар ётказиш;

плиталарни алмаштириш, кўтариш ва текислаш, цемент-бетон қопламаларда бўйлама ёки кўндаланг ариқчаларни кесиб чиқиш;

чақиқ тошли, шағалли ва тупроқли яхшиланган автомобиль йўлларининг кесимини тиклаш ва ижро ҳужжатларига мувофиқ

ҳар бир километрга ўртача 500 куб метргача шағал ёки чақик тош тўккан ҳолда кучайтириш;

асфальт-бетон ва цемент-бетон қопламаларнинг кўчиб кетган ва уваланган участкаларда эмульсияли-минерал аралашмалардан химоя қатламларини ётқизиш;

асфальт-бетон қопламаларнинг эскирган устки қатламларини тиклаш ва автомобиль йўлларининг унча катта бўлмаган айрим участкаларида қопламанинг янги қатламини ётқизиш;

в) сунъий иншоотлар бўйича:

янги сув ўтказиш қувурларини қуриш ёки уларнинг ҳисоблаб чиқилган оғирликлари ва габаритларини тасдиқланган лойиҳасмета ҳужжатларига мувофиқ таъмирланаётган автомобиль йўли учун белгиланган техник тоифага тўғри келадиган нормаларига ётказиб, уларни тўлиқ ёки қисман қайта қуриш;

бошқарувчи қурилмалар кўтармалари конусларини тиклаш, бузилган чокларни, кўчма плиталарни, сув кетказиш тизимларини, таянч ва кўприк кўтармасининг айрим элементларини, тўсиқлар, панжаралар ва йўлчаларни тиклаш;

кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг элементларини бўйлаб, суваш, чириш ва емирилишга қарши химоя чораларини кўриш;

сув ўтказиш қувурларининг айрим бўғинларини ва каллакларини узайтириш, алмаштириш, қувурларнинг химоя қатлами ва туташган жойларини тўғрилаш;

тоннель қопламасини кучайтириш, қисман алмаштириш (25 фоизгача), гидроизоляцияни, вентиляция, иситиш, ёритиш тизимларини, штольня (ер ости йўли)ни ҳамда тоннелларда ёнғинни ўчириш тизимини сув билан таъминлаш учун қудуқларни тиклаш ва ерости сувларидан химоя қилиш, порталларни кучайтириш, сув кетказиш новларини ва ҳоказоларни тиклаган (алмаштирган) ҳолда йўл тўшамасини тиклаш, тиргак деворларни, галереяларни, кўтармаларни ҳамда бошқа химоялаш ва мустаҳкамлаш иншоотларни кучайтириш;

кўприк иншоотида ва кўтарма билан туташ жойларда сув кетказиш тизимларини ўрнатиш ёки уларни алмаштириш, оқова сувларни тозалаш қурилмаларини қуриш ёки тиклаш;

мустаҳкамловчи ва бошқарувчи иншоотларни қуриш, химоя иншоотлари (кўтарма ғов, шпорлар, дамбалар ва бошқалар)ни тиклаш ёки қуриш;

кўтарманинг емирилган участкаларини тиклаш ва қияликларни мустаҳкамлаш, конусни мустаҳкамлаш учун тиргакни тик-

лаш ва бошқарувчи иншоотларда қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари;

г) автомобиль йўллари жиҳозлаш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича:

етишмаётган йўл белгиларини тиклаш ва янгидан ўрнатиш ҳамда йўлнинг қатнов қисмининг горизонтал йўл белгиларини чизиш, шунингдек якка тартибдаги лойиҳалаш таблосини тиклаш ва ўрнатиш;

тўхташ, бекат майдончалари қуриш ва мавжудларини тиклаш, автобус бекатларида автопавильонлар, ҳожатхоналар, автомобилларнинг тўхташ ва тўхтаб туриш майдончалари, пиёдалар ўтиш жойлари ҳамда йўлкалар, пиёдалар ва велосипедчилар йўлкалари, аҳоли пунктларидан ўтадиган йўл участкаларида шовқиндан ҳимоя қилиш қурилмаларини қуриш ва уларни таъмирлаш;

айрим тўсиқлар ва йўналтирувчи қурилмаларни ўрнатиш ҳамда айрим конструктив элементларини алмаштирган ҳолда уларни таъмирлаш;

ҳаракатни диспетчер орқали ва автоматлаштирилган бошқариш элементлари ва тизимларини ўрнатиш, тиклаш ва такомиллаштириш, автоном ва масофадан туриб бошқариладиган белгиларни ва ахборот алмашиб турадиган таблонни, светофор объектларини янгидан ўрнатиш ва мавжудларини тиклаш;

ҳаракат учун хавфли автомобиль йўлларида горизонтал эгриларда виражлар қуриш;

автомобиль йўллари ва уларнинг айрим участкалари, йўл ечимлари, дам олиш майдончаларини, автобус бекатлари, кузатиш майдончалари ва бошқа объектларни меъморий-бадий безаш, жиҳозлаш ва ободонлаштириш;

автомобиль йўлларининг айрим участкаларида, кўприқлар, йўл ўтказгичлар ва тоннелларда электр ёритгичларни таъмирлаш ва тиклаш;

йўл радио алоқаси ҳамда технологик ва сигнал берувчи-қақрувчи алоқани таъмирлаш ва тиклаш, кабель тармоғини тиклаш;

таъмирлаш даврида вақтинчалик ётиқ йўл белгилари чизиш, вақтинчалик ётиқ йўл белгиларини ўчириш ва доимий горизонтал ва вертикал ётиқ автомобиль йўл белгиларини чизиш.

17. Ўртача таъмирлаш бўйича бошқа ишлар:

автомобиль йўлларининг таъмирланаётган участкаларида вақтинчалик айланиб ўтиш йўлларини қуриш ва уларни тугатиш;

материалларни сақлаш ва ерни рекультивация қилиш учун майдончалар қуриш;

кўприк иншоотларини лойиҳадан олдин текшириш, автомобиль йўллари ва бошқа йўл иншоотларининг ташхиси ва ҳолатини баҳолаш ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини ва таъмирлаш бўйича энг мураккаб ишларнинг муҳандислик ишланмасини ишлаб чиқиш.

## **V. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини жорий таъмирлаш**

18. Жорий таъмирлашнинг вазифаси — йўлнинг қатнов қисми, ер кўтармаси, сув кетказиш тизими, сунъий, мустаҳкамловчи, химоялаш, бошқарувчи иншоотлар, паром кечувлари, тоннеллар, йўл жиҳозлари, дам олиш жойлари ва тарихий ёдгорликларга бориш йўллари, кесиб ўтиш ва чиқиш йўлларида фойдаланиш жараёнида доимий равишда пайдо бўладиган майда шикастланишларни бартараф этиш, автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг конструктив элементларини тартибли сақлаш ҳамда тошқинлар ва муз кўчиши даврида улар емирилишининг олдини оладиган профилактика ишларини бажаришдир.

Жорий таъмирлаш, қоидага кўра, автомобиль йўлининг бутун узунлигида доимий равишда бажарилади ҳамда йўл-фойдаланиш ташкилотининг таъмирловчи ходимлари томонидан амалга оширилади.

19. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини жорий таъмирлаш вақти-вақти билан ўтказиладиган техник кўриқлар (бахорги ва кузги) натижалари асосида жорий таъмирлаш сметаларида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

20. Унча аҳамиятли бўлмаган ва осон бартараф этиладиган шикастланишлар аниқланган йўл қопламаси ва йўл иншоотларининг ҳолатини техник кўздан кечириш натижалари автомобиль йўллари жорий таъмирлашни тайинлаш учун мезон ҳисобланади.

21. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини жорий таъмирлашга қуйидаги ишлар киради:

а) ер кўтармаси ва сув кетказиш тизими бўйича:

ер кўтармаси, сув кетказиш тизими, захиралар, химоялаш, мустаҳкамлаш ва бошқариш иншоотларининг айрим майда шикастланишларини тузатиш;

ўт экиб, тупроқ тўкиб ва қирқиб қияликлар, кўтармалар ва

ўймаларни қисман текислаш ва айрим участкаларнинг йўл четларини текислаш;

б) йўл тўшамаси бўйича:

цемент-бетон қопламаларда чокларни таъмирлаш ва тўлдириш;

барча турдаги қопламалардаги чуқурлар, ёриқлар, ўнқир-чўнқирлар, филдирак изларини тўлдириш, чўккан, ёрилган жойларни, йўл хошияларини, бордюрларни тузатиш, қора қопламали юзада радир-будурликни тиклаш;

чақик тош ва шағал қопламали, шу жумладан битум ва қатрон материаллар қопланган йўлларга тош ушоқлари ва майда шағал тўқиш;

йўлларни хлорли кальций, қатрон, битум ва бошқа материаллар билан чангсизлантириш;

айрим участкаларда кўшимча кўшмаган ҳолда тупрокли ва шағал автомобиль йўллари кесимини тўғрилаш;

автомобиль йўлларига ётиқ йўл белгиларини чизиш, иншоотларни бўяш, йўл четларидаги ва ажратилган тасмадаги ўтларни ўриб олиш;

в) сунъий иншоотлар бўйича:

иншоотлар айрим элементлари (панжара, тўшама, тиргак, кашак, тўсадиган деворлар ва дренаж қурилмалари)нинг унча катта бўлмаган шикастланишларини тузатиш;

тош деворларни таъмирлаш, суваш, михпарчинларни қисман алмаштириш, кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг металл элементларини бўяш;

ариклардан ўтиш кўприкчаларини алмаштириш ва тузатиш;

кўчма кўприклардаги, паром кечувларидаги, қирғоқда тўхташ жойларидаги унча катта бўлмаган бузилишларни тузатиш (очик жойларни битумланган арқонлар билан тўлдириш ва бошқалар);

тиргак деворлар ва парапетларнинг шикастланган жойларини таъмирлаш;

сув кетадиган қувурлар ва новларни ҳамда уларга туташ изоляцияни тузатиш, бузилган чоклар, йўлкалар, панжаралар ва тўсиқларнинг шикастланган жойларини тузатиш, кўприк иншооти кўтарма билан туташадиган зонани тиклаш ёки қайта қуриш, кўчма плиталарини қисман алмаштириш ёки уларнинг ҳолатини тузатиш;

кўприк кўтарма билан туташган зонада 10 сантиметргача чўкишларни тузатиш ҳамда оқишни тўхтатган ҳолда сув ўйиб кетган жойларни тузатиш, панжаралар ва тўсиқларни, шунинг-

дек ёритиш устунларини яхлит бўяш, кўприк иншооти конструкциясига тегишли йўл белгиларини чизиш;

темир-бетон конструкцияларнинг нуқсонларини йўқотиш, шу жумладан юзани гидрофоблаш, плиталарнинг ғовак, синик ва ёрик жойларини тузатиш, тешикларини беркитиш, диафрагмаларнинг емирилишларини тузатиш, бўйлама чокларни яхлитлаш, оралик қурилмаларни яхлит бўяш;

қопламалар ва тўшамани қисман алмаштириш, сув чиқариш қувурлари ва новларни алмаштириш, кўприк кўтармаси қисмидаги изоляцияни тиклаш, кўприкда ва унга бориш жойларида сув чиқариш тизимини тиклаш, бузилган чокларни тузатиш ёки алмаштириш, йўлкалар, панжараларни кучайтириш ёки алмаштириш, тўсиқлар ўрнатиш ёки уларни алмаштириш;

телекузатиш, ёритиш, вентиляция, иситиш, ёнғинни автоматик ўчириш, алоқа, кичик станция, тоннелларнинг электр узатиш ва сув кетказиш линиялари (шу жумладан цементация) тизимининг ишдан чиққан айрим элементларини таъмирлаш ва алмаштириш;

г) бинолар ва ёрдамчи иншоотлар бўйича:

деворлар ва қопламалар материалларини 40 фоизгача алмаштирган ҳолда биноларнинг нуқсонлари ва шикастланишларини тузатиш, сувоқларни тўғрилаш ва тирқишларни таъмирлаш, тўсиқ, девор, пол, шифт, том, эшик, печ, қудук, сув қувури, канализация ва газ тармоғи, алоқа линияларининг айрим элементларини алмаштирган ҳолда бўяш, оқлаш, ойна қўйиш, таъмирлаш;

ишлаб чиқариш бинолари ва йўлдаги биноларнинг ташқи деворларини қисман тиклаш;

д) автомобиль йўлларини жиҳозлаш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича:

айрим ҳолатларда етишмаётган белгилар ва тўсиқларни ўрнатиш, шикастланишларни тузатиш, айрим носоз йўл белгилари ва тўсиқларни бўяш ва алмаштириш ҳамда шийпончалар, ўриндикларни ўрнатиш ва уларни таъмирлаш, панноларни ўрнатиш ва таъмирлаш;

ободонлаштириш ва меъморий безаш элементларидаги, шунингдек муҳофазаловчи ва огоҳлантирувчи қурилмалардаги носозликларини тузатиш;

кўринишни таъминлаш учун айрим дарахтларни олиб ташлаш ва дарахт шохларини кесиш;

автомобиль йўллари жиҳозлари ва элементларини бўяш, уларни озода ва тартибли сақлаш.

## **VI. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш**

22. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш вазифаси — йилнинг исталган вақтида узлуксиз ва хавфсиз автомобиль ҳаракатини таъминлаш шартлари бўйича йўл қўйиладиган талабларга мувофиқ сақлашни таъминлайдиган уларга доимий қарашни таъминлашдан иборат.

23. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш ишлари тасдиқланган сметаларга мувофиқ автомобиль йўлининг узунлигида бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари бўйича мунтазам равишда амалга оширилади.

24. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш қуйидаги ишларни ўз ичига олади:

а) ер кўтармаси ва сув кетказиш тизими бўйича:

ажратилган минтақани, йўл четларини, нишабликларни ва ажратувчи тасмаларни мунтазам равишда озода ва тартибли сақлаш, чиқиндилардан ва бегона буюмлардан тозалаш, текислаш; кесилган қолдиқларни йиғиштириб олган ҳолда ўтларни ўриб олиш ва буталарни кесиш, ножоиз ўсимликларни кимёвий усул билан йўқ қилиш, йўл четларини чанг ва ифлосликлардан тозалаш;

сув кетказиш тизимини мунтазам равишда иш ҳолатида сақлаш, йўл четидаги ариқларни ва сув кетадиган зовурларни тозалаш ва қиялаб текислаш, уларнинг мустаҳкамланган жойлари нуқсонларини тузатиш ёмғир канализацияси, дренаж қурилмалари, кўприк ва қувурларнинг сув кириш-чиқиш ўзанлари, тез оқар сув ўтказгичлар ва сув туширгичларнинг майда носозликларини бартараф этиш;

кўтарма ва ўймаларнинг нишабликлари носозликларини тузатиш ва текислаш (зарурият бўлса тупроқ қўшган ҳолда);

мустаҳкамланмаган йўл четларини қирқиш, текислаш ва зичлаш, мустаҳкамланган йўл четларидаги бузилишлар ва шикастланишларни бартараф этиш;

белгиланмаган жойлардаги кириш ва чиқиш жойларини тузатиш, ёзги трактор йўлларини қуриш ва қиялаб текислаш;

табiiй муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирларини бажариш, автомобиль йўлларининг йўлолди тасмасини қуриш ва белгилаш;

б) йўл тўшамаси бўйича:

йўл қопламасини чиқинди, чанг ва ифлосликлардан, қор, муздан мунтазам равишда тозалаш, бегона буюмларни йиғиштириш, кум ва сирпанчиққа қарши аралашмалар сепиш йўли билан автомобиль йўлларининг қатнов қисми музгарчилиги ва сирпанчиқлигини бартараф этиш, шунингдек битумнинг терлаши натижасида ҳосил бўлган сирпанчиқликни бартараф этиш;

йўлларни чангсизлантириш;

қабарикли ва кучсиз тупроқли йўл участкаларига қараш (вақтинчалик тўсиш ва ҳаракатни тартибга солиш, шчитлар, тахталар, шох-шаббалар ва бошқа материаллар билан ёпиш, шунингдек зарурияти бўлмаганда уларни йиғиштириб олиш);

локал карталар билан майда заррали юза қатлам воситасида ёриқлар ва ёриқларнинг тўрлари кучайишининг олдини олиш ва уларни тўхтатиш;

цемент-бетон қопламалар плиталарининг парчаланган ва синган жойларини юза емирилишлардан таъмирлаш;

шағалли, чақиқ тошли ва тупроқли қопламаларнинг кесимини тўғрилаш;

в) сунъий иншоотлар бўйича:

кўприк кўтармаси элементларини, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик қурилмалар элементларини, тахта зиналарни, таянчлар, қувурлар, тоннеллар ва бошқа иншоотларни чанг ва ифлосликдан тозалаш;

конуслар, нишабликлар, кўприкости ўзанларни, шунингдек сув ўтказиш қувурларнинг ўзанларини ва қувурлар устидаги кўтармалар нишабини тозалаш (шу жумладан ўсимликлардан тозалаш);

тошқин сувларини ўтказиб юбориш, қор ва музни йиғиштириб олиш, тозалаш иншоотларига қараш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль йўллари ва иншоотларини сув тошқинидан ҳимоя қилиш, тикилиб қолган жойларни тозалаш, тошқинга қарши тадбирлар;

таянчлар ва оралик қурилмаларнинг металл конструкциялари элементларини қисман бўйлаб, нуқсонли михпарчинларни алмаштириш, болтларни тортиш, металлдаги ёриқларни таъсир кўрсатмайдиган ҳолатга келтириш, тўсинларнинг темир-бетон плиталар билан бирлашадиган жойларини ва ферма боғламларини тиклаш;

тоннеллардан хавфсиз фойдаланиш учун локал участкаларда тоннелларнинг шикастланган қопламаларини ва сув кетказиш



новлари, гидроизоляция, вентиляция ва ёритиш тизими, ёнгинни ўчириш, аварияга қарши ва бошқа техник қурилмалар шикастланишларини бартараф этиш;

кўприк кўтармасининг барча элементларини ҳамда кўтарма билан тутшиб кетадиган зонани, фермаости майдончаларни, таянч қисмларни, оралик қурилмаларни, таянчларни, конуслар ва бошқарувчи иншоотларни, бориш жойлари ва тахта зиналарни қор ва муздан тозалаш;

г) автомобиль йўлларини жиҳозлаш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

белгиларга қараш, шикастланган йўл белгиларини алмаштириш ва етишмаётганларини янгидан ўрнатиш;

автобус бекатларини, пиёдалар ўтиш жойлари, дам олиш майдончалари, йўл белгилари учун конструкциялар, тўсиқлар, йўналтирувчи қурилмалар, шийпончалар ва уларнинг жиҳозлари элементлари, шунингдек шовқиндан ҳимоя қиладиган қурилмаларни бўяган ҳолда озода ва тартибли сақлаш, автомобиль йўлларини меъморий-бадий безашнинг шикастланган айрим элементларини тузатиш, ушбу элементларга керакли тарзда қараш, ҳожатхоналар, йўл-таъмирлаш пунктлари, йўл усталари уйларини тозалаш;

шийпончалар, ўриндиқлар, паннолар ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда бўяган ҳолда озода ва тартибли сақлаш, ичимлик сув манбалари ва артезан қудуқлар қазиш, уларни озода ва тартибли сақлаш;

ҳаракатни ҳисобга олиш пунктларини сақлаш, тиклаш ва янгидан қуриш, йўл конструкциясининг ва автомобиль йўли ишини ўрганиш учун зарур бўлган бошқа қурилмаларнинг, автомобиль йўлининг алоҳида элементлари ва иншоотларининг ҳолатини баҳолаш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг баланс қийматига киритилган тарозидида тортишни назорат қилиш пунктларини, сув ўлчаш постларини, метеорологик пунктларни, об-ҳаво шароитлари ва ҳаракат шарт-шароитлари мониторинги тизимини, технологик ва сигнал берувчи-чақирувчи алоқани, кабель тармоғини, шунингдек светофор объектларини, ҳаракатни ташкил этиш воситаларини, ҳаракатни диспетчер орқали ва автоматлаштирилган бошқариш воситаларини сақлаш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари балансига киритилган йўлларни электр билан ёритиш линияларини, кўприклар, йўл ўтказгичлар, тоннеллар, транспорт ечимлари, паром кечув-

лари ва бошқа иншоотларни сақлаш, трансформаторларни тафтиш қилиш, ёритиш учун сарфланган электр энергиясига ҳақ тўлаш;

хизмат қилиш муддатини ўтаб бўлган вертикал ва горизонтал йўл белгиларини, шу жумладан сунъий иншоотлар элементларидаги йўл белгиларини ўчириш, эскирганларини тиклаш ва янгидан чизиш;

йўл тўсиқлари ва йўналтирувчи қурилмаларни тузатиш, автомобиль йўлини жиҳозлаш элементлари ва белгиларига қараш; автобус бекатлари, павильонлар, йўлкалар ва дам олиш майдончаларини қор ва муздан доимий равишда тозалаш.

## **VII. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини қишда сақлаш**

25. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини қишда сақлашнинг вазифаси автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини йилнинг қиш даврида узлуксиз ва хавфсиз автомобиль ҳаракатини таъминлаш шартлари бўйича йўл қўйиладиган талабларга мувофиқ уларнинг ҳолатини доимий сақлашни таъминлашдан иборат.

26. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини қишда сақлаш ишлари тасдиқланган сметаларга мувофиқ бутун йил мобайнида автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг барча элементлари ва иншоотлари бўйича автомобиль йўлининг бутун узунлигида мунтазам равишда амалга оширилади.

27. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини қишда сақлашга қўйидаги ишлар киради:

қордан доимий химоя қилиш иншоотлари (деворлар, панеллар, кўтармалар ва қорни ушлаш тўсиқлари)ни тайёрлаш, ўрнатиш ва таъмирлаш, қордан химоя қилиш иншоотларига қараш;

вақтинчалик қорни тутиб турадиган қурилмалар (шчитлар, тўсиқлар ва тўрлар) тайёрлаш, ўрнатиш (қайта ўрнатиш), тиклаш, йўлолди тасмасида қорни тутиб қолиш учун қорни ушлаш тўсиқлари ва хандақлар барпо этиш ҳамда уларни вақти-вақти билан янгилаб туриш;

автомобиль йўлларини қордан тозалаш, автомобиль йўлларини қор уюмларидан тозалаш, йўл четларидаги қорларни йиғиштириш, паст тоифадаги автомобиль йўлларининг қатнов қисмида қор қопламини қиялаб текислаш ва зичлаш;

қишки сирпанчиқни олдиндан аниқлаш ва прогнозлаштиришнинг автоматлаштирилган тизимларини, шунингдек кўприклар,

йўл ўтказгичлар ва турли сатҳдаги йўл ечимларида музгарчиликка қарши реагентларни тақсимлашнинг автоматлаштирилган тизимларини ўрнатиш ва сақлаш;

қишки сирпанчиқликка қарши кураш, музгарчиликка қарши материалларнинг янги базаларини ўрнатиш, мавжудларини эса тиклаш ва таъмирлаш, уларга бориш йўлларини куриш, табиий шўр сув олинадиган қудуқлар қазिश, жиҳозлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, музгарчиликка қарши материалларни тайёрлаш ва сақлаш, музгарчиликка қарши хоссаларга эга бўлган копламининг юқори қатламини қуриш ва сақлаш;

музларга қарши курашиш, музга қарши иншоотларни куриш, сунъий иншоотлар яқинида ўзанларни тозалаш ва мустаҳкамлаш, музларни йўқотиш;

кўчкига қарши чора-тадбирларни амалга ошириш, кўчки қатламларини йиғиштириб олиш.

### **VIII. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини кўкаламзорлаштириш**

28. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини кўкаламзорлаштириш вазифаси автомобиль йўлларини қор ва қум кўчкиларидан ёки эрозиядан доимий ҳимоя қилишни таъминлашдан ва автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг маъмурий-бадий безагини барпо этишдан иборатдир.

29. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини кўкаламзорлаштириш ишлари автомобиль йўлининг бутун узунлигида унинг барча элементлари ва иншоотлари бўйича бутун йил давомида тасдиқланган сметаларга мувофиқ амалга оширилади.

30. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини кўкаламзорлаштиришга қуйидаги ишлар киради:

кўчатхона ва дарахтзорлар учун тупроқни тайёрлаш, кўчатлар етиштириш (ёки улар қийматини тўлаш) ва кўчатларни транспортда ташиш;

автомобиль йўлларини қум ва қор кўчкиларидан ҳимоя қилиш учун ўрмон тасмаларини барпо этиш, эрозияга қарши ва манзарали дарахтларни экиш;

дарахтларни парвариш қилиш, дарахтларни кесиш-каллаклаш, қуруқ дарахтларни йиғиштириб олиш, дарахтларни ёнғиндан ҳимоя қилиш, ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш;

уруғлик сепиш ва гул экиш, ажратилган минтақага ва ажратиш тасмасига ўт экиш;

сугориш тармоқларига уланган (новлар, кўприклар ва қувурлар билан) артезиан қудуқлар қазिश.

31. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ни сақлаш бўйича бошқа ишлар:

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш сифатини баҳолаш;

автомобиль йўллари ва айрим йўл иншоотларини қўриқлаш, соқчилик ва ёнғин муҳофазаси, сафарбарлик захираларини барпо этиш;

йўл белгиларини хатловдан ўтказиш, паспортлаштириш, йўл кадастрини тузиш ва йўл белгиларини жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш;

автомобиль йўлларининг ҳолати ташхиси ва уни баҳолаш, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва бошқа иншоотларни жорий ва даврий қўриқдан ўтказишлар, текшириш ва синаш, ҳаракат жадаллигини ҳисобга олиш, йўл-транспорт ҳодисалари ҳисобини юритиш ва уларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлашда қатнашиш, йўллар, кўприклар ва бошқа йўл иншоотларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар банкини шакллантириш ва юритиш;

навбатчилик-диспетчерлик хизматини ташкил этиш ва метеорологик таъминот;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш бўйича энг мураккаб ишларга муҳандислик ва илмий-техник ишланмаларни илова қилиш, тармоқ нормалари ва қоидаларини ҳамда автомобиль йўлларининг транспорт-фойдаланиш кўрсаткичларини ошириш ва сифатини таъминлаш бўйича методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш.

**Умумий фойдаланиладиган автомобиль  
йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва  
ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар сифати-  
ни назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини (кейинги ўринларда матнда «объектлар» деб юритилади) қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш тартибини белгилайди.

2. Бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш лойиҳа талабларига, шаҳарсозлик нормаларига, объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш қоидалари ва стандартларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек мазкур Низомга риоя қилинишини текшириш мақсадида амалга оширилади.

3. Қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш объектлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан рўйхатдан ўтказилади.

**II. Сифатни назорат қилишни ташкил этиш**

4. Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлашда сифатни назорат қилишнинг қуйидаги турлари амалга оширилади:

шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан пудратчи ташкилотларнинг техник ходимлари (бош муҳандислари, иш бажарувчилар, усталар, бригадирлар ва лабораториялар) томонидан ишлар бажарилиши жараёнида доимий равишда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва лаборатория назорати;

буюртмачи томонидан белгиланган тартибда амалга ошириладиган техник назорат;

буюртмачи билан тузиладиган шартнома бўйича объект учун

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққан лойиҳалаш ташкилотлари (лойиҳанинг бош муҳандислари) томонидан белгиланган тартибда амалга ошириладиган муаллифлик назорати;

объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари сифати юзасидан давлат назорати белгиланган тартибда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва унинг давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда ҳамда тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишда буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилотлари жалб этилиши мумкин.

### **III. Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олишнинг умумий тартиби**

5. Тасдиқланган лойиҳалар ва ишчи чизмалар, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига тўлиқ мувофиқ ҳолда бажарилган, тўлиқ тугалланган ишлар қабул қилиб олиниши лозим. Ишларни қабул қилиб олишда ишлар натурада тасдиқланади, назорат тартибида ўлчашлар амалга оширилади, қурилиш материаллари ва назорат намуналарининг ишлаб чиқариш ҳамда лаборатория синовлари натижалари, ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналларидаги ёзувлар текширилади.

6. Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлашда қўйидаги ишлар амалга оширилади:

ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш;

бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш.

7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқич) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қўйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: буюртмачининг вакили — техник назоратчи (раис); пудратчи ташкилот вакили — иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда); йўлга хизмат кўрсатадиган йўл таш-

килотти вакили; лойиҳа ташкилотти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Кўтариб турувчи конструкциялар рўйхати лойиҳада белгиланади. Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ушбу Низомга 1-иловадаги шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс этирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8. Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи ташкилот томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини Ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс этирилган ҳолда 2а-иловага мувофиқ акс этирилган ҳолда расмийлаштирилади.

#### **IV. Қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш тартиби**

9. Қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш амалдаги шахарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

10. Қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектлар ёки уларнинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) қўйидаги икки босқичда;

объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссиялар томонидан;

ишчи комиссия тавсияномаси ҳамда объектни фойдаланишга қабул қилиб олишга тақдим этиш тўғрисида буюртмачидан хабарнома олингандан кейин давлат қабул комиссиялари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11. Ишчи комиссиялар буюртмачининг қарори (буйруғи) билан тайинланади. Ишчи комиссия таркибига буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат

архитектура-қурилиш назорати худудий инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, пудратчи ташкилотлар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар), қабул қилинадиган объектдан фойдаланиш вазифаси юкланадиган йўл ташкилоти, лойиҳалаш ташкилоти ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати буюртмачи ҳисобланган тақдирда, комиссия таркибига Республика йўл жамғармаси вакили киритилади.

12. Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотларнинг улар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати худудий инспекциялари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

13. Ишчи комиссия объектни фойдаланишга қабул қилиш учун Давлат қабул комиссиясига тақдим этгунга қадар қуйидагиларни бажариши шарт:

бажарилган ишлар ҳажмлари ва турларининг тасдиқланган лойиҳага, ишларни бажаришнинг шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига мувофиқлигини текшириш;

зарур назорат ўлчовлари ва лаборатория синовларини ўтказган ҳолда ишлар сифатини текшириш;

объектни қуриш ва уни реконструкция қилиш қиймати тўғри шакллантирилганлигини кўриб чиқиш. Қиймат ўсиши ва (ёки) унга объектни қуриш ва реконструкция қилишга тегишли бўлмаган харажатлар нотўғри киритилиши ҳолатлари аниқланганда,



унинг сабабларини ўрганиб чиқади ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф киритади;

мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича объект фойдаланишга қабул қилишга тайёрлиги тўғрида далолатнома тузиш.

Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

Ишчи комиссия томонидан аниқланган камчиликлар ва чала қилинган ишлар далолатноманинг иловасида акс этирилиши ҳамда комиссия томонидан белгиланган муддатда бартараф этилиши лозим.

14. Қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни қабул қилиш Давлат комиссияси объектларни қуриш ва реконструкция қилишни лойиҳалаштириш топшириғини тасдиқлаган орган томонидан тузилади. Қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни (ёки уларнинг участкаларини — ишга тушириш мажмуаларини) фойдаланишга қабул қилиб олишда Давлат қабул комиссияси таркибига буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ёки давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, пудратчи ташкилотлар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар), қабул қилинадиган объектлардан фойдаланиш вазифаси юкланадиган йўл ташкилоти, лойиҳа ташкилотлари, Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари, санитария назорати, давлат ёнғин назорати, табиатни муҳофаза қилиш, Бош давлат меҳнат техника инспектори ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати буюртмачи ҳисобланган тақдирда, комиссия таркибига Республика йўл жамғармаси вакили киритилади.

15. Қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган объектларни (ёки уларнинг участкалари — ишга тушириш мажмуаларини) доимий фойдаланишга қабул қилиб олиш Давлат комиссиясига объект бўйича барча зарур ижро ҳужжатлари, шунингдек ишчи комиссия далолатномаси тақдим этилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар текширилгандан кейин ва назорат ўлчовлари ўтказилиб ҳамда айрим конструктив элементлар текширилиб объект кўриб чиқилгандан кейин комиссия томонидан мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича объектни

қабул қилиш далолатномаси тузилади. Далолатномада объект сифатини баҳолаш ва унинг қиймати кўрсатилган ҳолда доимий фойдаланишга қабул қилинадиган объектнинг қисқача тавсифи берилади, шунингдек объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида сўнги хулоса киритилади.

16. Давлат қабул комиссиясининг объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси у такдим этилгандан кейин бир ой муддатда Давлат қабул комиссиясини тайинлаган орган томонидан тасдиқланади.

Объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга ахборот хати беш нусхада тузилиб, икки нусхаси қарор лойиҳаси билан бирга Давлат қабул комиссиясини тайинлаган органга, икки нусхаси буюртмачига ва бир нусхаси пудратчига топширилади.

17. Буюртмачи Давлат қабул комиссияси далолатномасининг бир нусхасини ҳамда техник (лойиҳа-смета) ва ижро ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини йўл ташкилотига бериши шарт.

Қабул қилиш далолатномаси ва техник (лойиҳа-смета) ҳужжатлари йўлдан фойдаланадиган йўл ташкилотида сақланади.

## **V. Мукамал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектларни қабул қилиш тартиби**

18. Мукамал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш амалдаги шаҳарсозлик нормалари, коидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

19. Мукамал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектлар, буюртмачи (раис), Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, пудратчи ташкилотлар, йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилотлари, Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари, лойиҳа ташкилотлари (муаллифлик назорати) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати буюртмачи ҳисобланган тақдирда, комиссия таркибига Республика йўл жамғармаси вакили киритилади.

20. Мукамал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектларни қабул қилишда пудратчи ташкилот ишчи комиссиясига:

лойиха-смета ҳужжатлари, ёпилиб кетадиган ишлар далолатномалари, қурилиш материаллари ва назорат намуналари журналлари, синов далолатномалари, мувофиқлик сертификатлари, ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномаларини тақдим этиши шарт.

Комиссия томонидан бажарилган ишлар ҳажмлари ва турларининг тасдиқланган лойихага, шаҳарсозлик нормаларига, ишларни бажариш қоидалари ва стандартларига мувофиқлиги; Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилиши; зарур назорат ўлчовлари ва лаборатория синовлари ўтказилган ҳолда ишлар сифати; бажарилган ишлар ҳажмлари ва турларининг тасдиқланган лойихага, стандартларга, ишларни бажариш қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Амалга оширилган ишлар натижалари мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича ишчи комиссиянинг мукамал ва ўртача таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасида акс эттирилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси, лаборатория синовлари натижалари ва ижро ҳужжатлари илова қилинади.

21. Ишчи комиссиянинг мукамал (ўртача) таъмирлаш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси тақдим қилингандан кейин бир ойдан кечикмасдан комиссияни тайинлаган орган томонидан тасдиқланади.

Объектни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга ахборот хати беш нусхада тузилиб, икки нусхаси қарор лойихаси билан бирга Давлат қабул комиссиясини тайинлаган органга, икки нусхаси буюртмачига ва бир нусхаси пудратчига топширилади.

22. Буюртмачи ишчи комиссия далолатномасининг битта нусхасини ҳамда техник (лойиха-смета) ва ижро ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини йўл ташкилотига бериши шарт.

Қабул қилиш далолатномаси ва техник (лойиха-смета) ҳужжатлари йўлдан фойдаланадиган йўл ташкилотида сақланади.

## **VI. Жавобгарлик**

23. Буюртмачи қурилиши тугалланган, реконструкция қилин-

ган, мукаммал ва ўртача таъмирланган объектни, транспорт ҳаракати очилишига тайёрланган унинг айрим қисмлари, бинолар, иншоотларни қабул қилишни асоссиз кечиктирганлиги учун пудратчи ташкилот олдида қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ мулкӣ жавобгар ҳисобланади.

24. Пудратчи ташкилот шартномада белгиланган кафолат даврида буюртмачи олдида мулкӣ жавобгар ҳисобланади. Кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, пудратчи ташкилот уларни бепул бартараф этади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари  
қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал  
ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар  
сифатини назорат қилиш ва уларни қабул  
қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ да бажарилган  
(объектнинг номи ва жойлашган жойи)

\_\_\_\_\_ (бажарилган ишнинг номи)

### **Ёпилиб кетадиган ишларни текшириш далолатномаси**

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Қуйидаги таркибдаги Комиссия:

Пудратчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими)

Буюртмачининг техник назорати вакили \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими)

Йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими)

\_\_\_\_\_ томонидан

\_\_\_\_\_ (қуриш-монтаж ташкилоти номи)

бажарилган ишларни текшириб чикди ва қуйидагилар тўғрисида  
ушбу Далолатномани тузди:

1. Текширишга қўйидаги ишлар тақдим қилинди: \_\_\_\_\_

(ёпилиб кетадиган ишлар ёки масъул конструкциялар номи)

2. Ишлар \_\_\_\_\_

(лойиҳа ташкилоти номи, чизмалар рақами ва улар тузилган сана)

лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича бажарилган.

3. Ишларни бажаришда қўйидагилардан фойдаланилган: \_\_\_\_\_

(сертификатларга таянган ҳолда материаллар, конструкциялар, буюмлар номи ёки

сифатни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар)

4. Ишларни бажаришда лойиҳа-смета ҳужжатларидаги қўйидаги ишлар бажарилмаган ёки улардан чекинишга йўл қўйилган

чекинишга йўл қўйилганда ким билан

келишилганлиги, чизмалар рақами ва келишиш санаси кўрсатилади)

5. Ишлар бошланган сана: \_\_\_\_\_

ишлар тугалланган сана: \_\_\_\_\_

### **Комиссия қарори:**

Ишлар лойиҳа-смета ҳужжатлари, стандартлар, қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ бажарилган.

Баён қилинганлар асосида қўйидаги ишларни бажаришга рухсат берилади \_\_\_\_\_

(ишлар ва конструкциялар номи)

Буюртмачининг техник назорати вакили \_\_\_\_\_

(имзо)

Йўл ташкилоти вакили \_\_\_\_\_

(имзо)

Пудратчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_

(имзо)

Умумий фойдаланиладиган автомобилъ ёўлларини куриш, реконструкция қилиш, мукамал ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ҚИЙМАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-ФАКТУРАСИ (қилинган харажатлар)

Т/р	Тузилган санаси	Ҳисобот даври	
		санадан	санাগача

Бош пудратчи (ёрдамчи пудратчи)  
Манзили  
Телефони  
Ҳисоб рақами (МФО)  
ИНН  
ХХТУТ коди

Инвестор (буюртмачи, бош пудратчи)  
Манзили  
Телефони  
Ҳисоб рақами (МФО)  
ИНН  
ХХТУТ коди

Объектнинг номи ва манзили  
200 й. « »

Шартнома № Шартномавий жорий нархлардаги умумий қиймати (минг сўм)

Т/р	Объектлар (бос қислар), ишлар турилари, харажатлар элементлари бўйича жиҳозлар номи	Улов бирлиги	Ишлар ҳажми физик кўрсаткичларда		Шартномавий жорий нархлардаги қиймати		бажарилган ишлар (қилинган харажатлар)									
			ҳам-маси	шу жумладан жорий йилга	ҳам-маси	шу жумладан жорий йилга	кўпилиниш бошлан				йил бошидан				шу жумладан	
							физик кўрсаткичларда	шартномавий нархларда (минг сўм)	физик кўрсаткичларда	шартномавий нархларда (минг сўм)	физик кўрсаткичларда	шартномавий нархларда (минг сўм)	физик кўрсаткичларда	шартномавий нархларда (минг сўм)	физик кўрсаткичларда	шартномавий нархларда (минг сўм)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1. Илчич лойиҳалаш																
1																
2																
3																

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
4															
5															
	Жами:														
	ККС	x	x	x			x	x		x	x		x	x	
	ККС ҳисобга олинган						x	x		x	x		x	x	
	қолда жами														
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
II. Қурилиш-монтаж ишлари															
1															
2															
3															
4															
	Жами:														
	ККС	x	x	x			x	x		x	x		x	x	
	ККС ҳисобга олинган						x	x		x	x		x	x	
	қолда жами														
III. Жихозлар ва инвентарлар															
1															
2															
3															
4															
5															
	Жами:														
	ККС	x	x	x			x	x		x	x		x	x	
	ККС ҳисобга олинган						x	x		x	x		x	x	
	қолда жами														
	Ҳаммаси:														
	ККС	x	x	x			x	x		x	x		x	x	
	ККС ҳисобга олинган						x	x		x	x		x	x	
	қолда жами														

Изоҳ: ККС тўловчилари ҳисобланмайдиган пурағачи қурилиш ташкилотлари ККС сатрине гўлдирмайдилар.

Пулдақчининг раҳбари \_\_\_\_\_

Пулдақчининг бош бухгалтери \_\_\_\_\_

М.У. \_\_\_\_\_

Буқорғаччининг раҳбари \_\_\_\_\_

Буқорғаччининг бош бухгалтери \_\_\_\_\_

М.У. \_\_\_\_\_

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш,  
 реконструкция қилиш, мукамал ва ўргача таъмирлаш бўйича  
 бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва уларни қабул  
 қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
 2а-ИЛОВА

**Объект қурилишида фойдаланилган қурилиш материаллари, конструкциялар, буюмлар ва асбоб-ускуналар сони,  
 жорий нархлари ва қийматлари тўғрисида ҳисоб-китоб жадвали**

Т/р	Қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар номи	Улчов бирлиги	Қурилиш материаллари, конструкциялар, буюмлар ва асбоб-ускуналарга умумий эҳтиёж		Шартномавий жорий нархлардаги умумий қиймати (минг сўм)		Сарф қилинган қурилиш материаллари, конструкциялар, буюмлар (ўрнатилган асбоб-ускуналар)									
			ҳам-маси	жу-дан жорий йилга	ҳам-маси	шу жу-дан жорий йилга	қурилишнинг бошдан			йил бошдан			шу жу-дан ҳисобот ойда			
							миқдори	ўргача нархи (минг сўм)	қиймати (минг сўм)	миқдори	ўргача нархи (минг сўм)	қиймати (минг сўм)	11-устун х	12-устун х	13	14
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
I. Қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар																
1																
2																
	Ҳаммаси:		х	х			х				х			х	х	
II. Асбоб-ускуналар																
1																
2																
3																
	Ҳаммаси:		х	х			х				х			х	х	
	Жам:		х	х			х				х			х	х	

Пудратчининг раҳбари \_\_\_\_\_  
 Пудратчининг бош бухгалтери \_\_\_\_\_  
 М.У.

Буюртмачининг раҳбари \_\_\_\_\_  
 Буюртмачининг бош бухгалтери \_\_\_\_\_  
 М.У.



Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари  
қуриш, реконструкция қилиш, мукамал  
ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар  
сифатини назорат қилиш ва уларни қабул  
қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Ишчи комиссиянинг қурилиши (реконструкцияси)  
тугалланган автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари  
Давлат қабул комиссиясига тақдим этиш учун  
тайёрлиги тўғрисидаги  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

\_\_\_\_\_ шаҳри 200\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(шаҳар номи)

\_\_\_\_\_ (ишчи комиссияни тайинлаган буюртмачи (курувчи)-ташкилот номи)

\_\_\_\_\_ томонидан  
200\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон қарор (буйруқ)  
билан тайинланган ишчи комиссияси қоидаларга амал қилган  
ҳолда қуйидагиларни

**Аниқлади:**

1. Бош пудратчи \_\_\_\_\_  
(ташкилот номи ва унинг идоравий мансублиги)

\_\_\_\_\_ томонидан  
қурилиши (реконструкцияси) тугалланган \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ (объектнинг номи)

фойдаланишга қабул қилишга тақдим этилди.

2. Қурилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишларини бажарган  
(бажарилган ишлар турлари)

бош пудратчи томонидан ҳамда \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ ишларини бажарган  
(бажарилган ишлар турлари)

\_\_\_\_\_ унинг ёрдамчи  
(ташкилотлар номи ва уларнинг идоравий мансублиги)

пудратчи ташкилотлари томонидан амалга оширилган.

3. Лойиҳа-смета ҳужжатлари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ лойиҳалаш  
(лойиҳа ташкилотлари номи)

**ташкilotлари томонидан ишлаб чиқилган**

**4. Қурилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_**

(лойиҳа тартиб рақами, серия тартиб рақами (намунавий лойиҳалар бўйича))

**лойиҳаси бўйича амалга оширилди.**

**5. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари (лойиҳа-смета ҳужжатлари) \_\_\_\_\_**

(бутун объект учун ҳужжатларни тасдиқлаган органнинг номи)

\_\_\_\_\_ томонидан 200\_й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон билан тасдиқланган.

**6. Қурилиш-монтаж ишлари қуйидаги муддатларда амалга оширилган:**

ишлар бошланиши \_\_\_\_\_;  
(ой ва йил)

ишлар тугалланиши \_\_\_\_\_.  
(ой ва йил)

**7. Ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилган: \_\_\_\_\_**

(КМК 3.01.04-99 3.3-бандига мувофиқ ҳужжатлар рўйхати)

ёки далолатномага илованинг тартиб рақами)

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ушбу далолатномага мажбурий иловалар ҳисобланади.

**8. Объект қуйидаги кўрсаткичларга эга: \_\_\_\_\_**

(масофаси, узунлиги)

**9. Бинолар ва иншоотлар бўйича технологик ва архитектура-қурилиш қарорлари қуйидаги маълумотлар билан тавсифланди: \_\_\_\_\_**

(масофаси, узунлиги, асосий материаллар ва конструкциялар, муҳандислик ва техник

асбоб-ускуналар бўйича қисқача техник тавсифлар).

**10. Асбоб-ускуналар лойиҳа бўйича \_\_\_\_\_ дона; амалда \_\_\_\_\_ дона миқдоридан ишчи комиссиялар томонидан яқка тартибда синалгандан кейин ва комплекс ишла-тиб кўрилгандан кейин (мазкур далолатномага \_\_\_\_\_ - иловада да-**

лолатномалар рўйхати келтирилган) уни қабул қилиш тўғриси-  
даги далолатномага мувофиқ ўрнатилган.

11. Лойиҳада назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш,  
атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари ва зилзила-  
га қарши тадбирлар \_\_\_\_\_

(бажарилиши тўғрисида маълумот)

Тадбирлар тавсифи далолатномага \_\_\_\_\_-иловада келтирил-  
ган.

12. Аниқланган нуқсон ва чала бажарилган ишлар далолат-  
номага \_\_\_\_\_-иловада кўрсатилган муддатларда бартараф этилиши  
керак.

13. Танлов савдоси натижаларига кўра (ёки томонларнинг  
келишувига кўра) аниқланган жорий нархларда ҳисобланган  
тўлов қиймати \_\_\_\_\_ минг сўм,  
(ҳисобланган тўлов қиймати кўрсатилсин)

шу жумладан:

қурилиш-монтаж ишлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

асбоб-ускуналар \_\_\_\_\_ минг сўм,

буюртмачининг бошқа харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

шундан сақлаш харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм.

**Ишчи комиссия қарори** \_\_\_\_\_

(объектнинг номи)

бош пудратчидан қабул қилиб олинган ва Давлат қабул комис-  
сиясига тақдим қилиш учун тайёр деб ҳисоблансин.

Раис-Буюртмачи (қурувчи) вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

Раис ўринбосари — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг  
худудий инспекцияси вакили \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

**Комиссия аъзолари:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят-  
лар ҳокимликлари вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

бош пудратчи вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

молиялаштирувчи банк вакили \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

ёрдамчи пудратчи (монтаж) ташкилотлар вакили \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

фойдаланувчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

бош лойиҳаловчи вакили \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

буюртмачи ёки фойдаланувчи ташкилотнинг касаба уюшма-  
си ташкилоти вакиллари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

бошқа манфаатдор назорат органлари ва ташкилотлар вакил-  
лари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

**Бош пудратчи ва ёрдамчи  
пудратчи ташкилотлар  
вакиллари топширдилар:**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(имзолар)

**Буюртмачи (қурувчи)  
вакиллари қабул  
қилдилар):**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(имзолар)

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари  
қуриш, реконструкция қилиш, мукамал  
ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар  
сифатини назорат қилиш ва уларни қабул  
қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА  
(Мажбурий)

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

\_\_\_\_\_ (қарор, буйрук, хал қилув қарори санаси ва тартиб

\_\_\_\_\_ раками, буйрук, қарорни имзолаган шахснинг

\_\_\_\_\_ фамилиси, исми, отасининг исми)  
\_\_\_\_\_

## Давлат қабул комиссиясининг қурилиши (реконструкцияси) тугалланган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги ДАЛОЛАТНОМАСИ

200\_й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ (объектнинг жойлашган жойи)

\_\_\_\_\_НИНГ

(комиссияни тайинлаган органнинг номи)

200\_й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон қарор (буйруғи) билан тайинланган Давлат қабул комиссияси, қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларга амал қилган ҳолда қуйидагиларни

### Аниқлади:

1. Буюртмачи (пудратчи томонидан буюртмачи билан биргаликда) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ томонидан  
(ташкilot номи ва идоравий мансублиги)

\_\_\_\_\_ манзили бўйича  
(йўл номи ва унинг манзили)

жойлашган \_\_\_\_\_  
(объектнинг номи ва қурилиш тури:

\_\_\_\_\_ янги, кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш)

**объекти** фойдаланиш учун қабул қилишга тақдим этилган.

2. Қурилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_

(рухсат берган органининг номи)

200 \_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон қарори (буйруғи) асосида амалга оширилган.

3. Қурилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишларини бажарган

(бажарилган иш турлари)

(ташкилот номи ва унинг идоравий мансублиғи)

**бош пудратчи томонидан ҳамда** \_\_\_\_\_

(ташкилотлар номи ва уларнинг идоравий мансублиғи:

хар бир ташкилот томонидан бажарилган ишлар турлари)

**ёрдамчи пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилган.**

4. Қурилиш (реконструкция қилиш) учун лойиҳа-смета ҳужжатлари \_\_\_\_\_ ишларини бажарган

(ҳужжатлар қисмлари ва бўлимлари номи)

(ташкилот номи ва унинг идоравий мансублиғи)

**бош лойиҳаловчи томонидан ҳамда** \_\_\_\_\_

(ташкилотлар номи ва уларнинг идоравий мансублиғи:

ҳужжатлар қисмлари ёки бўлимлари бажарилиши)

**ёрдамчи пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилган.**

5. Лойиҳалаштириш учун дастлабки маълумотлар \_\_\_\_\_

(илмий-тадқиқот

ва қидирув ташкилотлари, уларнинг идоравий мансублиғи

\_\_\_\_\_ томонидан берилган.

дастлабки маълумотлар мавзулари)

6. Қурилиш (реконструкция қилиш) \_\_\_\_\_

(лойиҳанинг тартиб рақами, серияси тартиб рақами (намунавий лойиҳалар бўйича)

лойиха (намунавий, шахсий, такрор қўлланиладиган лойиха) бўйича амалга оширилган.

7. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари (лойиҳа-смета ҳужжатлари) \_\_\_\_\_ томонидан  
(объект ҳужжатларини тасдиқлаган (қайта тасдиқлаган) органининг номи)

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон билан тасдиқланган.

8. Қурилиш-монтаж ишлари қўйидаги муддатларда амалга оширилган:

ишлар бошланиши \_\_\_\_\_;  
(ой ва йил)

ишлар тугалланиши \_\_\_\_\_  
(ой ва йил)

қурилиш давомийлигида, ой:

қурилишни ташкил этиш норма ёки лойиҳа бўйича \_\_\_\_\_ ой;

амалда \_\_\_\_\_ ой.

9. Давлат қабул қилиш комиссиясига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилган: \_\_\_\_\_

(КМК 5.01.04-97 4.15-бандига мувофиқ ҳужжатлар рўйхати)

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ушбу далолатномага мажбурий иловалар ҳисобланади.

10. Фойдаланиш учун қабул қилиб олишга тақдим қилинган объект қўйидаги асосий кўрсаткичларга эга: масофаси (км), узунлиги (пм)

11. Лойиҳада назарда тутилган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари ва зилзилага қарши тадбирлар \_\_\_\_\_

(бажарилиши тўғрисида маълумот)

Тадбирлар тавсифи далолатномага \_\_\_\_\_-иловада келтирилган.

12. Объектдан нормал фойдаланишга таъсир қилмайдиган чала қилинган ишлар ва нуқсонлар \_\_\_\_\_-сон иловага қаранг.

13. Танлов савдоси натижаларига кўра (ёки томонларнинг келишувига кўра) аниқланган жорий нархларда ҳисобланган тўлов қиймати \_\_\_\_\_ минг сўм,

(ҳисобланган тўлов қиймати кўрсатилсин)

шу жумладан:

қурилиш-монтаж ишлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

асбоб-ускуналар \_\_\_\_\_ минг сўм,

буюртмачининг бошқа харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

шундан сақлаш харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм.

14. Фойдаланишга қабул қилинадиган асосий фондларнинг амалдаги қиймати \_\_\_\_\_ минг сўм,

шу жумладан:

қурилиш-монтаж ишлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

асбоб-ускуналар \_\_\_\_\_ минг сўм,

буюртмачининг бошқа харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

шундан сақлаш харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм.

15. Фойдаланишга топшириладиган объектда пудратчининг қурилиш (реконструкция қилиш)ни арзонлаштирадиган тадбирларини жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара \_\_\_\_\_ минг сўм.

### **Давлат қабул комиссиясининг қарори**

Қабул қилишга тақдим этилган \_\_\_\_\_

(объектнинг номи)

### **Фойдаланиш учун қабул қилинсин**

Давлат қабул комиссияси раиси \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

Раис ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ёки «Давархитектқурилиш» қўмитасининг худудий инспекцияси вакили \_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Комиссия аъзолари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоятлар ҳокимликлари вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

бош пудратчи вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

молиялаштирувчи банк вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

ёрдамчи пудратчи (монтаж) ташкилотлар вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

фойдаланувчи ташкилот вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)

бош лойиҳаловчи вакили \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими)

(имзо)



буюртмачи ёки фойдаланувчи ташкилотнинг касаба уюшмаси ташкилоти вакиллари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

молиялаштирувчи банк вакили (ишлаб чиқариш учун мўлжалланган объектлар бўйича) \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

бошқа манфаатдор назорат органлари ва ташкилотлар вакиллари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари  
куриш, реконструкция қилиш, мукамал  
ва ўртача таъмирлаш бўйича бажарилган ишлар  
сифатини назорат қилиш ва уларни қабул  
қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

### «ТАСДИҚЛАЙМАН»

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(комиссияни тайинлаган орган)

### **Ишчи комиссиянинг мукамал (ўртача) таъмирлаш тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги ДАЛОЛАТНОМАСИ**

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(объектнинг жойлашган жойи)

\_\_\_\_\_НИНГ

(қабул қилиш комиссиясини тайинлаган органнинг номи)

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сон қарори (буйруғи) билан  
тайинланган қуйидаги таркибдаги қабул қилиш комиссияси:

Раис-буюртмачи вакили \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Раис ўринбосари — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг  
худудий инспекцияси вакили \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

комиссия аъзолари:

бош пудратчи вакили \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

ёрдамчи пудратчи ташкилотлар вакиллари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

лойиҳа ташкилотлари вакиллари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

фойдаланувчи ташкилотлар вакиллари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари вакил-  
лари \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. лавозими) (имзо)

Мукаммал (ўртача) таъмирлаш тугалланган объектни фойда-  
ланишга қабул қилиб олиш қондаларига амал қилган ҳолда қуй-  
идагиларни

### **АНИҚЛАДИ:**

1. Бош пудратчи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ТОМОНИДАН

(ташкилотнинг ва унинг идоравий мансуб бўлинмалари номи кўрсатилсин)

(объектнинг номи ва жойлашган жойи)

мукаммал (ўртача) таъмирлаш тугалланган объект фойдаланиш  
учун қабул қилишга тақдим этилган.

2. Мукаммал (ўртача) таъмирлаш \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ишларини бажарган

(бажарилган иш турлари кўрсатилсин)

бош пудратчи томонидан ҳамда \_\_\_\_\_

(бажарилган иш турлари кўрсатилсин)

ишларини бажарган \_\_\_\_\_

(ташкилотлар номи кўрсатилсин)

\_\_\_\_\_ унинг  
ёрдамчи пудратчи ташкилотлари томонидан амалга оширилган.

3. Мукаммал (ўртача) таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳуж-  
жатлари \_\_\_\_\_

(лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаган органнинг номи кўрсатилсин)

\_\_\_\_\_ томонидан 200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тасдиқланган.

4. Таъмирлаш-қурилиш ишлари қуйидаги муддатларда амал-  
га оширилган:

ишлар бошланиши \_\_\_\_\_;  
(ой ва йил)

ишлар тугалланиши \_\_\_\_\_  
(ой ва йил)

5. Мукамал таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олишда комиссияга қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинган: лойиҳа-смета ҳужжатлари, ёпилиб кетадиган ишлар далолатномаси, журналлар ва ижро ҳужжатлари, материаллар, буюмлар ва конструкцияларга мувофиқлик сертификатлари; ишларни бажариш журнали; муаллифлик назорати журнали.

6. Тақдим қилинган объект қуйидаги кўрсаткичларга эга: \_\_\_\_\_

{лоиҳа ва режада назарда тутилган объектнинг умумий узунлиги, масофаси,

йўл тоифаси кўрсатилсин)

7. Танлов савдоси натижаларига кўра (ёки томонларнинг келишувига кўра) аниқланган жорий нархларда ҳисобланган тўлов қиймати \_\_\_\_\_ минг сўм,  
(ҳисобланган тўлов қиймати кўрсатилсин)

шу жумладан:

қурилиш-монтаж ишлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

асбоб-ускуналар \_\_\_\_\_ минг сўм,

буюртмачининг бошқа харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм,

шундан сақлаш харажатлари \_\_\_\_\_ минг сўм.

8. Амалда тақдим этилган объектни кўриқдан ўтказиш ҳамда тегишли ҳужжатлар билан танишиш асосида таъмирлаш-қурилиш ишлари сифатига баҳо берилади \_\_\_\_\_

(қоникарли, қоникарсиз)

## Комиссия қарори

\_\_\_\_\_ объекти  
(объектнинг номи ва жойлашган жойи)

бош пудратчидан фойдаланиш учун қабул қилинган деб ҳисоблансин.

Қабул қилиш комиссияси раиси \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О, лавозими) (имзо)

Раис ўринбосари — «Давархитектқурилиш» кўмитасининг худудий инспекцияси вакили \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими)

Комиссия аъзолари:

---

(имзо, Ф.И.О.)

**Бош пудратчи ва ёрдамчи  
пудратчи ташкилотлар  
вакиллари топширдилар:**

---

(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

**Фойдаланувчи ташкилотлар  
вакиллари қабул  
қилдилар:**

---

(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

**ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ  
ҲАҚИДА\***

**[Кўчирма]**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2006 йил, 51-52-сон, 518-модда)*

«Ипотека» тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ–3618-сон Фармониغا, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 16 февралдаги ПҚ–10-сон қарорига мувофиқ ҳамда республикада якка тартибда уй-жой қурилишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 30 декабрь,  
272-сон

---

\* 2006 йил 30 декабрдан кучга кирган.

## **Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги мазкур **Низом** (кейинги ўринларда «Низом» деб юритилади) «Ипотека» тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида якка тартибда уй-жой қуришни ташкил этиш тартибини белгилаб беради.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**якка тартибдаги уй-жой** — бир ер участкасида жойлашган, доимий яшаш, дам олиш ва шахсий хўжаликни юритишга мўлжалланган ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар тегишли бўлган бир ёки бир неча турар жой иморати (кейинги ўринларда «уй-жой» деб юритилади);

**ёрдамчи-хўжалик иморатлари** — уй ҳайвонлари ва парандаларни сақлаш учун иморатлар, омборхона, гараж, ёзги ошхона, тандирхона, ертўла, ҳаммом, ҳовлидаги ҳожатхона, душхона, иссиқхона, ҳовуз, сауна, буғ қозонхонаси ва одамларнинг вақтинча бўлиши билан боғлиқ ишларнинг ҳар хил турларини бажаришга мўлжалланган бошқа функционал иморатлар;

**ҳовлидаги иншоотлар** — тўсик, дарвоза, эшик, қудук, фаввора ва одамларнинг яшашига ҳамда маиший ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишга мўлжалланмаган бошқа ясси ёки линияли иншоотлар;

**уйнинг турар жой майдони** — кишилар яшайдиган хоналарнинг ички габаритлари бўйича майдоннинг жами;

**уйнинг умумий майдони** — одамлар яшайдиган барча хоналар, уйнинг ёрдамчи-хўжалик иморатлари (ошхона, ваннахона, йўлак ва бошқалар) майдони жами;

**уйни реконструкция қилиш** — меъморчилик-режалаштириш ечимларини ўзгартириш, уйнинг устига, ёнига қўшимча қуриш, эскирган ва маънавий эскирган конструкциялар ва муҳандислик иншоотларини, шу жумладан ташқи тармоқларни

(магистраль тармоқдан ташқари) қисмларга ажратган, алмаштирган ҳолда ўзгартириш.

3. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўзининг ва оиласининг эҳтиёжлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Низомга риоя қилган ҳолда зарур ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар билан бирга хусусий мулк ҳуқуқида уй қуриш ҳуқуқига эгадир.

4. Ажратиладиган участка доирасида якка тартибда уй қурувчилар учун уйнинг майдони чегараланмайди.

5. Шаҳарсозлик фаолияти алоҳида тартибга соладиган ҳудудларда уйнинг неча қават эканлиги аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига мувофиқ туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органлари томонидан белгиланади ва улар билан келишилади.

6. Ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулки бўлган уйлар бузилган тақдирда ер участкалари бериш ва уйлар қуриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тартибга солинади.

## **II. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун ер участкалари бериш (реализация қилиш)**

7. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси — бу қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашган жойга, ҳуқуқий режимга ва давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа тавсифларга эга бўлган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер фондининг бир қисми.

8. 2008 йил 1 январгача якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги таркибига кирмайдиган ерлардан белгиланган тартибда фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бир оилага 0,06 гектаргача мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилади.

9. 2008 йил 1 январдан бошлаб якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари кимошди асосида фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

### **III. Ер участкалари беришда (реализация қилишда) фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш тартиби**

10. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олиш учун ариза туман (шаҳар) ҳокимлигига берилади.

Аризага ариза берувчининг доимий яшаш жойи бўйича турар жойларнинг кадастр иши нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотномаси илова қилинади.

11. Ариза туман (шаҳар) ҳокими бошчилик қиладиган, ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишлайдиган комиссия (кейинги ўринларда «комиссия» деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади. Комиссия таркибига «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш органлари, санитария-эпидемиология хизмати, фуқаролар йиғинлари вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

12. Комиссия ариза олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда ер участкаси беришнинг мақсадга мувофиқлиги ёки ер участкаси бериш асосли равишда рад этилиши тўғрисида хулоса чиқаради.

Фуқароларга белгиланган тартибда кимосди савдосида ер участкасини сотишда комиссиянинг қарори талаб қилинмайди.

13. Ер участкалари биринчи навбатда:

ер давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйлари бузилаётган фуқароларга;

Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига;  
байналмилал жангчиларга;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг оилаларига;

меҳнат фахрийларига;

ўзлари эгаллаб турган давлат турар жой фонднинг турар жойларини шаҳар ва туман ҳокимликларига бераётган фуқароларга берилади.

14. Туман (шаҳар) ҳокими комиссиянинг ижобий хулосаси асосида 10 кун муддатда якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ер участкасини кимосди асосида сотишда ҳокимнинг қарори кимосди натижалари асосида 10 кун муддатда қабул қилинади.

15. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш органлари томонидан «Ергеодезка-



дастр» давлат қўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда уч кун муддатда ер участкаси ажратиш ва унинг чегараларини натурада чиқариш амалга оширилади ҳамда қуйидаги ҳужжатлар берилади:

туман (шаҳар) ҳокимининг қароридан кўчирма;  
участка чегаралари чизилган массивнинг бош режасидан нусха.

16. Ер участкалари бериш тўғрисида илтимос қилган барча фуқароларга ер участкалари ажратиш имконияти бўлмаган ҳолларда туман (шаҳар) ҳокимлиги ер участкалари олишга эҳтиёжмандларнинг ҳисобини юритади.

Навбатда туриш тартибда ер участкалари олишга эҳтиёжманд бўлган фуқаролар рўйхати туман (шаҳар) ҳокими томонидан бир йилда камида бир марта тасдиқланади.

17. Илтимос қилувчилар ер участкаси беришнинг тахминий муддати кўрсатилган ҳолда тасдиқланган рўйхатга киритилганлик тўғрисида хабардор қилиниши керак.

18. Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган бўш ер участкалари мавжуд эмаслиги ер участкаси бериш рад этилиши учун асос ҳисобланади.

19. Ер участкаси бериш рад этилган тақдирда ҳокимлик уч кун муддатда бу ҳақда ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

Ер участкаси бериш рад этилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

#### **IV. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қурилиш ишларини бажариш ҳуқуқига рухсат бериш**

20. Уй-жой қурилиши намунавий ёки якка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича амалга оширилиши мумкин, якка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа туман (шаҳар) архитектори билан келишилиши керак.

21. Уй-жой қурилишига лойиҳа қуйидагиларни ўз ичига олади:

ерости ва ерусти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ер участкаси режаси;

уй-жойнинг пойдеворлари, ертўлалари, қаватлари, кесимлари ва фасадлари режалари;

смета-молия ҳисоб-китоби (кредит олишга эҳтиёж бўлганда).

22. Мазкур Низомда белгиланган тартибда келишилган уй-

жой қурилишига якка тартибдаги ёки намунавий лойиҳа уй-жой қуриш бўйича қурилиш ишларини бошлаш учун асос ҳисобланади.

23. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши:

пудрат усули билан;

хўжалик усули билан (қурувчиларнинг ўз кучи билан) амалга оширилиши мумкин.

24. Уй-жой, ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотлар қурилиши шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

25. Бир ер участкасида икки ёки ундан ортиқ оилага тегишли бўлган бир нечта уй-жой қурилишига йўл қўйилади.

26. Якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш якка тартибдаги уй-жойни қураётган шахснинг (кейинги ўринларда «қурувчи» деб юритилади) ўз маблағлари, банкнинг ипотека кредитлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## **V. Уй-жойларнинг техник назорати, уларни қабул қилиш, хатловдан ўтказиш ва уларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш**

27. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши устидан техник назоратни қурувчи амалга оширади.

Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш органлари уй-жой қурилишида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширадилар.

28. Уй-жой қурилиши тугаллангандан кейин қурувчи туман (шаҳар) ҳокими томонидан уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш юзасидан ташкил этиладиган қабул қилиш комиссиясига мурожаат қилади.

Қабул қилиш комиссияси жойнинг ўзига бориб қурилиши тугалланган уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси тузади.

«Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг ҳудудий органи 10 кун муддатда янгидан қурилган (реконструкция қилинган) уй-жойни техник хатловдан ўтказиш ҳамда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органлари билан келишув бўйича уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида ҳокимнинг қарори лойиҳасини киритади.

29. Уй-жойлар қурувчининг ўз кучи билан қурилган ҳолларда битта (иккита) турар жой хонаси, ошхона, ҳожатхона, уй

фасадининг ташқи беаги қурилиши тамом бўлгандан, лойиҳага мувофиқ уй муҳандислик коммуникациялари билан таъминлангандан кейин алоҳида ёрдамчи-хўжалик иморатлари ва ҳовлидаги иншоотларсиз ва ҳудудни ободонлаштирмасдан уйнинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилади.

30. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори тегишли қарор лойиҳаси киритилгандан кейин икки кундан кечикмай қабул қилинади.

Ҳокимнинг қарорига мувофиқ уй қурувчига уй дафтари берилади.

31. Уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи «Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг ҳудудий органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин қурилган уй-жойга мулкчилик ҳуқуқи пайдо бўлади.

## **VI. Уй-жой қурувчининг мажбуриятлари**

32. Қурувчи:

берилган (реализация қилинган) ер участкасидан ва мақсадли ипотека кредитидан ёрдамчи-хўжалик иморатлари билан бирга фақат уй-жой қуриш учун фойдаланишга;

уй-жой ва ёрдамчи-хўжалик иморатларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда мазкур Низомга амал қилган ҳолда келишилган ва тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қуришга;

берилган (реализация қилинган) ер участкасини берилган (реализация қилинган) кундан бошлаб икки йил мобайнида ўзлаштиришни бошлашга ва қурилиш тугаллангандан кейин бир ой мобайнида уй-жойни ва унга бўлган ҳуқуқни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

## **VII. Ўзбошимчалик билан уй-жой қурганлик учун жавобгарлик**

33. Уй-жой қурувчилар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу мақсадлар учун ажратилмаган ер участкаларида қурилган ҳамда бунга зарур рухсатномани олмасдан ёхуд шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари жиддий равишда бузилган ҳолда тикланган уй-жойлар, бошқа иморатлар ва иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган деб ҳисобланади.

34. Ўзбошимчалик билан қуриш аниқланган тақдирда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органларининг мансаб-

дор шахслари томонидан ўзбошимчалик билан қуриш ҳолати тўғрисида далолатнома тузилади.

35. Далолатнома тузилиши билан бир вақтда туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан ўзбошимчалик билан қурилаётган қурилишни тўхтатиш тўғрисида кўрсатма берилади. Кўрсатманинг нусхаси ўзбошимчалик билан тикланган иморат тўғрисидаги масалани кейинчалик белгиланган тартибда ҳал этиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади.

Хуқуқи бузилган шахснинг ёхуд тегишли давлат органининг даъвоси бўйича ўзбошимчалик билан қурилган иморат суднинг қарорига кўра уни қурган шахс томонидан ёхуд унинг ҳисобига бузиб ташланиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

36. Қурувчи уй-жой қуриш ёки реконструкция қилишга тўсқинлик қилаётган мансабдор шахсларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари устидан юқори турувчи органга ёки суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

37. Жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчалик билан иморат қуриш масалалари бўйича пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

### **VIII. Мазкур Низом бузилганлиги учун жавобгарлик**

38. Қурувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур Низом бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АЛОҲИДА ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН ОБЪЕКТЛАРИНИ УМУМДАВЛАТ ВА МАҲАЛЛИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ОБЪЕКТЛАР ЖУМЛАСИГА КИРИТИШ ҲАМДА ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АЛОҲИДА ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН ОБЪЕКТ- ЛАРИ ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2007 йил, 4—6-сон, 46-модда)*

Республикада шаҳарсозлик фаолиятининг норматив асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ҳудудлардан оқилона фойдаланиш, табиий бойликларни муҳофаза қилиш, жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2007 йил 1 июлгача бўлган муддатда алоҳида тартибга солинадиган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича, уларнинг чегараларини кўрсатган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

3. Қуйидагилар:

алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик объектларидан фойдаланиш ва уларни қуриш махсус қоидаларини манфаатдор вазирликлар (идоралар) иштирокида ишлаб чиқиш;

вазирликлар ва идораларнинг шаҳарсозлик фаолиятининг ало-

---

\* 2007 йил 2 февралдан кучга кирган.

ҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси зиммасига юклансин.

4. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу Низомга қатъий амал қилинишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

## **Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 2 февраль,  
25-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 2 февралдаги 25-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда:

шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш;

шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартибини белгилайди.

2. Шаҳарсозлик фаолияти объектларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари жумласига

киритиш ушбу объектлар ҳудудларига шаҳарсозлик соҳасида жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларсиз ушбу ҳудудлардан фойдаланиш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган махсус қоидаларни жорий этиш мақсадида амалга оширилади.

### 3. Шаҳарсозлик фаолияти:

табiiй ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар таъсирига учраган ҳудудларда;

кимёвий ва (ёки) биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар билан йўл қўйиладиган чекланган концентрациялардан ортиқча, радиоактив моддалар билан йўл қўйиладиган чекланган даражалардан ортиқча миқдорда ифлосланган ҳудудларда;

қўриқланадиган табиий ҳудудларда алоҳида тартибга солинади.

### Шаҳарсозлик фаолияти:

Тошкент шаҳри ҳудудларида;

Нукус шаҳри ҳудудларида;

вилоятларнинг маъмурий марказлари бўлган шаҳарлар ҳудудларида;

маданий мерос объектлари мавжуд бўлган шаҳарлар ҳудудларида;

курорт шаҳарлар ҳудудларида;

қўриқхона шаҳарлар ҳудудларида;

хаёт фаолиятининг алоҳида режимидаги аҳоли пунктлари (ҳарбий шаҳарчалар, бошқа режимли ҳудудлар, давлат қўриқхоналаридаги ва қўриқланадиган бошқа табиий ҳудудлардаги аҳоли пунктлари) ҳудудларида ҳам алоҳида тартибга солиниши мумкин.

4. Шаҳарсозлик фаолияти объектларини алоҳида тартибга солинадиган тоифалар жумласига киритиш ва уларнинг чегараларини белгилаш ушбу Низомда назарда тутилган тартибда тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бунда:

республика вазирликлари (идоралари)га келишиш учун юборилаётган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш бўйича материаллар икки ой муддатда қўриб чиқилади;

республика вазирликлари (идоралари)га, бошқа манфаатдор ташкилотларга келишиш учун юборилаётган умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш бўйича материаллар бир ой муддатда қўриб чиқилади.

5. Шаҳарсозлик фаолияти ҳудудлари ва объектларида, шунинг-

дек, аҳоли пунктларида алоҳида тартибга солишни жорий этиш муддатлари манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

6. Алоҳида тартибга солиш даврида объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолияти махсус шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг алоҳида тартибига мувофиқ ҳамда объектлар қурилишига махсус рухсатномалар бериш орқали амалга оширилади.

## **II. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш**

7. Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар таъсирига учраган ҳудудларда жойлашган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маълумотларига асосланган тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

8. Кимёвий ва (ёки) биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар билан йўл қўйиладиган чекланган концентрациялардан ортиқча, радиоактив моддалар билан йўл қўйиладиган даражалардан ортиқча ифлосланган ҳудудларда жойлашган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

9. Қўриқланадиган табиий ҳудудларда жойлашган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш манфаатдор вазирликлар ва идоралар тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

10. Тошкент шаҳар ҳудудини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси



ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

11. Маданий мерос объектлари давлат кадастрига белгиланган тартибда киритилган маданий мерос объектлари мавжуд бўлган шаҳарлар ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

12. Курорт шаҳарлар ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

13. Қўриқхона шаҳарлар ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

14. Ҳаёт фаолиятининг алоҳида режимидаги аҳоли пунктлари (ҳарбий шаҳарчалар, бошқа режимли ҳудудлар, давлат қўриқхоналаридаги ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги аҳоли пунктлари) ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

### **III. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш**

15. Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар таъсирига учраган ҳудудларда жойлашган, шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган (умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритилмаган) объектларини маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

тақдимномасига кўра, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда Фавкулудда вазиятлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

16. Кимёвий ва (ёки) биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар билан йўл қўйиладиган чекланган концентрациялардан ортиқча, радиоактив моддалар билан йўл қўйиладиган чекланган даражалардан ортиқча ифлосланган ҳудудларда жойлашган (умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритилмаган) шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тақдимномасига кўра ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишган ҳолда Фавкулудда вазиятлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

17. Қўриқланидиган табиий ҳудудларда жойлашган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар (идоралар) билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан амалга оширилади.

18. Нукус шаҳри ҳамда вилоятларнинг маъмурий марказлари бўлган шаҳарлар ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган, маҳаллий аҳамиятга молик объектлари жумласига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақдимномасига кўра Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

19. Маданий мерос объектлари мавжуд бўлган (умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритилмаган) шаҳарлар ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган, маҳаллий аҳамиятга молик объектлари жумласига киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақдимномасига кўра, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

20. Ҳаёт фаолиятининг алоҳида режимидаги аҳоли пунктлари (ҳарбий шаҳарчалар, бошқа режимли ҳудудлар, давлат қўриқ-

хоналаридаги ва қўриқланадиган бошқа табиий ҳудудлардаги ҳамда умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритилмаган аҳоли пунктлари) ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган, маҳаллий аҳамиятга молик объектлари жумласига киритиш Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар (идоралар) билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

#### **IV. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш**

21. Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар таъсирига учраган ҳудудларда жойлашган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегаралари тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар асосида:

умумдавлат аҳамиятига молик объектлар учун — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг манфаатдор вазирликлар (идоралар), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маълумотларига асосланган тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

маҳаллий аҳамиятга молик объектлар учун — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

22. Кимёвий ва (ёки) биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар билан йўл қўйиладиган чекланган концентрациядан ортиқча, радиоактив моддалар билан йўл қўйиладиган чекланган даражалардан ортиқча ифлосланган ҳудудларда жойлашган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегаралари ихтисослаштирилган ташкилотларнинг маълумотлари асосида:

умумдавлат аҳамиятига молик объектлар учун — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

маҳаллий аҳамиятга молик объектлар учун — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат табиатни муҳофаза

қилиш қўмитаси билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

23. Қўриқланадиган табиий ҳудудларда жойлашган шаҳар-созлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегаралари тасдиқланган шаҳарсозлик, ер тузиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар, ихтисослаштирилган ташкилотлар маълумотлари асосида:

умумдавлат аҳамиятига молик объектлар учун — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар (идоралар) тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

маҳаллий аҳамиятга молик объектлар учун — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар (идоралар) билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

24. Тошкент шаҳри, вилоятларнинг маъмурий марказлари бўлган шаҳарлар, маданий мерос объектлари мавжуд бўлган шаҳарлар, курорт шаҳарлар, шунингдек, қўриқхона шаҳарлар чегаралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тақлифига кўра, Тошкент шаҳри ва тегишли вилоятлар ҳокимларининг илтимосномалари асосида Олий Мажлис томонидан белгиланади.

25. Нукус шаҳри чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукумати тақлифига кўра, шаҳар ҳокимининг илтимосномаси асосида Жўқорғи Кенгес томонидан белгиланади.

26. Ҳаёт фаолиятининг алоҳида режимидаги аҳоли пунктлари (ҳарбий шаҳарчалар, бошқа режимли ҳудудлар, давлат қўриқхоналаридаги ва қўриқланадиган бошқа табиий ҳудудлардаги аҳоли пунктлари) ҳудудлари чегаралари тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари ёки бошқа ҳужжатлар асосида:

умумдавлат аҳамиятига молик объектлар учун — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, манфаатдор вазирликлар (идоралар) тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

маҳаллий аҳамиятга молик объектлар учун — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар (идоралар) билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси .....	3
«Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 173–II-сон Қонуни .....	4
«Капитал қурилишни ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 28 октябрдаги ПФ–1875-сон Фармони .....	9
«Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги ПФ–2595-сон Фармони .....	11
«Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ–3240-сон Фармони .....	15
«Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 апрелдаги ПҚ–62-сон қарори .....	22
«Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 октябрдаги ПҚ–499-сон қарори .....	25
«Қорхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши лойиҳалари бўйича давлат идорадан ташқари экспертиза органларининг роли ва масъулиятини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрдаги 472-сон қарори .....	27
«Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилганлиги ва шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни буюртмачи томонидан мукофотлаш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 135-сон қарори .....	29
«Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати ос-	

тидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сон қарори .....	33
«Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 апрелдаги 165-сон қарори .....	43
«Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарори .....	48
«Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги 320-сон қарори .....	56
«Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 509-сон қарори .....	64
«Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сон қарори .....	73
«Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори .....	83
«Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори .....	106
«Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори .....	106

публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарори [Кўчирма] .....	157
«Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 404-сон қарори [Кўчирма] .....	179
«Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 октябрдаги 463-сон қарори .....	182
«Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори .....	185
«Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сон қарори .....	188
«Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори [Кўчирма] .....	236
«Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 2 февралдаги 25-сон қарори .....	244

**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**СБОРНИК  
НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ  
АКТОВ ПО АРХИТЕКТУРЕ И  
ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВУ**

**Ташкент  
«Адолат»  
2007**



# ГРАДОСТРОИТЕЛЬНЫЙ КОДЕКС РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН\*

*(Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан,  
2002 г., № 4-5, ст. 63; Собрание законодательства Республики  
Узбекистан, 2004 г., № 25, ст. 287; 2006 г., № 27, ст. 245,  
№ 41, ст. 405)*

---

\* Кодекс публикуется отдельным изданием.

# **ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В ОБЛАСТИ СТРОИТЕЛЬСТВА\***

*(Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2001 г., № 1-2, ст. 21; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 25, ст. 287; 2005 г., № 49-50, ст. 366; 2006 г., № 41, ст. 405)*

## **Статья 1. Законодательство об ответственности юридических лиц за правонарушения в области строительства**

Законодательство об ответственности юридических лиц за правонарушения в области строительства состоит из настоящего Закона и других актов законодательства.

## **Статья 2. Понятие правонарушения в области строительства**

Правонарушением в области строительства признается нарушение генеральных планов, проектов планировки и застройки населенных пунктов, зданий и сооружений, несоблюдение юридическими лицами требований государственных стандартов, строительных норм и правил, технических условий, других нормативных актов в сфере проектирования и строительства, а также производства строительных материалов, влекущее снижение и потерю прочности, устойчивости, надежности зданий, строений, сооружений, их частей или отдельных конструктивных элементов, прочностных параметров, производимых строительных материалов, конструкций и изделий, а также действие, нарушающее установленный порядок строительства объектов и приемки их в эксплуатацию.

## **Статья 3. Ответственность за правонарушения в области строительства**

